*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2007** йил, **26** октябрь, жума № **43** (2222).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **26** октябрь, **2007** год, № **43** (2222).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена договорная

Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 18630 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 36900 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 18630 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 36900 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 22350 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли Фармонң (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 октябрь.



Бахром АБДУРАҲИМОВ сурата олган.

***Довруғинг дунёга таралар, юртим!***

## «ИНТЕРНЕТ ПЛАЗА» – ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНА БИР САМАРАСИ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Ахборот ва алоқа вазири Ю Ёнг Хван раҳбарлигидаги делегация аъзолари 25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Орипов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча жабҳаларда, жумладан, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Корея делегацияси раҳбари Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш тизимига замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, шаҳарлар ва туманлар марказларидаги алоқа тармоқларини замонавийлаштириш, аҳоли, корхона ва ташкилотларга юқори сифатли телефон алоқаси ва маълумот узатиш хизматлари кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди.

Учрашувда алоқа ва ахборотлаштириш, жумладан, замонавий телекоммуникация воситалари ва мураккаб ахборот тизимларини кенг жорий этиш, юқори технологияли маҳсулотлар яратиш ҳамда соҳада юксак салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш борасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Тошкент ахборот технологиялари университетида "Интернет Плаза" Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур марказ энг замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган синфхона, интернет ва конференция залларини ўз ичига олади. Бу ерда юқори тезликдаги интернетдан университет талабалари билан бир қаторда бошқалар ҳам илмий мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, алоқа тармоқларини рақамлаштириш ва уларнинг ўтказувчанлигини ошириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни компьютерлаштириш, малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, 2002 йили мамлакатимизда интернетдан 136 минг киши фойдаланган бўлса, жорий йил бошида бу кўрсаткич салкам 2 миллионга етди. «.UZ» домен зонасидаги веб-саҳифалар сони ўн карра кўпайиб, 4,5 мингдан ортди. Телефон тармоқлари рақамлаштирилди, уяли алоқа хизмати кенгайиб бормоқда. Компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини жорий қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида божхона ва солиқ имтиёзлари жорий этилди.

"Интернет Плаза" марказининг очилиши мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг амалий натижаларидан биридир, – деди Ю Ёнг Хван. – Ҳар гал келганимда мамлакатингизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси жадал ривожланиб бораётганига ишонч ҳосил қиламан. Ўзаро маслаҳатлашиш, технологик ёрдам кўрсатиш, тажриба алмашиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги янгиликлар хусусида фикр алмашиш икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

**Буюк ипак йўлида жойлашган, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳамда анъаналари, кўркам табиий қўриқхоналари бўлган Ўзбекистон чет эллик сайёҳларни тобора кўпроқ жалб этмоқда ва мафтун қилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан биргаликда ташкил этган, "Буюк ипак йўли" – Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш имконияти ва истиқболлари" мавзусига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида туризм ва туристик фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон ғарбни шарқ билан, жанубни шимол билан боғловчи асосий йўллар кесишувида жойлашганлиги тарихнинг тантилигидир. Бу ерда жаҳон миқёсида эътироф этилган маданий, тарихий ва меъморчилик обидалари жойлашган бўлиб, улар чет эл фуқароларида мамлакатимизга бўлган қизиқишни оширмоқда. Шу муносабат билан туристик бизнесни ривожлантиришга, бу соҳада хизмат кўрсатиш ва сервис даражасини янада оширишга мамлакатимиз раҳбарияти катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мазкур йўналишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бозор ислоҳотларини амалга ошириш, Ўзбекистонда иқтисодий фаолликни янада кучайтириш доирасида туризмни ривожлантириш, бу соҳада ишончли шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда, чет эллик туристларнинг кўплаб келишига эришишга қаратилган ҳаракатлар рағбатлантирилмоқда, туристик фаолиятнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланмоқда.

Масалани муҳокама қилиш асносида мустақиллик йилларида туристик хизматларнинг рақобатлашувга лаёқатли бозорини шакллантириш юзасидан институционал жиҳатдан ва сифат бўйича туб ўзгартишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Туризм соҳасида ихтисослашган хусусий операторлар фаолияти учун барча шароит яратиб берилмоқда, бу эса мамлакатимизга келаётган туристлар оқими кенгайишини таъмин этмоқда. Мамлакатда янгидан-янги туристик йўналишлар ишлаб чиқилмоқда, кўплаб замонавий меҳмонхоналар барпо этилмоқда, мавжуд меҳмонхоналар эса қайта қурилмоқда ва кенгайтирилмоқда – буларнинг ҳаммаси пировард натижада соҳани ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга давра суҳбати иштирокчилари туризм ва туристик фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, туризм соҳасига инвестицияларни жалб этиш ва кадрлар тайёрлаш, туристик хизматлар сифатини ошириш, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини чет элларда кенгроқ кўламда реклама қилиш ишларини кучайтириш, шунингдек, халқаро туристик ташкилотлар ва чет эллик шериклар билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш зарурлигини таъкидладилар. Сўзга чиққанлар туристик индустрия инфратузилмаси такомиллаштирилган, шунингдек, халқаро бозорга тақдим этилаётган туристик маҳсулотларнинг сифати ҳамда экспортга йўналтирилганлиги кучайтирилган тақдирдагина туризмнинг талайгина салоҳияти ишга солиниши мумкинлигини ҳам айтиб ўтдилар.

Тадбирда сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идораларнинг, дипломатик корпус, шунингдек, хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси ва туризм операторларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**ЎзА.**

### Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



## МАДАНИЙ НУТҚ ТАРБИЯСИ

Яна бир эски ҳақиқат шуки, одамнинг илк дунё сезгиси гўдакликдан бошланади. Демак, бу сезгига мақбул ва матлуб шакл бериш, уни рост ва расо ўзанга йўналтириш, унинг ўткир ва теран тафаккур, аниқ ва тиниқ тасаввур, замон ва макон сарҳадларидан сакрай биладиган тахайюл тарзида тўлиқиб бориши учун пойдор замин яратиш айни шу даврдан ибтидо олмоғи лозим.

**(Давоми 8-бетда).**

### Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



## ХИРМОНЛАРИНГ ҚУДРАТИНГДАН СЎЙЛАЙДИ

"...Бу муҳим ғалаба саноатимизнинг қайта ишлаш соҳаларини қимматбаҳо хомашё билан таъминлаш, мамлакатимизнинг бойлигига бойлик қўшиш, шу тариқа Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар", — дейилади мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига қутловида.

**(Давоми 8-бетда).**

### Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

## ЯНГИ АВЛОД ТРАКТОРЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги трактор заводини барчамиз яхши биламиз. Завод аграр мамлакат сифатида Ўзбекистоннинг кўплаб эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Айниқса, истиқлолга эришилгандан сўнг корхона давлат акциядорлик жамиятига айлантирилиб, замонавийлаштирилмоқда.


Шу ўринда корхонанинг тарихига оид айрим маълумотларга ҳам бир назар ташласак.

**(Давоми 8-бетда).**



**4** ҲАЛҚ ВА АРМИЯ ЯҚДИЛДИР

ТЕХНИКА БИЛИМДОНЛАРИ ТАЙЁРЛАНАР БУНДА



**6** МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

МЎЪЖИЗАКОР ДУНЁ



**10** IV ВСЕМИРНЫЕ ВОЕННЫЕ ИГРЫ

УЗБЕКИСТАН – В ДЕСЯТКЕ СИЛЬНЕЙШИХ!



**11** ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛАР АСОСИ

# МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК САМАРАСИ

Шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Одил Нишонов, Тоҳир Лутфуллаев ва Соҳиб Шакаровлар якуний синов машғулотларида, аниқроғи, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича энг юқори натижа кўрсатиб, масъул офицерлардан иборат ҳайъат аъзолари таҳсинига сазовор бўлдилар.

– Мустақил тайёргарликка алоҳида эътибор бериб, ҳарбий қисм кутубхонасида хизматдан бўш вақтимизнинг кўпроқ қисмини ўтказганимиз ўз натижасини берганидан хурсандмиз, – дейди кичик сержант Т. Лутфуллаев. – Газета ва журналлар мутолааси ва ҳамда дунё сиёсий саҳнасида рўй бераётган муҳим янгилик ва ўзгаришларни муҳокама қилган ҳолда мустақил фикримизни шакллантиришимиз жуда қўл келди.

Дарвоқе, мустақил тайёргарлик нафақат турли синов ва имтиҳонлар, балки кундалик фаолият ва турмушда ҳам самара бериши аниқ. Асосийси, эса жанговар тайёргарлик, шайликни юқори даражада сақлаш, профессионал ҳарбий хизматчи, деган номга муносиб бўлиш, Ватан ҳимоячисига билдирилаётган ишончни доим оқлашда айнан ўз устида ишлаш, касбий малакани ошириш муҳим аҳамият касб этади.

**Катта лейтенант Жуманазар МАТЁҚУБОВ.**

# ҒАЛАБАЛАР МУҲИТИ

Якуний синов машғулотларида юқори натижалар кўрсатиб командирлари, сафдошлари ишончини оқлаган юрт посбонлари кўплиги қувонарли, албатта. Зеро ҳар томонлама чиниққан ва тобланган ҳарбий хизматчилар тайёргарлик турларида бор куч ва билимларини сафарбар қилиб, муҳим умумвазифа – миллий армиямиз жанговар шайлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ижтимоий-сиёсий, жанговар, тактик тайёргарликлардан «аъло»ни нақд қилган ёш иқтидорли офицер Ш. Расуловнинг фикрича, командир аввало, ўзи шахсий таркиб учун намуна бўлиши, қўл остидагиларни зафар сари қатъият ва иродасини намойиш қилган ҳолда етаклаши лозим. Ёш офицернинг шижоати қуролдош дўстларига ўз таъсирини ўтказиши, ундан ибрат олишга чоғлаши турган гап. Шундай бўлмоқда ҳам. Масалан, шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар Б. Азизов ва Б. Давлатовлар гуруҳ командиридан сира ортда қолмасликни мақсад қилганлар. Демак, мазкур жамоада ўзига хос дўстона рақобат мавжуд, десак хато бўлмайди. Рақобатки, ўқиб изланишга, ўз устида ишлашга, билим доираси ва дунёқарашини кенгайтиришга ундайди. Соғлом рақобат муҳити янгидан янги ғалабалар учун ўта зарур шарт-шароитлардан бири эканлиги ҳам барчага аён. Шундай экан, юқоридаги сингари бўлинмалар посбонлари томонидан қўлга киритилаётган зафарларни кутилган натижа сифатида эътироф этиш тўғрироқ бўлса керак.

**Катта лейтенант Учқун САИДНАЗАРОВ.**



# ВЫСОКИЕ РЕЗУЛЬТАТЫ

С первых дней итоговой проверки высокие результаты по всем предметам обучения показывают подчиненные капитана Асада Абдурахманова. Особенно радуют успехами военнослужащие срочной службы, за короткий срок полностью овладевшие воинской профессией.

Так, на контрольных занятиях по строевой подготовке проверяющие отметили высокую строевую выучку рядовых Т. Атаханова и Н. Акилина. Оба безупречно выполнили строевые приемы с оружием и без оружия, четко доложили основные положения Строевого устава Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Темур и Никита отличились и в ходе сдачи нормативов по физической подготовке. Но здесь по некоторым показателям результаты были лучше у рядового Боходыра Рихсибаева. Благодаря примеру передовых воинов заметно повысились результаты подразделения в целом, и большинство военнослужащих показали самые высокие результаты.

Выполнение упражнения учебных стрельб стало серьезным испытанием прежде всего для тех, кто был призван в ряды Вооруженных Сил весной этого года. В конечном итоге, несмотря на понятное волнение, практически все они вернулись с огневого рубежа, точно поразив предъявленные мишени. А самый высокий результат показал рядовой Ахмаджон Умирзаков, сделав серьезную заявку на звание самого меткого стрелка в подразделении.

К моменту выхода в свет этого номера газеты в части пройдут завершающие контрольные занятия, которые и определят лучшее подразделение по итогам года. Судя по деловому настрою и первым результатам, уже сегодня можно не сомневаться, что подчиненные капитана А. Абдурахманова будут названы в числе лучших.

**Соб. инф.**

# МУҲИМИ – ЯКУНИЙ НАТИЖА

Юқори қўмондонлик томонидан Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва бўлинмаларида ниҳоясига етган 2006-2007 ўқув йили якуний синов машғулотларида эришилган ютуқ ва камчиликлар, уларга сабабчи бўлган шарт-шароитлар таҳлил қилиниши аниқ. Биз хизмат сафари билан бўлган ҳарбий қисм мисолида айтиш мумкинки, илғор посбонлар ва жамоаларнинг муваффақияти боиси тинимсиз меҳнат ва касбий малака, билимларни оширишдадир. Пешқадамликни қўлга киритган Ватан ҳимоячиларининг сафдошлари тайёргарлик бобида сусткашликка йўл қўйган, деган фикрдан йироқман. Лекин якуний синов машғулотлари давомида қуйидаги вазиятга бир неча бор гувоҳ бўлдим. Яъни, тайёргарликнинг муайян туридан юқори натижани қайд этганларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ тайёргарликнинг барча турларидан «аъло»ни нақд қилганлар нисбатан кам. Шундай экан, мазкур жамоаларда асосий эътиборни айнан тайёргарликнинг бир оз оқсаётган турларига қаратиш, илғорларнинг тажрибаларини кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш мақсадга мувофиқ. Албатта, шахсий таркиб ички имкониятлари, куч ва билими борасидаги маълумотлардан командир, айниқса, кичик командирларнинг хабардор бўлиши бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

– Гуруҳимизда намунали посбонлар кўп, – дейди офицер Дилмурод Ризаев. – Қувонарлиси, бунга эришишда йигитлар аскарий биродарликка алоҳида эътибор берган ҳолда соғлом рақобатчилик муҳитини вужудга келтирганлар. Бу ўз-ўзидан шахсий кўрсаткичлар борасида мусобақалашишга олиб келади. Охир-оқибат эса умумжамоа муваффақияти таъминланади.

Келинг, энди офицер Иномжон Ўразалиевнинг бу борадаги фикрлари билан танишамиз:

– Назаримда, мустақил тайёргарликчалик юқори натижа берувчи омил бўлмаса керак. Чунки айнан ўшанда машғулотлар давомида олинган билимлар мустаҳкамланади. Қолаверса, қабул қилинган маълумотларнинг такроран ёдга олиниши уларнинг хотирада узоқ вақт сақланишига, мазмунан тушуниб етилишига хизмат қилиши маълум.

Биламизки, фикр ва қарашлар ранг-баранглиги масала моҳиятини очиб бериш, ўзига хос ечим топишнинг ажралмас қисми саналади. Масалан, офицер Камолиддин Нурбековнинг таъкидлашича, мустақил тайёргарликнинг нақадар аҳамиятли эканлигини инобатга олган ҳолда унинг янада самарали бўлиши учун олинган билимлар доирасида баҳс-мунозалар, ақлий «жанг»лар ўтказиш зарур. Чунки киши бу ерда ўз нуқтаи назарини аниқ ва равон баён этиш, уни асослаш ва ҳимоя қилиш, тушунарли тарзда етказишни ўрганади ва шаклланади. Офицер бошчилигидаги взводда мазкур усул кўп қўлланилади ва самара бермоқда. Масалан, якуний синов натижаларига кўра жамоа шунқорлари ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича сафдошларига ўрнак бўлдилар.

– Менимча, посбоннинг ўз кучи ва билимига бўлган қатъий ишонч ва доимий олға интилиши уни ғалабаларга элтаверади, – дейди ҳарбий қисмнинг аълочи сержантларидан бири Шуҳрат Каримов. – Демоқчиманки, ҳақиқий профессионал бўлиш ва шу номни оқлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижаси, албатта, муваффақият билан якун топади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юрт посбонларига катта талаблар қўйилмоқда. Ушбу талабларга тўла жавоб бериш, Ватан ҳимоячиси бўлиш фақат сараларнинг сараларигагина насиб этаётгани бор гап. Юқоридаги фикрлардан ҳам аёнки, ҳарбий хизматчи елкасидаги мажбуриятлардан асосийси – доимий жанговар шайлик ва халқимиз тинчлигини таъминлашга хизмат қилишдир. Маҳоратни у ёки бу вазиятда қўллаш командир ҳамда бўйсунувчиларнинг билим ва қобилиятига, шахсий таркиб иқтидорига ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ. Демак, тайёргарлик жараёни тўғри ва мақсадли йўналтирилган ҳарбий жамоалар кўзланган мақсадга, якуний синовларда юқори натижаларга эришдилар. Кўрилган ҳозирликнинг қай даражада эканлиги эса ҳал қилувчи палла – ўқув йилининг сўнгги имтиҳонларида намоён бўлди.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.**

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

# ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ ПОСБОН



**Офицер Нодир Кенжаев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда посбонларнинг мунтазам равишда жисмоний тайёргарлик олиб боришлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги боис, бу ерда спортда юқори натижаларни қайд этаётган шунқорлар кўплаб топилади. Мана шундай алпкелбатли ўғлонлардан бири оддий аскар Аваз Азизқулов бўлади. Кўплаб мусобақаларда юқори поғоналарни эгаллаб келаётган йигит айни пайтда ҳарбий қисмда энг илғор посбонлардан бири сифатида тилга олинади.**

Авазнинг бироз мураккаб спорт турлари бўлган айикидога қизиқишида дастлабки мураббийи, кўплаб нуфузли мусобақалар ғолиби, спорт устаси Отабек Адашевнинг кўп ҳиссаси бор десак тўғрироқ бўлади. Мактабдош дўстлари билан бир куни шаҳар марказидаги спорт клубига келган йигитча бу ерда Шарқ якка кураши билан шуғулланаётган тенгқурларининг маҳоратини кўриб, «Наҳотки мен ҳам улардек шуғулланиб, ўз маҳоратимни намоён қила олмайман», дея спортчиларнинг жанг санъатини томоша қилиб турган Авазнинг олдига келган мураббий, «Сен ҳам машқ қилишни истайсанми?» дея уни ҳам шуғулланаётган шогирдларининг олдига олиб борди. Ўша куннинг ўзида бир-икки янги усулларни ўрганган Авазга мазкур спорт тури ниҳоятда ёқиб қолди. Шундан сўнг у ҳар куни дарсдан кейин клубга келиб тажрибали мураббийдан янги-янги сабоқларни ўзлаштира бошлади. Бир куни мураббий, «Сен энди анча машғулотларни ўзлаштирдинг, ўзингни жангда синаб кўришинг керак», дея унга мурожаат қилди. Бундан хурсанд бўлган Аваз югуриб гиламга чиқди. Мана шундай қилиб, илк рақиби билан гиламда беллашган болакай клубда Шарқ якка- кураши бўйича ўз маҳоратини шакллантириб борди. Машғулотлар давомидаги муросасиз беллашувларда унинг борган сари ушбу спорт турига бўлган қизиқишини орттириб борарди. Айкидо жанг санъати бўйича дастлабки сабоқни тенгқурларига нисбатан анча кеч бошласа-да, Аваз тинимсиз машқ қилиб, қисқа фурсат ичида ўзининг маҳоратини кўрсата олди.

У ҳар бир янги сабоқни тезда ўзлаштириб, амалиётда ҳам аниқ ҳаракатлар билан қўллай олиши билан дўстларидан ажралиб турарди. Ёш шогирддаги бундай истеъдод, албатта, устознинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Авазда келажакда яхши спортчи етишиб чиқишини англаган Отабек шундан сўнг, у билан янада кўпроқ машқ олиб бора бошлади. Ўтказилган машғулотлар тезда ўз самарасини берди. Аввалига кичик мусобақаларда маҳоратини шакллантириб борган ўғлон кўп ўтмай рақибларини доғда қолдириб, ўз истеъдодини намойиш қилди. У айкидо бўйича биринчи ғалабасини Пастдарғом туманидаги Чорғон шаҳарчасида ёшлар ўртасида бўлиб ўтган туман биринчилигида қўлга киритди. Шундан сўнг Аваз вилоят ва республика миқёсидаги бир қатор мусобақаларда ҳам муваффақиятли баҳс олиб борди. Ўтказилган ҳар бир мусобақалардаги жангларда ишончли ҳаракат қилган самарқандлик ёш спортчи тез орада ҳакамларнинг эътиборига тушди. Бундай мусобақалар ўз ўрнида унинг камчиликларини англаб, хатоларга йўл қўймаслигини таъминлаши баробарида ўз маҳоратини қайта-қайта синовдан ўтказиб олиши учун яна бир имкон эди.

2006 йил Пастдарғом туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежини тугатган Аваз талабалик даврида ҳам кўплаб мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ўзи таҳсил олаётган билим юртининг шаънини муносиб ҳимоя қилди. Ўтган йилнинг кузги чақирувида йигитлик бурчини адо этиш учун армия сафига отланган ўғлон муддатли ҳарбий хизмат давомида ҳам машғулотларни тўхтатиб қўйгани йўқ.

– Тўғриси, хизматга борганимдан сўнг у ерда машғулотни давом эттира олмасам керак, дея бироз хавотирлангандим, – дейди биз билан суҳбатда посбон. – Ҳарбий қисмга келиб, бу ерда посбонлар учун яратилган шароитларни кўргач, эса ховотирларим ўринсиз эканлигини англаб етдим. Бу ерда барча спорт тури билан шуғулланишимиз учун етарлича қулай имкониятлар яратилган. Айниқса, дам олиш кунлари спорт мусобақаларининг уюштирилиши эса бизга ниҳоятда манзур бўлмоқда.

Ҳар бир инсоннинг нафақат жисмонан, балки маънан шаклланишида ҳам спортнинг ўрни беқиёс. Айниқса, юрт осойишталиги йўлида жанговар сафларда хизмат қилаётган посбонларнинг ўқув мавсуми машғулотларида юқори чўққиларни забт этишида спортнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис бугун Қуролли Кучлар тизимида посбонларнинг жисмоний тайёргарлигига катта эътибор бериб келинмоқда. Катта офицер Қобил Эгамов етакчилик қилаётган взводда катта ўқчи вазифасида хизмат қилаётган оддий аскар Аваз Азизқулов ортда қолган ёзги ўқув мавсуми мобайнида, шунингдек, якуний синов машғулотларида фаол иштирок этиб, жамоасининг илғорлар сафидан жой олиши учун астойдил ҳаракат қилди. Бундан ташқари, посбон хизмати жараёнида ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиб, ҳатто, оғир атлетика бўйича ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритди. У ҳарбий қисмда посбонлар ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларида доимо ғолиблик нашидасини суриб, сафдошларига ўрнак бўлди. Ўз ўрнида ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарлик бўйича ҳам аълочилардан бири сифатида эътироф этилган посбон ўқув мавсуми мобайнида эришган ютуқлари учун Мудофаа вазирлиги томонидан «Жанговар тайёргарлик аълочиси» деган кўкрак нишони билан тақдирланди. Айни пайтда тавсияномага талабгорлардан бири бўлган оддий аскар Аваз Азизқулов муддатли хизматдан сўнг Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида таҳсил олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Келажакда малакали офицер сифатида юртимиз осойишталигини ҳимоя қилишдек шарафли ишни орзу қилган бу оташқалб ўғлоннинг орзулари ушалишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Агнеш ҚУРБОНОВ, Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**

ВАТАНГА ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

Кузги чақирув – 2007

# ЎҒЛОНЛАР ОТЛАНДИ МАРДОНА САФГА



Йигитлар виқор ила саф тортиб туришибди. Айни дамда муддатли хизматга отланаётган бу ўғлонлардаги ғурур ва ҳаяжонни тушунса бўлади. Чунки улар ҳарбий хизматга чақирув «майдон»ларида кечган муросасиз беллашув, улкан спортовларнинг ҳақиқий ғолиблари. Бу ҳаяжонни нафақат йигитларда, балки уларни кузатишга, оқ йўл тилашга чиққан яқинларининг нигоҳидан ҳам уқиш мумкин. Нега десангиз, ҳар бир ота-она фарзандининг камолига, ёрқин келажагига кўз тикиб яшайди. Айниқса, ўғлонларини эл-юрт корига камарбаста, Ватан юкига елка тутадиган, забардаст инсонлар бўлишини орзу қилади. Бу ўғлонлар мана шу шарафли йўлнинг бошида туришибди, десак хато бўлмайди.

Йигитлик бурчи остонасида турган чақирилувчиларга эътибор бераман. Нигоҳларида қатъийлик, ўзига ишонч, насиб этган бу омаддан мамнунлик ҳисси мужассам. Эгниларига ярашиб турган бир хил спорт кийимлари уларнинг хизматга отланаётганлигидан нишона. Чунки катта тантаналар, совғалар ила мана шундай либосда кузатиш Қуролли Кучларимизга хос бўлган анъаналардан биридир.

Мақоламизда меҳр ила таърифланаётган бу жараённи биз Андижон шаҳрида кузатишга мушарраф бўлдик. Ушбу кузатув маросимида Андижон вилояти ҳокимлиги вакили Ш. Гуломов, округ штаби масъул офицери М. Гиясов, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, шунингдек, шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимликларининг ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, «Нуроний» жамғармаси шаҳар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари ва оммавий-ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Кўриб турганингиздек бўлажак Ватан посбонларини муддатли хизматга кузатув жараёни кенг жамоатчилик асосида, тантаналар ила амалга оширилмоқда. Кузатув шодиёнасида дастлаб сўз олган вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи офицер Рафук Қодиров ўзининг самимий дил сўзларини қуйидагича тақдим этди.

– Сизларни мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига чақирилишингиз муносабати билан самимий табриклайман. Ҳозирги пайтда Қуролли Кучларимиз сафига тест синовларидан ўтган жисмонан чиниққан, ақл-заковатли, етук йигитлар сараланиб олинмоқда. Бундай шараф ҳар бир йигитга ҳам насиб этавермайди. Айни дамда муддатли ҳарбий хизматчиларга бир қатор имтиёзлар мавжудки, бундай эътибор ва ғамхўрлик фақат ўзлигимизга хосдир. Жумладан:

– аълочи аскарларга олий таълим муассасаларига ўқишга киришда 25 фоизли имтиёзли тавсияномалар берилмоқда;

– муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилаётган пайтда республикамизда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 16 баравари миқдорида пул мукофоти берилмоқда;

– жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижа кўрсатган ҳарбий хизматчиларга махсус кўкрак нишонлари таъсис этилди;

– муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган аскарларнинг бир йиллик хизмат даври икки йил бўлиб иш стажига қўшилиши белгилаб қўйилди;

– 2007 йил 1 октябрь ойидан бошлаб уларнинг мансаб маошлари 1,15 баробарга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш энг орзули касбга айланди, десак муболаға бўлмайди.

Ҳурматли ота-оналар! Мен сизларга шуни ишонч билан айтаманки, фарзандларингиз ҳарбий хизматнинг барча сир-асрорларини мухтасар эгаллаб, она Ватанимизнинг асл ҳимоячиси бўлиб, бағрингизга соғ-саломат қайтади. Биз фарзандларингизни армия сафига кузатибгина қолмай, балки ҳарбий хизматни тугатгандан сўнг, яна тантанали равишда кутиб ҳам оламиз. Сўзим якунида сиз чақирилувчиларга ҳарб илмини қунт билан эгаллаб, энг аълочи посбон сифатида ёруғ юз билан яқинларингиз бағрига қайтишингизни тилайман. Омад сизга доим ёр бўлсин!

Тантанали митингда сўз олган жамоатчилик вакиллари, ота-оналар ҳам қалбларидаги энг эзгу тилакларини билдириб ўтишди. Уларнинг муваффақият билан хизмат ўташларига ишонч билдиришди. Кузатув тадбирининг давоми бир пиёла чой устида, куй-қўшиқларга уланди. Андижон ва Асака шаҳар маданият бўлими хонандалари ўз санъатлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Бўлажак посбонлар ва кузатув маросими қатнашчилари учун ёзилган байрам дастурхонига ўзбекона палов тортилди ҳамда ҳар бир чақирилувчи учун эсдалик совғалари топширилди. Бундай дақиқалар ҳар бир йигитнинг ёдида қолиши аниқ. Шунингдек, бундай тадбирлар сабаб ҳарбий хизмат нуфузи ортаверади, Ватан посбони бўлиш қай даражада шарафли ва улуғвор эканлиги ўз эътирофини топаверади.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖА

**Қуролли Кучларимиз сафини сифатли бутлашда Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ватан олдидаги муқаддас бурчларини шараф билан бажараётган юрт ўғлонлари қаторида жиззахлик ёшлар ҳақида алоҳида тўхталсак арзийди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси кузги чақирувни жиддий тайёргарлик билан кутиб олди. Арнасой, Мирзачўл туманлари мудофаа ишлари бўлимлари йиғин пунктлари капитал таъмирдан чиқарилди. Барча туманларда чақирилувчилар учун қулайликлар яратишга катта эътибор қаратилган.**

Кейинги пайтларда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти тиббий комиссиялар ишини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Бунинг натижасида йиғин пунктлари замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Йиғин пунктларини жиҳозлашда жойлардаги ҳокимликлар катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Юқорида вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг кузги чақирувга алоҳида тайёргарлик кўрганликларини таъкидлаб ўтган эдик. Мазкур тайёргарликнинг кўпчилик ўрганишга арзийдиган бир жиҳати борки, шу сабаб унга тўхталишни лозим деб топдик. Бугунги кунда миллий армиямиз сафларига адолат мезонларига асосланган танловлар асосида ёшларимизнинг қабул қилиниши янгилик бўлмай қолди. Давр талаби ҳам кучайган бир вақтда мазкур танловлар жараёнини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бўлғуси Ватан ҳимоячисининг интеллектуал салоҳиятига жиддий эътибор қаратилаётгани ҳам ана шундандир. Чақирилувчиларнинг тест синовларидан ўтишлари танловнинг энг муҳим шартларидан бирига айланди. Ана шу энг муҳим шартнинг бажарилиши юзасидан вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи офицер Ойбек Марайимов ўз мулоҳазаларини шундай баён қилади:

– Баҳорги чақирув жараёнидан сўнг тест синов натижаларини атрофлича таҳлил қилдик. Таҳлил натижаларига кўра тест синовларидан энг юқори балл тўплаган ёки бирмунча паст кўрсаткичли чақирилувчилар вилоятнинг кўпроқ қайси туманидан эканликлари аниқланди. Ва ўз таклифларимиз билан вилоятнинг умумий ва ўрта махсус таълим бошқармаларига чиқдик. Худди шундай ахборотнома-таклиф соғлиқни сақлаш бошқармасига ҳам жўнатилди. Мазкур таклифларда таълим жараёнида нималарга янада жиддий эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида мулоҳазаларимизни баён этганмиз. Биз барчамиз умумий эзгу мақсад йўлида хизмат қиламиз. Демак, бир мақсад йўлидаги эзгу ишларни амалга оширишда яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш айни муддаодир. Бу алоқалар яқин орада ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси томонидан чақирилувчиларга бугунги армия ҳақида етарли даражада маълумот бера оладиган «Армия — ҳаёт мактаби» деб номланган эслатма тарқатилмоқда. Эслатма нафақат чақирилувчилар учун, балки ҳаёт мактаби ҳақида билиш истагида бўлган кенг ўқувчилар оммасига ҳам мўлжалланган дир. Мудофаа ишлари бошқармаси ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида мактаб, лицей ва коллеж талабалари учун ҳамкорликда уюштирилган тадбирларда эслатмадан фойдаланиш ўринли эканлигини уқтириб, уларга ҳам тарқатди. Бу борада вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати яқин ҳамкор эканликлари таҳсинга лойиқ.

Мудофаа ишлари бошқармаларида бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра ишлар қизғин. Барчанинг эътибори Қуролли Кучларимиз сафини ҳар томонлама баркамол ёшлар билан бутлашга қаратилган. Бу борада вилоятнинг офицер Фарҳод Қосимов етакчилигидаги Жиззах шаҳар, офицерлар Нормуҳаммад Аҳадов етакчилигидаги Бахмал, Ҳамиджон Темиров етакчилигидаги Ғаллаорол тумани мудофаа ишлари бўлимлари олиб борган ишлар алоҳида таҳсинга арзийди.

Вилоят йиғин пункти ҳам кузги чақирувга қадар капитал таъмирдан чиқарилиб чақирилувчиларни қабул қилди. Йиғин пункти тиббий ускуналар билан етарли даражада таъминланган. Бунда жиззах вилояти ҳокимлиги алоҳида жонбозлик кўрсатди. Барча қулайликларга эга йиғин пункти нафақат чақирилувчиларни, балки уларнинг ота-оналарини ҳам мамнун қилди. Чунки бу ерда кузатувчилар учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилган. Келинг, яхшиси бу ҳақда ота-оналарнинг ўзлари гапирсин.

**Моҳира НОРМУРОДОВА:**

– Бу ерда фарзандларимиз учун яратилган шароитларни кўриб хурсанд бўлдик. Фарзандларини армияга кузатувчи ота-оналар учун ҳам қулайликлар бор. Бундан кўринадики, фарзандларимиз армияга чақирилаётган дастлабки кунларданоқ давлатимизнинг уларга ғамхўрлиги янада очиқроқ намоён бўлмоқда. Ўғилларимиз ҳам бундай юксак эътибор ва ғамхўрликни жавобсиз қолдирмайдилар. Эл-юрт ишончини муносиб оқлаб, Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини шараф билан бажарадилар. Оналар ишончи фарзандлар учун қайрилмас қанот кабидир. Барчангизга оналар номидан оқ йўл тилаб қоламан.

Мамлакат мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш йўлида фидойиларча хизмат қилиб келаётган Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси жамоаси бундан кейин ҳам ташаббускорлик ва изланувчанликлари билан ҳамиша етакчилар сафида бўлишларига ишонамиз.

**Шаҳобиддин ЎРОЛОВ.**

MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI O'zbekiston

# 23 ДЕКАБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

# САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ШАРТИ

**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари ва котибларининг амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссияларининг раислари ва котиблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳақида маъруза қилди.

Мамлакатимизда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши Конституциямизда ва миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Айнан шунинг учун ҳам сайловлар, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда сиёсий, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Сайловларни ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди. Улар сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларининг ижро этиши учун мажбурийдир. Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этиши зарур.

Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизнинг бутун ҳудудида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунининг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ҳамда тушунтиришлар беради, шунингдек, сайлов комиссиялари фаолиятини йўналтириб боради.

Ўтган даврда Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи тузилди, округ сайлов комиссиялари ташкил этилди ва уларнинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва 8 нафардан кам бўлмаган комиссия аъзоларидан иборат шахсий таркиби тасдиқланди ва маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Айни вақтда ушбу комиссиялар ўз фаолиятини амалга оширишга киришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, округ сайлов комиссиялари таркиби миллий сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсиясига биноан жамоатчиликнинг обрўли вакиллари, партиясизлар ҳисобидан шакллантирилди. Бу уларнинг иш фаолиятида холисликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш тартиби ҳақида семинар-кенгаш иштирокчиларига атрофлича маълумот берилди.

Қонунга ва Марказий сайлов комиссиясининг календарь режасига биноан округ сайлов комиссиялари сайлов участкаларини ташкил этди. Энди 13 ноябргача улар халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг бевосита иштирокида участка сайлов комиссияларини шакллантиришлари лозим.

Сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш борасидаги ишларни очиқ ва ошкора амалга ошириши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Зотан, ошкоралик ва адолат устувор бўлган жамиятдагина сайловлар чинакам демократик тамойиллар асосида, миллий қонунчилик доирасида ва жаҳон андозаларига мос равишда ўтади. Бунда, албатта, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлиги билан боғлиқ воқеликни холис ва ҳозиржавоблик билан ёритиб бориши тақозо этилади. Бу борада уларга Марказий сайлов комиссияси катта ёрдам беради.

Семинар иштирокчилари Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида бўлиб, бу ерда журналистлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Марказнинг конференц-зали ва хоналари замонавий мебель, компьютер техникаси, телефон, факс ва нусха кўчириш аппаратлари билан жиҳозланган. Бу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари тегишли маълумотларни зудлик билан олиши, шунингдек, тайёрлаши ва Интернет тармоғи орқали узатиши учун зарур шарт-шароит муҳайё этилган.

Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази раҳбари Б.Алимов йиғилганларга сайлов компаниясининг очиқлик, ошкоралик ҳамда транспарентлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш, округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолиятини ташкил этиш каби масалалар юзасидан амалий тавсия ва тушунчалар берди. Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган қўлланмалар тарқатилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси ҳудудидаги сайлов участкаларидан бирида бўлиб, сайловчилар учун яратилган қулайликлар билан танишдилар.

**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳуқуқингни биласанми, сайловчи?

# ҚАНДАЙИН ВАКОЛАТЛАРИ БОР?

**Яқинда матбуот саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг тегишли ҳужжатларини Марказий сайлов комиссияси қабул қилиб олгани борасида ўқиб қолдим. Шу ўринда бир савол: Марказий сайлов комиссиясининг бундан бошқа яна қандайин ваколатлари бор?**

**Эргаш АВЕЗОВ, ўқитувчи.**

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида бу хусусда батафсил маълумот берилган. Унга биноан қуйидагилар Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларига киради:

– Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ҳамда тушунтиришлар бериб боради;

– сайлов комиссиялари фаолиятини йўналтириб боради; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар ушбу Қонунга зид бўлса, бекор қилади; сайлов комиссиялари таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

– сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

– Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига биркитиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов компаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

– оммавий ахборот воситаларининг сайлов компаниясида иштирок этиши ва улардан ушбу Қонунга мувофиқ фойдаланиши тартибини белгилайди;

– пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди; сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенларининг ва варақаларининг, сайловчилар рўйхатининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг шаклларини, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

– давлат органлари, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва бошқа жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олади, сайловнинг республика бўйича умумий якунларини чиқаради, сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотларни матбуотда эълон қилади;

– сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида намунаси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган гувоҳнома топширади;

– сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлиги ҳақидаги материалларни прокуратура органларига оширади;

– ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

**Сафар АЛИЕВ тайёрлади.**

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Тест синовлари

# АЪЛОЧИЛАР САРАЛАНМОҚДА

**Кейинги йилларда ҳар бир йигит учун Қуролли Кучларимиз сафларида ўз йигитлик бурчини ўташ муқаддас бурчга айлангани, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, бепоён сарҳадларимизни ишончли қўриқлаш шарафли вазифа сифатида қадр топаётгани бежиз эмас. Армияда хизмат қилиш истагини билдираётган ўғлонлар сони тобора кўпаймоқда. Муддатли хизмат бурчини муносиб ўтаб, тавсиянома олиш учун талабгор аълочи аскарларнинг сони ортиб бораётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Бу эса табиийки, саралар ичра сараларни танлаб олишни, ўзига хос янги танлов, имтиҳонларни ўтказишни тақозо этади...**










Куни кеча Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган тест синовлари ҳам фикримиз далилидир. Ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Акмал Баратов раҳбарлигидаги гуруҳ вакиллари ўрнатилган тартиб-қоидаларга мос равишда ўтказдилар. Тошкент гарнизонида жойлашган барча ҳарбий жамоалардаги ўқишга киришга талабгор муддатли ҳарбий хизматчилар ўз эгаллаган билимларини холисона текширишга муваффақ бўлдилар.

– Бу каби тест синовлари барчага маъқул бўлмоқда, – дейди Давлат тест маркзининг бош эксперти Замира Абдураҳимова. – Энг муҳими, тавсиянома беришнинг бу усули ҳарбий хизматчилар ўртасида адолат тарозусининг ўрнатилиши ҳамда уларга яратилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланишнинг муҳим омили эканлигини кўрсатмоқда. Зеро авваллари тавсияномалар бевосита қисм ва бўлинмаларнинг командирлари томонидан берилган бўлса, ҳозирда номзодлар ичидаги энг муносибларига берилишига эришилмоқда. Бунда аскарнинг нафақат жисмоний, балки ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарликларга оид билим савияси тест жавобларида аниқ равшан бўлади. Ахир қозонда бори чўмичга чиқади, дея бежиз айтишмайди-ку.



Масаланинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, тест синовлари жавобларининг бир нусхаси Давлат тест марказида қолдирилиб, иккинчи нусхаси эса Мудофаа вазирлигига юборилади. Шундан сўнг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан тестдан юқори баллар билан ўтган талабгорнинг тартиб-интизоми, хулқ-атвори, қисм ҳаёти ва жамоат ишидаги иштирокига оид хизмат жойидан юборилган тавсифнома ўрганиб чиқилади. Махсус ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра, муносиб талабгор ҳарбий хизматчиларга тавсияномалар беришга қарор қилинади.

– Ўтган йили Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш учун астойдил ҳаракат қилган эдим, – дейди катта ўқчи оддий аскар Шерзод Ғофуров. – Бироқ имтиҳонлардан ўта олмадим. Сўнгра ўз хоҳишим билан муддатли хизмат бурчимни ўташга отландим. Хизмат даврида қисмимизда ўқишга киришга талабгорлар учун қўшимча дарсларнинг ташкил қилингани бугунги тест синовлари пайтида ўз самарасини берди, десам муболаға бўлмас. Ниятим – ушбу илм масканида таълим-тарбия олиб, армиямизнинг муносиб офицерлари қаторидан жой эгаллаш.

– Чақирув давригача мен мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомактабида таҳсил олганман, – дейди яна бир талабгор оддий аскар Акмал Отабоев. – Танлаган касбимни севаман. Келгусида соҳанинг етук мутахассиси бўлиш мақсадида Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кириш учун бугундан ҳозирлик кўраяпман. Биз, муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳукуматимиз томонидан берилаётган қатор имтиёзлар ва Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан яратилаётган ажойиб шароитлардан беҳад мамнунмиз.

Тест синовлари барча гарнизонларда олиб борилди. Яқин кунларда давлат аҳамиятига молик яна бир муҳим имтиҳондан юқори кўрсаткичлар билан муваффақиятли ўтганларнинг номлари маълум бўлади. Демак, тавсияномалар саралар ичра сараларга берилади. Демак, кейинги йил олий ўқув юртларини юксак билим ва касбий малакага эга, ҳар томонлама чиниққан, ҳаёт мактаби дея аталмиш армия сафларида роса тобланган бир қатор юрт ўғлонлари тўлдирадилар. Улар келажаги порлоқ давлатимизнинг равнақи, гуллаб-яшнаши йўлидаги синовлардан ҳам ёруғ юз билан ўтишларига ишонамиз.

**Майор Жавоҳир СОБИТОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

Халқ ва армия якдилдир

# ТЕХНИКА БИЛИМДОНЛАРИ ТАЙЁРЛАНАР БУНДА

**Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳузуридаги «Автотрактор техникаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш махсус курси»нинг учинчи қалдирғочлари ҳам бугун соҳа илмини зўр қизиқиш ва қатъий шижоат билан ўрганишмоқда.**

Бу ерда халқ хўжалигининг кенг тармоқлари, жумладан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда Қуролли Кучларимизнинг тегишли бўғинларига малакали мутахассис-кадрлар тайёрланади. Айнан ҳарбий билим юрти ҳузурида ташкил этилган махсус курсда юксак тартиб-интизом асосида чуқурлаштирилган билимларнинг малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши, курсантлар учун зарур ўқув хоналари, амалий машғулот ўташлари ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар ҳамда кўргазмали воситаларнинг яратиб берилгани, қолаверса, йигитларнинг бевосита ҳарбийча кўникмалар билан таҳсил олгани келгуси фаолиятлари давомида муваффақиятли натижаларга эришишида мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Бўлажак техника билимдонларига машғулотларни сифатли, ҳар томонлама мукаммал олиб бориш учун зарур ўқув ва техник жиҳозлар ҳам билим юртида етарли. Курсантлар билим юртида таҳсил олиш жараёнида ётоқ жой, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминланади, маданий-маиший хизмат турлари, кутубхона, дам олиш хоналари, телевизор, шахмат-шашка, мусиқа асбоблари кабилардан бемалол фойдаланишади. Битирганларга йўналишларига қараб тегишли тоифадаги автотрактор воситаси ҳайдовчиси гувоҳномаси, автотрактор техникаси двигателининг трансплантацияси ва электр жиҳозларини таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш, автотрактор техникаси ҳайдовчи-механиги, автотрактор техникаси таъмирчи механиги каби мутахассисликлар берилади.

Биз етиб борганимизда курсантларга автомобиль ва тракторларни ҳайдаш юзасидан амалий машғулот ўтказиляпти экан.

– Мазкур машғулотда тракторларни ҳар хил шароитда бошқариш, автомобилларни эса колоннада ҳаракатлантириш сабоғи ўргатилмоқда, – дейди офицер Қаҳрамон Ботиров. Ижодий гуруҳимиз билан машғулотни кузата бошладик. Курсантларга техникани бошқаришдан олдин яна бир марта хавфсизлик техника қоидалари ҳамда тегишли йўл-йўриқлар тушунтирилди. Турли маркадаги тракторлар ҳамда юк автомобиллари машғулот майдонига саф қилиб қўйилган, ҳар бирининг ёнида ҳайдовчи-ўргатувчи йўриқчилар турибди. Бир оздан сўнг курсантлар улар назоратида техникани бошқаришга киришадилар.

Ниҳоят, машғулот раҳбари оқ байроқни кўтариб, «Тайёрлан!» командасини билдирди. Шундан сўнг «машиналар сари», «ҳамма жойжойига», «моторни ўт олдир» ва «юрилсин» каби буйруқларнинг барчаси тегишли тартибда оқ ва қизил рангдаги байроқлар воситасида берилди. Оғир техникалар ҳаракатга келди. Чор-атрофни моторнинг ванғиллаган овози тутиб кетди. Ҳайдовчи-ўргатувчи кичик сержантлар Бекзод Аҳмедов, Даврон Иноятов, Умид Кўчиев ва Асқар Эшқобиловлар назорат қилиб бораётган автомобиллар колоннаси ўрнидан қўзғалди. Иккинчи томонда эса ҳайдовчи-ўргатувчи шартнома бўйича хизматчи посбонлар Дилмурод Отажанов ва Анвар Авезов етакчилигида тор йўлаклардан ҳаракатланиш, қисқа бурилиш ва бошқа мураккаб вазифаларни ўрганаётган тракторчилар гуруҳи машғулот ўтишмоқда. Белгиланган масофани босиб ўтгач, ортга қайтиб келиб ўз ўрнини эгаллаган машиналарга кейин иккинчи туруҳ чиқади. Курсантлар шу тариқа соҳа сирларини эгаллаб, амалиётда мустаҳкамлаб борадилар. Бунда уларнинг ҳар бир ҳаракати йўриқчилар томонидан баҳоланиб борилади. Кузатишларимиз давомида йигитларнинг барчаси ҳам қизиқувчан, тегишли билимга эга эканига гувоҳ бўлдик. Аълочи курсантлардан бири сифатида эътироф этилаётган Хурсандбек Шарипов ҳамда тракторни бошқариш маҳоратини пухта эгаллаган Марат Ўринов, Аҳрор Султонов, автомобиль бошқаришда эса Нурмуҳаммад Аблайхоновлар анчайин ибратли экани машғулот давомида яққол билинди.

– Хоразм вилоятининг Янгибозор туманиданман, – дейди курсант Хурсандбек Шарипов. – Техникага ёшлигимдан қизиқаман. Курс ҳақида эшитдим-у, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаб, бу ёққа йўл олдим. Мана, ўзимиз учун зарур бўлган кўпгина техник билимларни, шу билан бирга ҳаётий кўникмаларни ҳам эгаллаяпмиз. Техникани таъмирлаш сирларини офицер Жамолиддин Орипов, йўл ҳаракати қоидаларини офицер Қаҳҳор Қобулов, эксплуатациядан офицер Собир Маликқуловлар сабоқ беришмоқда. Шарт-шароитлар кўнгилдагидек. Хуллас, биз шундай масканда таълим-тарбия олаётганимиздан, эътибору ғамхўрликдан мамнунмиз.

Билим юрти ҳузуридаги ўқув ишлаб чиқариш мажмуаси курсантларнинг таъмирлаш ҳамда эҳтиёт қисмлар ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлишларида муҳим омил бўлмоқда. Бу ерда турли станок ва ускуналар ёрдамида бириктириш, пайвандлаш, винт, гайка, больт сингари эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, бутлаш сирлари ўргатилади. Яъни амалий машғулотлар бу ерда ҳам ўтилади. Курсантларга ўз ишининг моҳир устаси бўлган ҳарбийлар ҳамда Қуролли Кучлар хизматчилари сабоқ беришади. Офицер Жамолиддин Орипов, кичик сержант Шуҳрат Норқулов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Жамол Худойқулов ҳамда Қуролли Кучлар хизматчиси Левон Маркарянлар шулар жумласидандир.

Махсус курсни битирган йигитларнинг эртага ҳарбий қисм, жанговар машиналарни таъмирлаш заводлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги, умуман, иқтисодиётимизнинг кенг тармоқларида фаолият юритишини ва ушбу мутахассислар айнан ҳарбий билим юртида тайёрланаётгани эса халқ ва армия якдиллигининг яққол ифодасидир.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.**
**Кичик сержант Феруз ИСМОИЛОВ суратга олган.**




















ИСТИҚБОЛ САРИ

# «ШАНХАЙ РУҲИ» ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Бир неча йил аввал халқаро сиёсатда «Шанхай руҳи» деган янги атама пайдо бўлди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти, маданияти ўртасида муайян фарқлар мавжуд эканлигига қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мулоқотлардаги тенглик, тараққиётга биргаликда интилиш ташкилотни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу омилларнинг барчаси «Шанхай руҳи»нинг асосий таркибий қисмларидир. ШҲТ саммитларида, ташкилотнинг турли мақомдаги анжуманларида ҳамиша ана шу руҳ ҳукм суради.

ШҲТ давлатлари ўртасидаги гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришда ҳам «Шанхай руҳи»нинг аҳамияти катта. Мамлакатларимиз сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодий алоқаларга оид режаларни амалга ошириш баробарида маданият, санъат ва таълим йўналишларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. ШҲТ саммитларида аъзо ва кузатувчи мамлакатларнинг санъат усталари бир саҳнада гала-концерт ташкил этиши анъанага айланди. ШҲТ давлатларининг маданият ва таълим соҳалари учун масъул вазирликлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини, йиллик санъат фестивалларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Хитой ва Россия қадим урф-одат ва анъаналарга, бой тарихга эга эканлигини назарда тутиб, уларнинг гуманитар ҳамкорлиги ташкилот қамраган минтақада цивилизациялараро мулоқотни ривожлантиришга йўл очмоқда. ШҲТ маконида «халқ дипломатияси»ни ривожлантириш мақсадида 2005-2006 йилларда Кўп томонлама маданий ҳамкорлик дастури муваффақият билан амалга оширилди. Айни пайтда 2007-2008 йилларга мўлжалланган шундай дастур ижроси давом этмоқда. У ШҲТ мамлакатлари маданият вазирларининг 2006 йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида тасдиқланган. Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида ШҲТ мамлакатларининг тасвирий ва амалий-декоратив санъатига бағишланган «Баҳор камалаги» мавзуидаги кўргазма ташкил қилинди.

Хитойнинг Хуанчжоу шаҳрида ташкил этилган «Сиху кўлини чизамиз» бадиий форуми, Қирғизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида ўтказилган Иссиққўл кинофестивали жорий йилнинг маданий тадбирларидандир. Хуанчжоу форумида ШҲТ мамлакатларидан олтмишдан зиёд мўйқалам устаси иштирок этди. Иссиққўл кинофестивалида намойиш этилган фильмлар сони ҳам шунга яқин бўлди.

ҳамкорликда ўтказилаётган маданий тадбирлар сони йилдан-йилга кўпайиб, бойиб бормоқда. Бунда давлат раҳбарларининг гуманитар ҳамкорлик масалаларига эътибори муҳим аҳамият касб этаётир. Бугун ШҲТнинг нуфузи ортиб, у фаол сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилотга айланиб бораётган экан, шунга монанд даражада маданий алоқаларни қарор топтириш унга аъзо мамлакатлар халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир. 2007 йил август ойида бўлиб ўтган Бишкек саммити кун тартибига ягона маданий макон барпо этиш масаласи ҳам киритилгани бежиз эмас. Бу театр, мусиқа ва санъат фестивалларини ўтказиш, тажриба алмашиш, малака оширишда ҳамкорлик каби тадбирларни назарда тутади. Охирги саммитда маданият вазирлари иштирок этгани ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган бу йўналишдаги алоқалар ривожланиш йўлидан бораётганидан далолатдир.

2006 йил июнь ойида имзоланган таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ушбу муҳим йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасида ШҲТ давлатлари икки томонлама ҳамкорликнинг бой тажрибасига эга эканлиги кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Масалан, Тошкентда «Россзарубежцентр» халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ваколатхонаси, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси, Ўзбекистон пойтахтида эса хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт очилгани ҳам яхши мисол бўла олади.

Университетлар қаторида академик доиралар, спорт ва жамоат ташкилотлари, ёшлар тузилмалари ҳам кўплаб ҳамкорлик лойиҳаларини таклиф этмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон ва Хитойнинг миллий олимпия қўмиталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган. Ёш авлод ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга эътибор берилмоқда. Давлат раҳбарлари ёшлар ташкилотларининг ШҲТ доирасидаги мулоқотларини кўллаб-қувватлаш борасида келишиб олганлар. Ўзбекистон, Хитой ва Қозоғистонда «Болалар эртакларни акс эттиради» кўргазмалари бўлиб ўтди ва бу жараён давом этмоқда. 2008 йилда Хитойда Олимпия ўйинлари ўтказилишини, Сочи шаҳри эса 2014 йилги қишки Олимпиада мезбони деб эълон қилинганини таъкидлаш жоиз. ШҲТ давлатлари бу тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

Гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда ШҲТ Форуми ҳам муҳим ўрин тутади. Унинг 2006 йил май ойида Москвада бўлиб ўтган таъсис мажлисида Регламент ва Иш режаси қабул қилинган. Регламентга мувофиқ ШҲТ Форуми вазифалари сирасига илмий-тадқиқот институтлари ва сиёсатшунослик марказлари ўртасида алоқа ўрнатиш, тажриба ва ахборот алмашиш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш, кўп томонлама ҳамкорлик дастурларини экспертиза қилиш, аъзо давлатларни қизиқтирган долзарб масалалар бўйича халқаро симпозиум, семинар, илмий-амалий конференциялар ташкил қилиш каби тадбирлар киради.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан маълум қилишларича, Форум таркибига ҳар бир аъзо давлатдан биттадан нуфузли илмий муассасага ўрин берилган. Бу муассасалар ўз давлатининг Форумдаги Миллий тадқиқот маркази мақомида фаолият юритади. Мамлакатимиз томонидан бу вазифани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бажармоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти улкан салоҳиятга эга, жумладан, гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик жараёни кузатилганда аъзо давлатлар тобора янги имкониятларни ишга солаётгани, янгиларини юзага чиқараётгани намоён бўлади. Демак, гуманитар ҳамкорлик ҳам келгусида кенгайиб, янги мазмун касб этиб бораверади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Письмо в редакцию

## ГОРЖУСЬ СВОИМ СЫНОМ

Я – мать тринадцати детей. Когда мой младшенький, Агабек Юлдашев, после окончания школы сказал, что будет поступать в Самаркандское высшее военное автомобильное командно-инженерное училище (СВВАКИУ), сердце материнское загрустило. Как он будет вдали от родного дома?

С того самого дня, когда пришло известие о том, что он стал курсантом, все мои мысли были о младшем сыне. Хотя Агабек уже не маленький, но я решила навестить его, посмотреть, как ему служится, успешно ли проходит учеба, не нуждается ли в чем-нибудь.

Меня встретил заместитель командира подразделения по воспитательной работе майор А. Уразалиев. Он вызвал моего Агабека, рассказал, что сын мой учится на отлично, легко усваивает уроки преподавателей и со временем станет одним из лучших курсантов училища. А когда увидела его в военной форме, возмужавшего, статного, красивого, то невольно прослезилась, а моему сердцу стало легко и приятно.

Мне предоставили возможность ознакомиться с училищем, посмотреть, где ребята учатся, где спят, как отдыхают и занимаются спортом. Побывала и в курсантской столовой. Вместе пообедали за отлично сервированным столом. Честно признаюсь – все находившиеся на столе блюда были очень вкусны. Повара в Самаркандском ВВАКИУ готовят очень хорошо.

Своей поездкой я осталась очень довольна. Хочу выразить искреннюю благодарность за отеческую заботу о курсантах командирам и другим офицерам, которые, не жалея своих сил и времени, учат наших сынов стать достойными защитниками Родины.

Курсанты Самаркандского ВВАКИУ, как я сама убедилась, отвечают на эту заботу отличной учебой, стремятся быть похожими на своих наставников. Я горжусь, что в их рядах находится и мой сын.

**Равия ВАИСОВА,**
**Ургенчский район.**

Отангга раҳмат

## ХИЗМАТДАН ЭЪЗОЗ ТОПИБ

**Кўпчиликнинг хизматини қилиб, эл ичра эъзоз топганларга одатда, тарбия қилган ота-онангга раҳмат, дейишади. Яхши фарзанд ҳамиша ота-онага раҳмат келтиради. Бугун шарафли касб этагини тутиб, юрт осойишталигини асрашдек улкан савоб ишга бош қўшаётган лочинларимиз сафида ҳам ана шундай эъзоз-ҳурматга муносиб ўғлонлар кўп экани қувонарлидир.**

Яқиндан бошлаб Мустақиллик байрами ва Ватан ҳимоячилари куни сингари эътиборли саналарда ўз бурчини аъло даражада уддалаб, бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўлиб келаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига Мудофаа вазири, Қуролли Кучлар бирлашган штаби бошлиғи томонидан ташаккурнома хатлари йўлланаётгани миллий қадриятларимизга ғоят мос келадиган янгича анъаналар сирасидан саналади. Таъбир жоиз бўлса, мазкур анъана етук фарзандни камолга етказган, уни оқ ювиб, оқ тараган, тарбиялаган падари бузруквор ва волидаи муҳтарама учун айтилган улкан раҳмат каломи, уларга кўрсатилган эҳтиром ифодасидир.

– Иккимиз ҳам узоқ йиллар таълим соҳасида меҳнат қилиб, пенсияга чиқдик. Ҳозир қарилик гаштини суряпмиз. Олти фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Болаларимиз ҳозир турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда. Тўртинчи фарзандимиз Зафаржон ҳарбийликни танлади. Ҳозир миллий армиямиз сафида офицер бўлиб хизмат қилаяпти, – дейди Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги «Арабхона» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Искандар маҳалласида яшовчи Олтинбой ота Қурбонов ва Шафоат ая Бекмаматова ички бир ифтихордан тўлқинланиб. – Яқинда Ватан хизматига шундай ўғилни тарбиялаб берганларингиз учун раҳмат, дея Мудофаа вазиридан ташаккурнома олдик. Боламиз раҳмат олиб берганидан бошимиз осмонга етди. Маҳалла-кўй ичида ҳам кўнглимиз беҳад кўтарилиб, ажиб хушҳоллик сездик. Қариндош-уруғлар барчаси мактубни қўлма-қўл ўқишди. Раҳмат, ўғлим. Юзимизни ёруғ қилганинг учун сендан миннатдормиз.


– Бу оила маҳалламиздаги энг намунали хонадонлардан саналади, – дейди маҳалла оқсоқоли Тоҳир ака Қурбонов. – Зиёли оила соҳиб ва соҳибаларининг ҳар иккаласи ҳам ўқитувчи бўлгани боис кўпчилигимизни ўқитиб, тарбия берган ҳурматли устозлар сифатида доимо ҳурмат-иззатда. Мана, яқинда ўғиллари туфайли обрўлари яна бир поғона кўтарилди. Аслида ҳам булар шундай эъзозга муносибдирлар. Зеро, аввало ўз фарзандларини яхши тарбияламаса, бошқаларга тўғри йўл-йўриқ кўрсата олармиди! Шунингдек, Зафаржоннинг бундай эътибор қозонгани бизни ҳам севинтиради. Маҳалламиздаги ёшлар орасида унга ҳавас қилиб ҳарбий бўлишни кўзлаётганлар ҳам кўпаймоқда.

Аслида ота-она учун фарзанд камолини кўришдан ҳам кўра улканроқ қувонч йўқ. Агарда ана шу камолга етган фарзанд туфайли кўнгиллари масрур бўлиб, маънан ҳам рағбат топса, бунинг қиёсини топиб бўлмаса керак.

**Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.**

Ҳарбий либос маликалари

## ЖАМОАДА ЎЗ ЎРНИ БОР УНИНГ



Бугун замон тараққий этиб, аёлларнинг жамиятдаги роли ва ўрни ортган сайин бу нозик ҳилқат эгалари ўзларининг кичик жуссаларига оила ҳамда фарзанд ташвиши билан бир қаторда бироз оғирроқ бўлган юмушлар юкини олишаётгани кўпчилигимизни ажаблантирмай қўйган. Тўғри, турмушнинг барча жабҳаларида ўзларини кўришни истаган фидойи аёлларимиз ҳаётнинг энг олдинги нуқталарида ҳам жамият тараққиётига ўз улушларини қўшишни исташади. Кейинги пайтда уларнинг сафи ҳатто, эркаклар учун ҳам баъзида қийинчилик туғдирадиган армия сафларида ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Хизмат сафари билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлганимизда жанговар сафларда норғул, ўктам ўғлонлар билан елкама-елка туриб, юртимиз осойишталиги йўлида кечаю кундуз тиним билмай хизмат қилаётган ҳарбий либос маликаларини кўплаб учратишимиз мумкин. Улар билан дилдан суҳбатлашганда эса муқаддас заминимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилиш уларнинг ҳам фарзандлик бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўташади. Ҳаётини ҳарбийликка бахш этган мана шундай лобар қизларимиздан бири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Замира Ҳайитова бўлади. Йиллар давомида жанговар сафда маҳоратини шакллантириб, тобланган ҳарбий либос маликасини айни пайтда ҳарбий қисмда тажрибали посбон сифатида кўпчилик ҳурмат қилади.

– Болалигимдан ҳарбийликка қизиқардим, – дейди биз билан суҳбатда кичик сержант Ҳайитова. – Менинг атрофимдаги аёллар ўртасида ушбу соҳада хизмат қиладиганлари йўқлиги боис, негадир менга ҳарбийлик аёллар учун эришиб бўлмайдиган касбдек туюларди. Орзуларим ҳақида ота-онамга айтганимда улар мени қўллаб-қувватлашди. Шундан сўнг шаҳримиздаги ҳарбий қисмга бориб мен ҳам ҳарбий бўлиб юртнинг мард ўғлонлари сингари туғилиб ўсган Ватанимга хизмат қилмоқчи эканлигимни айтдим. Менинг чин дилдан айтган сўзларим уларга таъсир қилди шекилли, аввалига Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида ишга қабул қилишди. 2001 йилдан эса шартнома асосидаги хизматимни бошладим. Тўғри, бошида бироз қийналдим, шунда офицер Камол Шеров ҳамда шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Илёс Мустафоевлар менга яқиндан ёрдам бериб, ҳарбий касб сирларини мукаммал ўргатишди.

Табиатан анча тиришқоқ Замира устозлари ўргатган билимларни тезда ўзлаштириб, ҳарбий жамоа учун фидойи ходим эканлигини амалда исботлай олди. Айни пайтда иш юритувчи вазифасида хизмат қилаётган посбон ўзининг зукколиги ва касбига садоқати билан ҳам сафдошларига ҳар томонлама намуна бўлиб келмоқда. Ўқув мавсуми машғулотларида йигитлар билан елкама-елка полигонда жанговар маҳоратини шакллантириб келаётган кичик сержант Ҳайитова ҳатто, жанговар қурол билан муомала қилишда ҳам сафдошларидан қолишмайди. Яқинда бўлиб ўтган якуний синов машғулотларида муваффақиятли иштирок этган посбон ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарликлар бўйича барча машғулотларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширди. Замира эришилган, ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, жанговар тайёргарлик бўйича маҳоратини ошириш мақсадида мунтазам равишда спорт билан ҳам шуғулланиб келаётир.

Айни пайтда эгнига ҳарбий либос кийиб, шарафли ва масъулиятли бўлган ҳарбий соҳада хизмат қилаётган Замирага бугун кўпчилик дугоналари ҳавас билан қарашади. Ўз навбатида мана шундай касбининг фидойиси бўлган қизининг ютуғидан, танлаган касбидан унинг ота-онаси ҳақли равишда фахрланади. Зеро, уларнинг дилбандининг ҳаётидаги энг қувончли онлари ҳам ҳарбийлик билан боғлиқдир.

Офицер Бахтиёр Хўжаев хизмат қилаётган ҳарбий қисм посбонлари доимий равишда юқори натижаларни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилишади. Албатта, жамоа ютуғини таъминлашда посбонларнинг ўзаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Буни яхши англаган кичик сержант Замира Ҳайитова сафдошларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, машғулотларда янада юксак натижаларни қўлга киритишга астойдил интилмоқда.

**Холида БЕКНАЗАРОВА.**

## ШАРТ ШАРОИТЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК

**Шу кунларда Мудофаа вазирлигига қарашли қисм ва муассасаларда ёш аскарларни кутиб олишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Улар учун ётоқхоналар қайтадан жиҳозланиб,керакли шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада қилинаётган ишлар юзасидан алоқачилар қисми тарбиячи офицери Нурилло Обидов шундай дейди:**

– Бизнинг қисмда ҳам ёш аскарларни муносиб кутиб олиш юзасидан талай ишлар амалга оширилди. Ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш, маиший соҳада қулайликлар яратиш, намунали хизмат қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни янада яхшилаш кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, турли йўналишдаги машғулотларни, маданий ҳордиқ соатларини тўғри ташкиллаштириш борасида ҳам кенг кўламли режалар ишлаб чиқилган. Ёш аскарларни кутиб олишга биринчи марта ҳозирлик кўрилаётгани йўқ, албатта. Аммо бу йўналишдаги вазифалар йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Шу кунларда ёш Ватан ҳимоячиларини тантанали кутиб олишга ҳар томонлама тайёрмиз.

Ҳарбий қисмда ёш аскарлар йиғинига тажрибали офицерларни жалб қилишга катта масъулият билан ёндашилади. Чунки посбоннинг илк шаклланиш даври айнан ана шу йиғиндан бошланади. Ёш аскар ҳаёт мактабининг дастлабки сабоқларини шу ерда эгаллайди. Демак, йиғиннинг тажрибали офицерлар билан таъминланиши келажакда ўз самарасини бериши шубҳасиз. Бундан ташқари мазкур жамоада турли-туман маърифий тадбирлар кўп ўтказилади. Улар орасида айнан ёш аскарларнинг ҳар томонлама шаклланишига, ҳарбий ҳаётга тезроқ мослашишига бевосита хизмат қиладиган тадбирларнинг хилма-хиллиги ва сермазмунлиги айниқса қувонарлидир. Ҳарбий қисм шарафли бурчини ўташ учун келган ҳар бир посбон учун севимли маскан, унинг ҳаётидаги муҳим бир босқич бўлиб қолишига ишончимиз комил.

**Назокат НОДИРШОҲОВА.**

## ЮРТГА МУНОСИБ ПОСБОН



Инсон эзгу мақсад ва олға ҳаракати билан кўзлаган ниятига етади. Бунинг учун ўқиб-ўрганиши, касб ва ҳунар эгаллаши лозим. Ҳозирда Миллий армиямиз сафида хизмат қилиш ҳам ўғлонларимиз учун юксак орзулардан бири. Оддий аскар Орифжон Маматовнинг бу борада омади кулган, десак арзийди. Дастлаб мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги автомобиль мактабида таҳсил олган бўлажак посбон йигитларнинг сараси сифатида муддатли хизматга отланди. Одатда, мақсади сари интилиб турган инсон ҳар қандай қийинчиликни осон енгиб ўтади. Мақоламиз қаҳрамони ҳам хизмат синовларидан муносиб даражада ўтиб, аълочи аскарлар сафидан жой эгаллади. Мана, шунга ҳам бир йил бўлаяпти.

– Яна саноқли кунлардан сўнг ота-онам бағрига қайтаман, – дейди фикрлари теран, сўзлари қатъиятли Орифжон биз билан суҳбатда. – Хизматда кўп нарсага эришдим. Командирларим офицер Сувон Солиев, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари Мансур Амиров, Равшан Муртазоевлар менга бу борада жуда катта таянч бўлишди. Хизмат жараёнида ҳар томонлама чиниқдим, дўстлар орттирдим. Аслида ҳаётда дўстларим жуда кўп. Бироқ ҳарбий хизматдаги сафдошларнинг ўрни беқиёс, менимча. Аскарлик сабоқлари эса ўзимга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади.

Посбонлик бурчим давомида «фақат олға юриш», деган сўзларни ўзимга шиор қилиб олдим. Келажакдаги мақсадим қўмондонлик томонидан берилган тавсиянома билан Ички ишлар академиясига ўқишга кириш. Атрофимдаги дўстларим оддий-аскарлар Шерали Очилов, Бобур Тўрақулов, Акмал Мелибоевларда ҳам мана шундай юксак орзулар мужассам. Бунинг учун бизга нафақат ҳарбий хизмат сирларидан, балки ҳаёт мактабидан сабоқ берган ҳарбий қисмдаги барча етакчилардан миннатдорман.

Синов имтиҳонларида жисмоний тайёргарлик ва ижтимоий-сиёсий машғулотлардан доимо аъло баҳолар олиб келган оддий аскар Орифжон Маматов ҳақида тарбиячи офицер Ҳасанбой Нишонов ҳам ўзининг илиқ фикрларини билдириб ўтди. Кўриниб турибдики, ортда қолган бир йил йигит учун унутилмас онлар бўлгани, Ватан учун эса яна бир қалқон қад ростлаганидан далолат.

Айни дамда Бекобод туманининг Далварзин қишлоғида истиқомат қилаётган Толибжон ака ва Ўғилой опалар юртимизнинг жанубий ҳудудларида хизмат бурчини ўтаган ўғилларининг йўлига кўз тикиб тургани аниқ. Ота-она умр йўлининг давомини фарзандлари муносиб эгаллашини истайди. Ўзлари эришмаган орзу-армонларининг рўёбини уларда кўргиси келади. Умид қиламизки, Орифжон келажакда ўз мақсадларига эришган, ота-онасига, мустақил юртига муносиб фарзанд бўлади, албатта.

**Зулфия НОСИРОВА.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ

# ТИЛ – МИЛЛИЙ ҒУРУР ДЕБОЧАСИ



**Тил жамият вакиллари ўртасида асосий мулоқот қуроли бўлиши билан бирга халқнинг табиати ва характерини, анъаналарини, удумларини, қолаверса, ҳаётий тажрибаси ва билим даражасини намоён этувчи кўзгу ҳисобланади.**

Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби ёзувчилару шоирларга эга бўлган ўзбек адабий тили кўп асрлик тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Жамиятда, ижтимоий ҳаётда юз берган турфа ҳодисалар таъсирида бўлишига қарамасдан, ўз табиати, миллий руҳи ва барқарорлигини сақлаб қолишга, ўзбек миллатини бирлаштиришга, жипслаштиришга хизмат қилди.

Тил миллатни моддий ифодалайдиган омилдир. У миллий ўзликни англашга «қиёфа» бағишлайди. Демак, у мустақил мақомга эга бўлган омиллардан бири бўлиб, миллат «тириклигини» таъминлаб туради.

Фикримиз исботи учун, жаҳон тилшунос олимлари энг улуғ ижодкорларнинг сўз бойликлари бўйича тадқиқот ўтказиб, қуйидаги натижага эришганларини кўришимиз мумкин:

Алишер Навоий 26 минг 35 та;

Александр Пушкин 21 минг 193 та;

Уильям Шекспир 20 мингдан ортиқ;

Мигел де Сервантес 18 мингдан ортиқ сўзни ўз бадиий ва илмий асарларида ишлатганлар, такрорий қўллашлар бу ҳисобга кирмайди, албатта.

Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, даҳо шоиримиз, темурийлар даврида тилимиз ривожига буюк улуш қўшган Алишер Навоий сўз бойлиги бобида ҳам жаҳон улуғларига сарварлик қилганлар.

Шу тилда ижод қилган ва уни бойитган Навоий бобомизга жаҳон лисоний мусобақасида биринчи ўрин берилган экан, илк бора Султон Ҳусайн Бойқаро ўзбек (туркий) тилига давлат мақомини бериш ҳақида чиқарган фармонининг ҳиссаси беқиёслигини эътироф этиш жоиздир.

Ўзбек миллатининг жонкуяри ва фидойиларидан бири Абдурауф Фитрат «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 12 июнь сонида босилган «Тилимиз» деган мақоласида ўзбек тилининг бойлиги, сўз ясалишининг кенглиги, мукаммаллиги тўғрисида сўзлаб, биргина «бил» феълидан 99 та сўз ясаб, тилимизнинг араб, форс, рус, немис, француз тилларидан мукаммалроқ ва нозикроқ эканини кўрсатади. Тилимизда 30 га яқин кўмакчи феъл мавжуд бўлиб, улар ҳаракатни турли-туман қирралари, хусусиятлари билан ифодалашга хизмат қилади. Мисол тариқасида эътибор берсангиз, тўла ишонч ҳосил қиласиз: йиқилиб тушди, йиқилиб кетди, йиқилиб қолди, йиқила ёзди, йиқитиб юборди, йиқитиб кўрди, йиқитиб қўйди, йиқитиб олди, йиқитиб берди, йиқитиб юбора қолди ва бошқалар. Тилимизга хос бундай фазилатни йирик-йирик турколог олимлар ҳам тан олганлар.

Бинобарин барча нарсалар тўғрисидаги тушунчалар ва тасаввурлар тил орқали ифодаланади. Тилнинг ҳарфий ифодаси – унинг ташқи кўриниши, шаклидир. Тилнинг мазмуни эса фаҳм қилинади, идрок этиладиким, бу халқ тафаккур уммонининг чуқурлиги ва кенглиги билан белгиланади.

Она тилимиз тоталитар тузум пайтида ноҳақ камситилишларга, чекланишларга учраб, шовинистик мафкура зуғумига дучор бўлди. Ўзбек тилида фикрни ифодаламоқчи бўлганлар маданиятсизлик ва саводсизликда айбланди. Айрим кишилар ўз она тилларини билсалар ҳам унда мулоқот қилишни ўзларига эп кўрмас (афсуски ҳозирги кунда ҳам бундай кишилар учраб туради) эдилар. Аслида бу тоталитар тузумда давлатнинг атайлаб олиб борилган сиёсати эди. Умуман, миллат маънавий ҳаётини заифлаштиришга ёки ундан маҳрум эттиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар биринчи бўлиб миллатни ўз тилидан жудо қилишдан бошланиб келинган. Фақат мустақиллик туфайлигина ўзбек тили ўз қаддини яна ростлаб, мафтункор жозибаси ва жилоси билан миллатга руҳ, куч-қудрат, ишонч бахш этди. Ўз тараққиёт йўлига қайта тушиб олган она тилимизнинг табиатига мос мезонларни яратиш, унутилган бойликларни янгидан тиклаш, истиқболни белгилаш каби устувор жиҳатларга Юртбошимиз Ислом Каримовнинг маърузаларида, «Давлат тили ҳақида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунларда, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида эътибор берилган. Бу борада ҳарбий таълим соҳасида, яъни ҳарбий атамаларда ўзбек тилининг ўзига хослиги яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбийча буйруқларимизнинг жаранги кишига фахр бағишлайди. Кўплаб ҳарбий адабиётлар она тилимизда чоп этилаётир. Машғулотлар соф ўзбек тилида олиб борилмоқда, бу эса устоз офицерлардан билим ва малакасини доимий равишда ошириб боришни талаб қилади. Ҳарбий ўқитувчи ўз шогирдларига тил бойликларидан унумли фойдалана билишда, мустақил фикрлаш, ижод қилиш, оғзаки, ёзма нутқни равон ифодалаш кўникмаларини шакллантиришда яқиндан ёрдам бермоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, тил тафаккурнинг «моддий воқелиги», барча ўтмиш маданиятини жамлаган «маданият асари» (Гегел), мулоқот воситаси сифатида ҳар бир янги авлод томонидан ривожлантирилади, бойитиб борилади. Демак, ҳар биримиз она тилимизнинг оғзаки ва ёзма шаклини тўғри қўллаб, ардоқласак, келажак авлодга ўзлигимизни, анъаналаримизни, миллий ғуруримизни бус-бутун ҳолда етказган бўламиз.

**Подполковник Улуғбек МАЪМУРОВ.**

# МЎЪЖИЗАКОР ДУНЁ

**Кутубхоналарни кичик мўъжизавий дунёга қиёслаш мумкин. Китобдан яхши ёр бўлмас, деган фикр унинг маънолар хазинасидан дур тера билган инсонлар ҳикматидир. Агар китобга болаликдан ошно бўлсангиз ҳар қандай ҳолатда ҳам унга бирров кўз югуртириш ёки ўқишга имкон топа оласиз. Унда дардларингизга даво бор, унда сеҳр бор, унда эзгуликка даъват бор.**

Китобнинг аҳамияти ҳақида бетиним гапириш мумкин. Посбонлар маънавий эҳтиёжини қондириш мақсадида деярли ҳар бир ҳарбий қисмда кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Кутубхонанинг борлиги яхши, албатта. Уни барча учун севимли, қадрли жойга айлантириш яна ҳам яхши. Сафие Алиева мудиралик қилаётган кутубхона катта эмас. Аммо файзли қироатхонага айлантириш учун кутубхонанинг катта ёки кичиклиги муҳим ўрин тутмас экан.


Мазкур қироатхонага киришингиз билан дастлаб кўзингиз мўъжазгина залга кўрк бағишлаб турган турли картиналарга тушади. Бундан ташқари иш режасига кўра қатор бурчаклар ташкил қилинади. Бурчакларнинг мазмун-моҳияти нафақат унинг сарлавҳасида, балки мавзуни очиб беришга қаратилган ранг-баранг буклет, адабиётларда ҳам акс этиб туради. Бу ҳам бўлса кутубхона мудирасининг ўз ишини сидқидилдан, меҳр билан бажаришининг нишонасидир.

– Дастлаб иш бошлаган кезларимда посбон кутубхонаси бу қадар гавжум бўлишини тасаввур ҳам қилолмасдим, — дейди Сафие Алиева. – Бу ерда ҳар бир мутахассис учун, қолаверса, ҳар қандай ёшдаги китобхон учун адабиётлар топилади. Кутубхонамизга ҳарбий оилаларнинг бекаларини ҳам жалб қилганмиз. Турли-туман кечалар, учрашувлар, тадбирлар уюштириб борилади. Бу ҳам кутубхонага посбонларни янада кўпроқ жалб қилишнинг синалган усулларидан бири. Биз кутубхонамизнинг посбонлар ва уларнинг оила аъзолари учун севимли масканга айланиб қолишига ҳаракат қиляпмиз.

Қироатхонанинг ашаддий китобхонлари ҳам кўпчилик. Посбонлар –Зафар Бўриев, Олтиной Абророва, Зиёдбек Мамажонов, Олим Мусаев, Шаҳриёр Искандаровлар кутубхонанинг энг фаол аъзолари ҳисобланишади. Бу ерда ўтказиладиган адабий кечаларни уларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин.

Мазкур маънавият маскани яқинда нишонланган тил байрамига жиддий тайёргарлик кўрди. Тил байрами муносабати билан посбонлар учун файзли, унутилмас, узоқ вақт ёдда қоларли тадбир ўтказилди. Олдинда эса яна кўпдан кўп маданий ва маърифий тадбирлар бор.

**Назокат ЗАКАРИЁЕВА.**



# ШУКРОНАЛИК

Кўп қатори бизнинг оиламиз ҳам собиқ даҳрий тузумнинг тазйиқларидан, ўтган асрнинг 30-йилларидаги талотўплардан четда қолмаган. 1932 йилда ота-онам тақдир тақазоси билан Шарқий Туркистоннинг Ғулжа шаҳрига кўчиб бориб қолганлар. Бунга отамнинг мулла ва қори бўлганлари сабаб эди. Биз ота-онамизнинг мусофирликда юрт соғинчи билан зор-зор йиғлаб ўтирганларини кўп кўрганмиз. Шу ҳолатда 23 йил Ғулжа шаҳрида яшадик. 1955 йилда қанча машаққатли йўлларни босиб, тўсиқ ва қаршиликлардан ўтиб, Ватанимиз Ўзбекистонга кўчиб келганмиз. У пайтлар "дин", "диндор", "ислом" каби сўзларни тилга олиш тузумга душманлик билан баробар эди.

Мана, Оллоҳга шукр, асрлар давомида орзу қилган кунларга ҳам етиб келдик. Ватанимиз мустақил бўлди. Юртбошимиз раҳнамолигида 16 йил ичида юртимиз таниб бўлмас даражада обод ва кўркам қиёфага кирди. Энг муҳими, миллий ва диний қадриятларни тиклаш ва юксалтириш масаласига шахсан Президент Ислом Каримовнинг ўзлари бош-қош бўлдиларки, бунинг натижасида эмин-эркин рўза тутадиган, намоз ўқийдиган, диний байрамларни нишонлайдиган бўлдик. Ҳар йили минглаб юртдошларимизнинг муборак ҳаж амалларини адо этиб қайтишларига давлатимиз барча имкониятларни яратиб бераётир. Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Ғиждувоний каби ўнлаб буюк мутасаввуф аллома боболаримизнинг мақбаралари таъмирланиб, бебаҳо асарлари эъзоз топмоқда. Масжид ва мадрасалар асл ҳолига қайтиб, диндорлар ихтиёрига берилди. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Тошкентдаги машҳур Кўкалдош мадрасаси ҳам мусулмонлар ихтиёрига қайтарилди. Адашмасам, 1992 йил эди. Чорсу бозорига ўтиб бораётиб, Кўкалдош мадрасаси пештоқида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турганини кўриб, кўзимга севинч ёшлари келди. Пешин вақти бўлгани учун одамлар намозга йиғилган экан. Биз ҳам қўшилишиб намоз ўқидик. Шу ерда эски танишим Наим ҳожи акани кўриб қолиб, ҳол-аҳвол сўраган эдим, у киши: "Юрт раҳбарлари яратиб бераётган имкониятлардан фойдаланиб, катта ишга қўл уриб қўйдик. Шу мадрасани асл ҳолига қайтариш ва Ўзбекистон ёшлари диний таълим оладиган масканга айлантириш ниятидамиз", дедилар. Дарҳақиқат, мамлакат раҳбариятининг, шаҳар ҳокимлигининг яқиндан берган ёрдамлари, савобталаб юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан таъмирлаш ишлари қизиб кетди. Ҳозирги вақтда Кўкалдош мадрасаси Ислом ўрта махсус билим юртига айланган.

Яқинда, рўза кунлари бошланиши арафасида эса пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмидаги яна бир муборак жой ҳазрати Имом(Хастимом) масжидига бордим. Бу ердаги ўзгаришларни, қўли гул усталар меҳнати туфайли миллий меъморчилигимизнинг нодир дурдоналари даражасида бунёд этилган иншоотларни кўриб ҳайратда қолдим. Шу ердаги тепасига қарасанг, бошингдан дўппинг тушадиган иккита азим минора қаршисида туриб, Тошкент шаҳри бекорга "Ислом маданияти пойтахти" деган юксак номга сазовор бўлмаганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Кўзларимдан беихтиёр хурсандчилик ёшлари тўкилди. "Мана сенга мустақилликнинг шарофати! Яша, мустақиллик!" – деб хурсанд бўлдим.

**Абдулборий Иброҳим ўғли,**
**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани.**



2007 год – Год социальной защиты

# МЕСЯЧНИК ЗДОРОВЬЯ



Комитетом женщин Республики Узбекистан и Научно-исследовательским институтом эндокринологии в сотрудничестве с министерствами здравоохранения, культуры и спорта Республики Узбекистан, а также благотворительным Фондом «Махалля» был объявлен месячник здоровья.

Он проводится в рамках Государственной программы «Год социальной защиты» в Республике Каракалпакстан, столичном и областных комитетах женщин, махаллях, образовательных учреждениях и трудовых коллективах. Основная его цель – профилактика сахарного диабета и ознакомление всех слоев населения с основными факторами, вызывающими эту болезнь.

Осуществляемая в стране под руководством Президента Ислама Каримова большая работа по охране здоровья населения, в частности матери и ребенка, а также молодых людей, всесторонней защите интересов семьи, повышению медицинской культуры дает весомые результаты. Принятые в этом направлении по инициативе главы государства указы и постановления, различные программы являются правовой основой добрых дел. Заслуживают внимания последовательно проводимые мероприятия в рамках Государственной программы «Год социальной защиты».

Ее основными приоритетными направлениями являются расширение мероприятий по формированию физически здорового и духовно зрелого молодого поколения, усиление заботы о матери и ребенке, дальнейшее развитие движения «Здоровая мать – здоровое дитя». При этом имеет важное значение не только материальная поддержка, но и разъяснительная работа среди старшеклассников средних школ, учащихся профессиональных колледжей и академических лицеев, студенческой молодежи, а также в махаллях, в комитетах женщин и трудовых коллективах.

Месячник здоровья является тому примером. Ныне он посвящен Международному дню по борьбе с сахарным диабетом, который будет отмечаться 14 ноября. Будут проведены научные форумы, семинарские занятия и встречи, направленные на профилактику этого заболевания. По определенным видам спорта будут организованы состязания, благотворительные концерты, инсценировки, школьные конкурсы и выставки сочинений, рисунков.

**Назокат УСМАНОВА,**
**корр.УзА.**

Изҳор

# ХАДИЧА ОПАНИНГ ҚЎЛ СОАТИ

**Хадича опа Қулманова – биринчи устозим. Баланд бўйли, сариқдан келган ўқитувчим қишлоғимиз аёлларидан ҳеч фарқи йўқ – одми-соддалик, беғуборлик, юмшоқлик ва кўнгилчанлик табиатида бор.**

Қизиқ ҳолат. Илк мактабимиз. Ҳар куни саҳарлаб шу жонажон масканга ошиқамиз. Етамиз. А-а-нча вақтдан сўнг қоровул амаки уйқу аралаш кўзларини уқалаганча тепаликда жойлашган мактабимиз эшикларини эринибгина очади. Синфхонамизга отилиб кирамиз, югуриб чиқамиз. Ҳаяжон, болаларча қизиққонлик бир жойда туришимизга изн бермайди. Кўнглимиз сезади – ҳар доимги вақт бўлди! Дарҳол деразадан қараймиз. Узоқдан бошига мовий рўмол ўраган, йўл-йўл қора чизиқли кўк камзул кийган, қўлида қопдай сумка кўтарган аёл кўринади. Шунда ҳаммамиз устозимиз – Хадича опанинг олдига пешвоз чиқиб, сумкасини кўтариб келиш учун қанот қоқиб учамиз, орқамиздан сочига таққан оппоқ лентасини ушлаганча қизлар ҳам югуради!...

Илк дарс. «Алифбе» ни ёд оламиз. Ўқитувчимизнинг меҳр анқиб турувчи овозига жўр бўлиб такрорлаймиз: «А!», «Б!», «В!»... Сўз тузишни ўрганамиз. Ручкани тўғри тутолмай, жовдираб боқамиз, муаллим келиб меҳр билан жажжи қўлчаларимиздан ушлаб ёздира бошлайди: «Ва-тан», «О-та», «Бо-бо», «О-на»...

Кунлар ўтади. Ёшимиз, жисмимизга мос равишда саводимиз ҳам ўсиб боради. Лекин тенгдошларим орасида базўр ўқийдиганлар кўпайиб кетади. Шунда Хадича опа битта-битта исмимизни айтиб ёнига чақирадиган бўлди. У катта юмалоқ соатига қараб туради, биз «Ўқиш китоби»ни ўқиймиз. Муаллимимиз ҳар биримизнинг бир дақиқада нечта сўз ўқиганимизни дафтарига қайд этиб боради. Ким кўп сўзни ўқий олса, баҳоси «аъло»!

Қаранг, бундайин қизиқтиришдан сўнг ўқиш деса юзи буришиб, қовоғи осиладиган синфдошларим ҳам биз билан баҳсга – кимўзарга тушиб кетади. Қисқа вақтда улар ҳам ҳамма қатори тез, тутилмасдан ўқийдиган бўлди.

Улғайиб қолдик. Тўртинчи синфни битираётганимизда муаллимимиз бизга оқ фотиҳа бериб, оқ йўл тилаётганида кўзларида ёш қалқиганини кўрдим. Сездим. У ичида йиғларди, кўзимга қарамади-ю, елкалари силкиниб-силкиниб кетади...

Қизиқ, мен ҳозиргача талай жойда – икки мактаб, икки лицейда ўқидим, университетни тамомладим, ҳозир магистрантман. Лекин ўшандан – биринчи синфдан буён бирор марта ҳам ҳеч бир ўқитувчининг олдига Хадича опага талпинганчалик пешвоз чиқмабман, югурмабман. Нега? Ахир, ўшанда бизга биров ўргатмаган, мажбурламаган бўлса, нега бунча елиб-югурдим экан? Ахир, Хадича опадан кейин менга не-не кучли педагог-ўқитувчилар – таълим фидойилари, профессорлар дарс бермади дейсиз? Нега улар қўллаган замонавий педагогик услублар Хадича опанинг қўл соатичалик мени ҳайратлантирмади? Нега кўп ўқитувчилар биз билан хайрлашганда кўзи намланмади, ҳатто?

Кўп ўйладим. Қишлоғим – Кўкдалада бир одамни биламан. У қишлоғимизнинг у бошидан то бу бошигача етадиган улкан боғнинг барпо этилишида қатнашган, кўчатларни ўз қўли билан экканлардан. Ажаб, ниҳолни у экди, сув қуйди, лекин бошқалар унга эгалик қилди, мевасига хўжайин бўлди. Шундай эса-да, боғ гуллаб-яшнаганда, элимизга ризқ-рўз берганда шу одамчалик қувонган киши топилмади. Яқинда шундай катта боғ ҳаммасининг кўз олдида барбод бўлди – дарахтлар бир бошдан кесиб ташланиб, ўтинга айлантирилди. Ҳеч ким ачинмади. Бояги ҳамқишлоғим эса чидолмай, кўкрагини захга бериб ётиб қолди...

Муддаоим – эски қиёс эди. Хадича опа, наинки у, балки биринчи ўқитувчиларнинг барчаси, шу одамга, биз эса ниҳолга ўхшаймиз.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети магистранти.**

## 29 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.45 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Ифорлар оғушида».
9.10 «Болалар сайёраси».
10.00 «Ватанпарвар».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00, 04.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қуёшли ўлкам».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Экспедиция».
13.50 «Она юрт наволари».
14.20 «Пири коинот». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
15.20 «Минг бир ривоят».
15.25 «Пири коинот». Спектакль.
16.15 «Одами эрсанг»
16.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Хоразмнинг нақшинкор кулолчилиги».
17.15 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Бир кун».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал премьераси (Туркия).
20.50 «Минг бир ривоят».
21.40 «Бир ўлка-ки». 1-қисм.
22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.15 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Телесериал.
00.05 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
00.30 «Бир ўлка-ки».
00.50 «Ҳаёт манзаралари».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.35 «Олтин мерос».
01.50 «Пири коинот». Спектакль.
03.40 «Чемпион сирлари».
04.35 «Олтин мерос».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

### ЁШЛАР

17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.10 «Қувноқ дўмбоқчалар». Мультсериал.
18.20 «Болалар табассуми».
18.25 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
18.30 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Матонат».
18.45 «UzEX хабарлари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар». Телесериал.
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «СПОРТЛОТО» телелотереяси.
20.20 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.30 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
20.40 «Ёшлик – бу».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
21.55 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига: «Қомусим!»
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.
23.50 – 23.55 «Таскин».

### ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер - маркет».
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг» (рус.).
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
21.50 «Телекурьер - маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Человек в железной маске».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.30 «Детективы».
9.00 «Версия».
9.30 «Малахов+».
10.30 «Гватемала! Ночи Кинкажы». Документальный фильм.
10.55 Баскетбол. Мировая лига. Женщины.
18.00 Болалар спорти.
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус.).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Спортимиз маликалари».
19.30 Футбол шарҳи.
20.00 «Жди меня».
20.50 Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 ПрофРИНГ.
22.40 «Река надежды».
23.30. «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Ядав ва сўнгги олишув».
9.05 «Болалар сайёраси».
10.15 «Рақснинг сеҳрли олами».
10.30 «Рангин дунё».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «ТВ шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Экспедиция».
15.05 «Интеллектуал ринг».
15.50 «Бир кун».
16.20 «Тарих кўзгуси».
16.40 «ИИВ хабарлари».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Олтин мерос».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар–яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бир ўлка-ки». 2-қисм.
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Телесериал.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Навбаҳор».
00.20 «Бир ўлка-ки».
00.40 «Рангин дунё».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
9.25 «Аждодлар хазинаси».
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Интерфутбол».
11.40 «Чемпион сирлари».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.10 «Камолот» хабарлари.
13.20 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
13.45 «Тасвир ва таассурот». Исаак Левитан.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Сиз билган ва билмаган Малайзия». 1-қисм.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.50 «Ёшлик – бу».
15.55 «Ўзбекистон вақти».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Истиқбол тимсоллари».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.25 «Yoshlar» анкетаси.
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.30 «Айро тақдирлар».
20.05 «Мусиқий лаҳза».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлик – бу».
20.50 «Ишкомли уй».
21.55 «Қомусим!»
22.50 «Қақнус». Телесериал.

### ТОШКЕНТ

7 30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.05 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Аёл қалби».
10.30 «Саломат бўлинг» (рус.).
10.40 «Интервью» (рус.).
11.00 «Человек в железной маске».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Моҳир» (рус.).
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Братья Гримм».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати. Аёллар.
11.10 Баскетбол. Мировая лига. Женщины.
12.00 Фигурное катание. Гран-при.
18.00 «Мир детского спорта».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 Футбол. Чемпионлар Лигаси кундалиги.
20.00 «Танкер «Танго».
20.50 Шинкиокушинкай каратэ. Жаҳон чемпионати.
21.10 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Река надежды».

## 31 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00, 04.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Катта тошлоқ чорвадорлари».
9.05 «Болалар сайёраси».
9.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.05 «Ягона оилада».
10.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55 «ТВ шифокор».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Паландара жилолари».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Патагония – жануб ери».
15.15 «Шарқ тароналари».
15.25 «Оддий ҳақиқатлар».
16.20 «Дунё манзаралари».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.20 «Ҳаётимиз қомуси».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Ўзбекистон аёли».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.10 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.40 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.50 «ТВ шифокор».
21.40 «Шукрона».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Телесериал.
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Олтин водий усталари».
00.50 «Мисли гавҳар».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «Ватанпарвар».
03.30 «Юнус Ражабий».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

### ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
.9.25 «Аждодлар хазинаси».
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «ДАВР».
10.10 «Автопатруль».
10.30 «KINOMANIYA».
11.00 «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури».
11.45 «Матонат».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.10 «Радиодан кўрсатамиз!»
13.20 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
13.45 «Тасвир ва таассурот». Диего Веласкес.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Сиз билган ва билмаган Малайзия». 2-қисм.
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.55 «Ўзбекистон вақти».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.45 «Таълим ва тараққиёт».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.30 «Айро тақдирлар».
20.20 «Автопатруль».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 «Қомусим!»
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.30 «Ҳимоя».
10.20 «Репортаж».
10.30 «ТВ юрист» (рус.).
10.40 Кино: «Братья Гримм».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Мисли гавҳар».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Ozbekkino» намойиш этади: «Ичанқалъа».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Французский для начинающих».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати. Аёллар.
11.10 Баскетбол. Мировая лига. Женщины.
12,00 Фигурное катание. Гран-при.
12.50 Футбол. Англия чемпионати шарҳи.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Путешествия натуралиста».
19.15 «Кўп яшанг».
19.35 Футбол мундиал.
20.00 «Танкер «Танго».
20.50 Шинкиокушинкай каратэ. Жаҳон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Река надежды».

## 1 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Маи-маи овловчилари».
9.05 «Болалар сайёраси»:
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 Марказий сайлов комиссияси хабарлари (Такрор).
«Сайлов – демократия кўзгуси» (Такрор).
10.30 «Шукрона».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.20 «Мулоқот». Бадиий фильм.
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Патагония – жануб ери».
15.10 «Меҳр қолур». Видеофильм.
16.10 «Назм ва наво».
16.40 «Имконият».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Шифокор қабулида».
17.40 «Эртаклар–яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Умр мазмуни».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Аччиқ ёлғон».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Хонадон».
22.05 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телесериал.
24.00 «Меҳр қолур». Видеофильм.
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.40 «Янги кун».
02.30 «Назм ва наво».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Увайсий». Фильм-концерт.
03.40 «Муқаддас қадамжолар».
04.00 «Ахборот».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
9.25 «Аждодлар хазинаси».
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Автопатруль».
10.30 «ВАТАНПАРВАР».
11.30 «Меъёр соғлиқ гарови».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР».
13.10 «Истиқбол тимсоллари».
13.20 «Афсона ва ҳақиқат».
13.45 «Тасвир ва таассурот». Вечеллио Тициан.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Бешик».
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.55 «Ўзбекистон вақти».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ижтимоий ҳимоя йили»га бағишланади: «Мурувват».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.20 «Болалар табассуми».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.10 «KINOMANIYA».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 «Қомусим!»
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 «Қақнус». Телесериал.

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.30 «Камер оркестри концерти».
10.00 «Мулоҳаза учун мазу».
11.00 «Интервью».
11.10 «Моҳир» (рус.).
11.35 Кино: «Французский для начинающих».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Иқтисод - ревю» (рус.).
20.00 «Пойтахт».
20.20 «Мисс Марпл».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «O'zbekkino» намойиш этади.
22.30 «Пойтахт».
22.50 Кино: «Сладкий ноябрь».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус. тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати. Аёллар.
11.10 Баскетбол. Мировая лига. Женщины.
12.00 Фигурное катание. Гран-при.
12.50 Футбол. Испания чемпионати шарҳи.
18.15 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Стенка на стенку».
19.35 «Икки эшик орасида».
20.00 «Танкер «Танго».
20.50 «Преодоление».
21.10 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Река надежды».

## 2 НОЯБРЬ, ЖУМА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Олам ва одам» дастури: «Сазиле тошбақалари».
9.05 «Болалар сайёраси».
10.25 «Ҳаёт манзаралари».
10.35 «Табаррук замин».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Усимликлар дунёси».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 Эски альбом.
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Патагония – жануб ери».
15.15 «Оҳанрабо».
16.00 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили. «Эъзоз».
16.20 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
16.40 «Одамлардан бири».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Ҳидоят сари».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Аччиқ ёлғон».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги наволар».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.10 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон».
24.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Фаёзтепа».
00.25 «Етти гўзал». Рақс-спектакль.
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.35 «Янги кун».
02.25 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
04.00 «Ахборот».
04.45 «Минг бир ривоят».
04.50 «Турмуш чорраҳаларида».

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.10 «Олтин калитча». Фильм-эртак.
9.25 «Аждодлар хазинаси».
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Интерфутбол».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР».
13.10 «Мурувват».
13.20 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
13.45 «Тасвир ва таассурот». Микеланжело.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Тандирдан қуёш».
15.00 «ЯНГИ КУН».
15.55 «Ўзбекистон вақти».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Пуаро». Телесериал.
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.20 «Болалар табассуми».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Айро тақдирлар».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Ибратли умр».
21.55 «Қомусим!»
22.00 «ДАВР».
22.50 «Қақнус».

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
11.35 «Интервью» (рус.)
11.45 «Туризм ҳақида» (рус.).
12.15 «Иқтисод-ревю» (рус.).
12.35 Кино: «Сладкий ноябрь».
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.30, 20.00 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Репортаж» (рус.).
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.30 «Пойтахт».
22.50 Кино: «Гол-2: Жизнь как мечта».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.30 «Детективы».
9.00 «Хабарлар» (узб. тилида).
9.20 Документальный фильм.
9.30 «Малахов+».
10.30 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати. Аёллар.
11.10 Фигурное катание. Гран-при.
12.00 Германия чемпионати шарҳи.
15.30 Футбол. Ўзбекистон-чемпионати. «Локомотив»–«Вобкент».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Ералаш».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Олимп сари йўл».
19.05 «Танкер «Танго».
19.55 «Поле чудес».
21.00 «Спорт салтанати».
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида).
21.50 «Аптека слушает».
22.35 «Ледниковый период».

## 3 НОЯБРЬ, ШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак». Телесериал.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Болалар сайёраси».
9.30 «Шифокор қабулида».
9.55 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 1.«Рангинкамон».
2. «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «Кўнгил риштаси».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бекат».
14.45 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.
16.00 «Меҳр кўзда».
16.45 «Болалар сайёраси».
17.50 «Саломатлик сирлари».
18.10 «Шахсий фикр».
18.45 «Шўрданак». Ҳажвий дастур.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «Сайлов – демократия кўзгуси».
20.35 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
20.50 «ТВ шифокор».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.00 «КиноТеатр».
22.35 «Жигарбандим ёди». Бадиий фильм.
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наққош».
00.35 «Бекат».
01.00 «Ахборот». (рус.).
01.30 «Олтин мерос».
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
02.30 «КиноТеатр».
02.55 «Тараннум».
03.40 «Дунё таомлари».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Минг бир ривоят».
04.40 «Кўзларинг маъюс». Бадиий фильм. 1-қисм.
05.40-05.55 Тонги наволар.

### ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
9.25 «Аждодлар хазинаси».
9.30 «Айро тақдирлар».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Солиқ хизмати хабарлари».
10.20 «Чип» лақабли жўжа».
12.00 «Қақнус». Телесериал.
12.55 «Тошкент – 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти!»
13.00 «ДАВР».
13.20 «Афсона ва ҳақиқат» илмий-маърифий дастури.
13.45 «Тасвир ва таассурот».
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.40 «Маргилон». Ҳужжатли фильм.
15.00 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Ёш олималар – давлат ҳимоясида».
16.30 «Радиодан кўрсатамиз!»
16.40 «Эверест».
17.20 «Чемпион сирлари».
18.10 «Камолот» хабарлари.
18.20 «Каталог».
18.30 «Ёшлик наволари».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
19.00 «ДАВР».
19.30 «Дунё таомлари».
19.50 «Дилроз». Мусиқий дастур.
21.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.55 «Қомусим!»
22.00 «ДАВР».
22.30 «Мулки мумтоз».
22.50 Кино: «Жавоҳир полиция-чи».

### ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.35 «Маърифат фидойилари».
10.30 «Саломат бўлинг».
10.40 «Репортаж» (рус.).
10.50 «Афиша» (рус.).
11.00 Мультфильм.
12.20 Кино: «Гол-2: Жизнь как мечта».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Истеъдод».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Поезд на Юму».

### СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Жасур болалар».
8.20 Мультфильм.
8.30 «Бодрое утро».
9.30 «Хабарлар» (рус тилида).
9.55 «Икки эшик орасида».
10.25 «Смак».
10.55 «Рондо». Ток-шоу.
11.35 Фигурное катание. Гран-при. Показательные выступления.
12.35 «Что? Где? Когда?»
18.00 «Мир детского спорта».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 Фото-ревю.
19.30 «Юлдузлар матчи».
20.00 «Ровесник».
20.20 «Спортколлекция».
20.40 Универсал жанг. Жаҳон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Большие гонки».
23.10 Еврофутбол.

## 4 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чархпалак». Телесериал.
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.35 Анонс.
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Қизил гул». Мультфильм.
9.45 «Минг бир ривоят».
9.50 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.00 «Сайлов–демократия кўзгуси» (Такрор).
10.30 «Оҳанрабо».
11.10 «Саломатлик сирлари».
11.30 «Азизим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
13.00 «КИНОТАҚДИМ».
13.25 «Сангам». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
15.00 «Сангам». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.40 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
17.25 «Туғилган кун». Видеофильм.
17.55 «Одами эрсанг».
18.15 «Заковат».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.10 «Денгиздан томчи».
22.40 «Найранг». Бадиий фильм.
00.10-00.20 Тунги наволар. «Uzbekistan».
00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бухоро».
00.55 ТВ анонс.
01.00 «Таҳлилнома». Информацион дастур (рус.).
01.35 «Кўҳна оҳанглар».
01.55 «Заковат».
02.50 «Денгиздан томчи».
03.20 «Оҳанрабо».
04.00 «Таҳлилнома».
04.45 «Кўзларинг маъюс». Бадиий фильм. 2-қисм.

### ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Қайнона». Кинокомедия.
8.10 «КУН ТАРТИБИ».
8.40 «Дунё таомлари».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Сеними, шошмай тур!»
9.30 «Болалар давраси».
10.00 «ВАТАНПАРВАР».
11.00 «Journal» (инглиз тилида).
11.20 «ТАРАННУМ». Дам олиш дастури.
12.00 Жаҳон киноси: «Кабелчи».
13.35 «Yoshlar» анкетаси.
13.40 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
14.00 «Ишкомли уй». Телесериал.
14.45 «ТАСАННО». Телемусобақа. 3-босқич.
15.30 «Чемпион сирлари».
15.50 «Ринг қироллари».
16.30 «Якшанба нонуштаси».
16.50 «Ит билан тулки». Мультфильм.
18.00 «Айланай»
18.20 «Рўзғор мактаби».
18.50 «Бу азиз Ватан – барчамизники!»
18.55 «Телетуҳфа».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
19.55 «Yoshlar» анкетаси.
20.00 «Акс». Ток-шоу.
20.40 «Ёшлик наволари».
20.55 «Эълонлар».
21.00 «KINOMANIYA».
21.30 Миллий кино: «Чашма».
22.40 «ТУНГИ ПАРВОЗ».
23.10 «Хайрли тун!»

### ТОШКЕНТ


7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Камила». Телесериал.
9.45 «Интервью».
10.20 «Истеъдод».
10.40 Кино: «Кўзларим йўлингда».
13.05 Фильм–детям: «Пожарный пёс».
14.50 «Дорихона эшитади» (рус.).
15.35 Кино: «Поезд на Юму».
17.40 «Саргузаштлар ороли».
18.05 Кино: «Ярим бахт».
19.55 «Жозиба».
20.40 «Фаровонлик бекати».
21.00 «Туризм ҳақида» (рус.).
21.35 Кино-SMS со звездами: «Ультиматум Борна», «Война», «Крепкий орешек-4».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Телесериал.
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью».
21,00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
22.10 «Истеъдод».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 Кино: «Поезд на Юму».

### СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Қувноқ стартлар».
8.30 «Бодрое утро».
9.30 «Хабарлар» (рус тилида).
9.50 «Рақибингиз гроссмейстер».
10.10 «Азазель». Художественный фильм.
12.00 «Ералаш».
12.10 «Азазель». Художественный фильм.
14.00 ПрофРИНГ.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 Еврофутбол.
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 Универсал жанг. Жаҳон чемпионати.
22.40 «Ледниковый период».

Телевизионная программа предоставлена ООО «САДО».

## СКАНВОРД




**ГАЗЕТАНИНГ 42-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** Қозоғистон. Рио. Мурғоб. Нарвон. Ун. Шредер. Вега. Норак. Зар. Фара. Раға. Оро. Араби. Орзу. Ош. Авлод. Бахт. Мажнунтол. Су. Ака. Фан. Юмор. Нафталин. Сел. Нура. Ўрта. Картон. Фил. Тин. Сифат. Сўри. Ан. Шоён.

**БЎЙИГА:** Зардевор. Онеға. Барак. Тарвуз. Неон. Раҳбарият. Қамиш. Фарғона. Иона. Ан. Дераза. Газал. А

# МАДАНИЙ НУТҚ ТАРБИЯСИ




**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Миллат боласини жаҳолат отлиғ иллат балосидан қутқармоқ иштиёқи билан ёниб яшаган бобомиз Абдурауф Фитрат мана бундай деган эди: «Маълумки, одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади. Шу нарса муқаррарки, биринчи тарбия (оила тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиятига мустаҳкам ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари ва одатлари болалигиданоқ шаклланади» (А.Фитрат. Оила. Тошкент, «Маънавият», 1998 йил, 34-бет).

Беш-олти ёшгача одамлар билан мулоқотда бўлмасдан ўсган бола кейин нафақат тилни билиш, ҳатто нутқ товушларини талаффуз қила олиш қобилиятидан ҳам маҳрум бўлади. «Киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилиши»ни далиллар экан, Кайковус бобо шундай дейди: «...Агар бир ўғлон онадан туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб, сут бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, улуғ бўлғонда лол (соқов) бўлур» (Қобуснома. Тошкент, 1994 йил, 41-42-бетлар). Шунинг учун ҳам тил завқи, маданий нутқ сезгиси ва сўз севгиси борасидаги илк тарбия оилада, бола бир-икки сўзни «чуғурлаш» бахтидан сармаст бўлган пайтданоқ бошланиши керак. Болада шаклланажак лисоний завқ ва нутқий маданиятнинг тақдирида шу паллада уни ўз оғушига олган нутқий муҳит, яъни катталарнинг нутқий хулқи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ўринда инжа сўздан ўзларига боқий ҳайкал ясаб кетган жуда кўплаб бадиият намояндаларини нозиктаъб, сўзсевар ота-оналари, қариндошлари, яқинлари, оилаларидаги ибратли нутқий муҳит туфайли болаликда «юққан» сўз сезими лаёқати ҳақидаги хотираларини эслаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Катталар нутқидаги ҳар қандай ноқислик ёки тугаллик секин-аста гоҳ ғайришуурий, гоҳ онгли тарзда боланинг нутқий кўникмаларида барқарорлашиб бораверади. Боланинг катталар нутқига дастлабки тақлиди вақт ўтиши билан одатий тахлитга кириб кетаверади. Шу пайтда онга ўрнашган ҳар қандай тил кўникмаларидан, у хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, кейин қутулиш анчайин қийин кечади. Биргина мисол, бола ёруғ дунёга келган сониядан бошлабоқ унинг қулоғи одатда, у ёки бу шевадаги нутқ таъсирида бўлади, истайсизми-йўқми, тили ҳам шу шевада чиқади, оилада то боланинг тили қоттунча уни адабий талаффуз томон тортишга уриниб ҳам кўрилмайди. Кейинчалик уни адабий талаффузга ўргатиш учун кўп куч сарфланади, аммо натижа ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Ҳатто, тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб етишган, айтайлик, хоразмликнинг «о» товушини, бухороликнинг «ў» товушини соф адабийча талаффуз қилиши мушкулотга айланади. Ана шу туфайли «Боланинг тили роса чиқиб олаверсин, унинг нутқий маданияти ҳақида қайғуриш қочмас, мактаб ҳаммасини ўргатади» қабилида мулоҳаза қилиш ақлнинг иши эмас. Ўз фарзандининг тили бурро ва дили рўшно, сўзга чечан ва фикри теран, сўз билан илонни инидан чиқара биладиган бўлиб фазлу камолотга етишини астойдил истайдиган ота-она буни унутмаслиги керак.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳеч бир истисносиз барча босқичларида нутқ маданияти малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш, бирор сония бўлсин, эътибордан четда қолмаслиги лозим. Айниқса, мактабгача тарбия муассасаларида бу борадаги иш бениҳоя зийраклик ва катта маҳорат билан олиб борилмоғи талаб этилади.

Мактабгача тарбия муассасаларининг мураббиялари боланинг сўз идроки имкониятларини аниқ ва оқилона ҳисобга олган ҳолда уни тилнинг сирли оламига олиб кириш йўлларини тинимсиз изламоқлари керак. Бошқача қилиб айтганда, болада нутқий маданиятни шакллантиришда унинг ёши, тасаввур ва тафаккур дунёсини зўриқтирмайдиган сўз ва ифодаларни саралаш асосий омиллардан биридир.

**БОЛАДА ШАКЛЛАНАЖАК ЛИСОНИЙ ЗАВҚ ВА НУТҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАҚДИРИДА ШУ ПАЛЛАДА УНИ ЎЗ ОҒУШИГА ОЛГАН НУТҚИЙ МУҲИТ, ЯЪНИ КАТТАЛАРНИНГ НУТҚИЙ ХУЛҚИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ.**

Бола тил идрокининг ҳар қандай зўриқиши уни сўздан совутади, сўз завқига сув сепади, ҳафсаласини пир қилади. Бундай ҳолатда болада бора-бора ўз тилига нисбатан лоқайдлик, нутқий танбаллик, демакки, руҳий ялқовлик пайдо бўлади. Шунинг учун аввало, сўз ва ифодаларни танлашда бениҳоя ҳушёрлик зарур. Бола ўрганаётган ҳар қандай янги сўзнинг жаранги, ранги ва оҳангини ҳис эта билсагина, унда сўзга чинакам муҳаббат пайдо бўлади, ўз нутқини назорат қила бошлайди.

Таъкидлаш жоизки, мактабгача тарбия муассасалари учун тавсия этиладиган, жажжи вужуддаги мурғак шуурнинг такомили учун масъул бўлган покиза бўстон – боғчанинг эшигидан ичкарига кирадиган ҳар қандай китоб ёки бошқа босма маҳсулотнинг тили расо, бийрон ва бола учун мутлақо «ўзиники» бўлмоғи шарт, чунки бола шу тилдан намуна олади, шу тил унга андаза вазифасини ўтайди.

Аммо минг таассуфлар бўлсинким, ҳамиша ҳам шундай бўляпти деб айтиш қийин. Боланинг ўзи ўқийдиган ёки боғча опаси ўқиб берадиган айрим «бадиий асарлар» тилидаги нўноқлик, ширасизлик, сўз қўллашдаги пала-партишлик боладаги сўз сезгисини хиралаштириш, завқи ва дидида ўтмаслаштириши табиий. Буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, бу кундай равшан гап. Бундан ташқари болалар боғчаларида кичкинтойларнинг нутқий малакаларини ривожлантиришга бағишланган услубий қўлланмалар, тавсиявий ишланмалар, ўқиш китоблари анча-мунча бор. Лекин уларнинг аксарияти айнан тил жиҳатидан жуда ночор. Қисқача айтганда, мактабгача тарбия муассасалари учун ёзиладиган ҳар қандай китоб катта ақл, таранг мантиқ, теран туйғу ва тоза тил билан, муҳими, доимий масъулият билан тайёрланиши шарт.

Мактабда ўқувчининг нутқий маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришда асосий оғирлик она тили ва адабиёт ўқув фанларининг зиммасида эканлиги маълум. Албатта, мактаб ўқув режасида алоҳида «Нутқ маданияти» деган фан йўқ, аммо она тили ўқитилишининг энг пировард мақсади, табиийки, нутқи равон, аниқ, бой, ўз фикрини мустақил равишда хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма, лўнда, гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалай оладиган шахсни тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам она тили дарсларида ўтиладиган ҳар қандай мавзу ана шу мақсадга тамомила бўйсундирилмоғи лозим.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган бениҳоя кўламли ишлар мазмунида бу жиҳат ўзининг аниқ аксини топаётганидан барча бохабар. Она тили фани бўйича яратилаётган дастур ва дарсликларда нутқий маданият тарбиясига алоҳида аҳамият берилмоқда. Йиллар давомида урфга кириб қолган, фақат грамматик қоидаларни ўзлаштиришга зўр берилган анъаналардан воз кечилиб, ўқувчиларнинг жонли, тирик нутқ малакаларини ўстиришга асосий диққат қаратилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, она тили дарслигидаги ҳар бир жумла ҳар жиҳатдан расо бўлиши, дарсда ўқитувчи томонидан келтириладиган ҳар қандай мисол «Аҳмад келди, Раҳмат келди» қабилидаги қуруқ ва ширасиз эмас, балки ўқувчи шуурини ёритадиган гўзал, нутқнинг барча коммуникатив сифатларини ўзида мужассам этган бўлиши зарур. Ўқувчининг нутқий маданиятини, бадиий сўз ҳиссини парвариш қилишда адабиёт фанининг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам бу дарсда ўрганиш учун танланадиган бадиий асарнинг тилига талаб жуда юксак бўлмоғи шарт. Аммо ҳозирча «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаларига киритилган бадиий матнларнинг тили ҳақида анча-мунча танқидий фикрларни айтиш мумкинки, бу борада аввалги саҳифаларда қисман тўхталдик ҳам.

Айни пайтда нутқий маданият тарбияси билан мактабдаги, ҳеч бир истисносиз, барча ўқув фанлари ҳам билвосита шуғулланиши керак. Математика бўладими, физика ёки тарих бўладими, ўқитувчи ўз нутқий маданияти билан намуна кўрсатиши, тегишли фан соҳасининг тугал тилини намойиш этиши ва шу йўл билан ўқувчидаги сўз сезгисига куч бериши мақсадга мувофиқ. Таълим амалиётида кўргазмалилик азалдан энг зарурий омил сифатида қараб келинади, шунинг учун ўқитувчи жуда кўп вақтини турли кўргазмали қуроллар тайёрлашга сарфлайди. Бу маъқул, аммо унутмаслик керакки, нутқий маданиятни ўргатиш, чиройли сўз завқини ўстириш, умуман, тил эстетикаси тарбиясида асосий, жонли кўргазмали қурол ўқитувчининг ўзидир.

Россияда Пётр I замонида шундай бир фармон чиқарилган экан. Унга кўра, жисмоний ёки нутқий нуқсонга эга бўлган одам, ҳар қанча етук мутахассис бўлмасин, дарс бериш учун синфга киритилмаган. Дунёда боладай зийрак тақлидчи ва танқидчи йўқ. Шунинг учун «жонли кўргазмали қурол» ҳар жиҳатдан тўкис ва тугал бўлиши лозимлиги оддий мантиқнинг талабидир.

Ўқитувчининг асосий қуроли унинг нутқи экан, «Нутқ маданияти» ўқув фани фақат филолог-ўқитувчи эмас, балки ҳар қандай фан ўқитувчиси тайёрлайдиган барча ўқув юртларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ.


Нутқ маданияти муаммоларини илмий асосда ўрганишни янада чуқурлаштириш ҳам бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этди. Бу борада анчагина ишлар қилинган, аммо ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Мустақиллик шарофати билан эркли тараққиёт йўлига тушиб олган тилимизнинг ўз табиатига хос мезонларини тайин этиш, унуттирилган бойликларини тиклаш, софлигини таъминлаш тамойилларини такомиллаштириш, ривожланиш истиқболларини инкишоф этиш, бир неча минг йиллик маданиятимиз тарихидаги нутқий одоб анъаналарини ўрганиш, сўзни беназир неъмат сифатида ардоқлаган улуғ аждодларимизнинг улкан меросини бор бўйича кўрсатиб бериш айни соҳа мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардир.

Умуман, ёш авлод нутқий маданиятини изчил камол топтириш, бу ишнинг энг мақбул ва самарали усулларини излаб топиш ҳамда таълимга татбиқ этиб бориш олимлар ва ўқитувчилар бўйнидаги беминнат бурч эканлигини бирор сония унутмаслигимиз лозим.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

# ХИРМОНЛАРИНГ ҚУДРАТИНГДАН СЎЙЛАЙДИ





**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Юртимиз пахтакорларининг юксак меҳнат ғалабаси, яъни 3 миллион 600 минг тонналик хирмон бунёд этганлари тўғрисидаги хушхабар барча миллатдошларимизни мамнун этгани шубҳасиз. Бу рақамлар ортида заҳматкаш халқимизнинг фидойиларча меҳнати, бедор кун-тунлари мужассам. Кейинги йилларда республикамиз меҳнаткашлари зафарли ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Булар ўз-ўзидан бўлиб қоладиган муваффақият эмас. Республикамиз раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган изчил ислоҳотлар қисқа фурсатларда ўз ижобий самарасини кўрсатди.

Бу йил давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси гоят қисқа муддатларда шараф билан бажарилди. Бунда албатта, Республикамиз Президентининг қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган фармонлари ва қарорлари ижроси, ҳукуматимиз томонидан бу соҳага берилаётган молиявий ёрдам ва енгилликлар, иқтисодий имтиёзлар, фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш каби бир қатор омиллар муваффақиятлар гарови бўлди.

Республикамиз бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача 26 центнерни ташкил этди. Ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг 74 фоизи биринчи навларга топширилган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 86 фоизни ташкил қилди. Бу ўз навбатида ҳосилдорликнинг йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Улкан хирмонда ҳар кимнинг ўз улуши бор. Серҳосил ва эртапишар пахта навлари яратишда тиним билмай изланаётган мамлакатимиз олимлари ҳам бу улкан зафарда ўз меҳнатлари, изланишлари маҳсулини кўрган бўлсалар ажаб эмас. Юртимиз ҳудудининг тупроқ ва иқлим шароити турфа хил. Уларни чуқур ўрганган ҳолда эртапишар ва серҳосил пахта навлари билан таъминлаш ҳам ўзига хос мураккаб, масъулиятли вазифалардан саналади.

Бугунги улкан муваффақият омилларидан бири сифатида ғўза селекцияси ва уруғчилиги соҳасидаги ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлигини кўрсатиш мумкин. Ўтган давр мобайнида ўнлаб янги серҳосил ғўза навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Айни кунларда юртимиз далаларида ғўзанинг маҳаллий 14 та селекция нави чигити экилмоқда. Улар тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, тола сифатининг юқорилиги, ранги, ҳашарот ва касалликларга чидамлилиги, турли тупроқ-иқлим шароитларига мослиги билан ажралиб туради. "Бухоро-6", "С-6524", "Оқдарё-6", "Наманган-77" каби ғўза навлари айниқса, деҳқонларимизга манзур бўлаётир. Шуни алоҳида ифтихор билан таъкидлаб ўтиш ўринлики, "Бухоро-6" нави Ливерпуль пахта биржасининг олтин медали билан тақдирланган. Толаси эса эталон сифатида қабул қилинган. Бу ўз навбатида селекциячи олимларимизнинг ишлари жаҳонда ҳам тан олинаётганлигининг амалдаги исботидир.

Ўтган йили биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини уддалаган Қорақалпоғистон республикаси барчани лол қолдиргани ёдимизда, албатта. Бунинг лол қолдирадиган томони шунда эдики, республика узоқ йиллар пахта етиштириш бўйича сезиларли даражада оқсаб келди. Қорақалпоқ деҳқонларининг бу йилги меҳнат натижалари ҳам қувонарли бўлди. Бу сафар ҳам улар етакчилар сафидадирлар. Бугун мамлакатимизнинг улкан пахта хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Андижон, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари пахтакорларининг меҳнатлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Яна шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бу йил етиштирилган ҳосил 100 фоиз қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг мутлақ янги шакли бўлган хусусий фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Бу босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотларнинг ҳаётдаги ижобий натижасидир.

Ер фермерларга танлов асосида ажратилиши, уларга яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар ва енгилликлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғининг йилдан йилга кўпайишига, заминга ва ўзи етиштирган неъматга эгалик ҳиссининг ошишига олиб келди. 2001 йилда фермер хўжаликлари бор-йўғи 333,9 минг гектар майдонда пахта етиштирган бўлса, жорий йилга келиб улар томонидан 1440 минг гектар ерда ёки 100 фоиз майдонда ғўза парвариш қилинди. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида энг муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ҳам қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш негизида мазкур соҳани замонавий босқичга кўтариш мамлакатимизда устувор вазифа сифатида қаралади.

Юксалаётган қишлоқ хўжалиги юртимизда тўкинчилик, фаровонлик деганидир. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган, бой, фаровон мамлакатнинг армияси ҳам қудратли бўлади. Машаққатли меҳнат эвазига бунёд этилган улкан пахта хирмонининг нечоғли жиддий муваффақият эканлигини ҳар бир посбон теран англамоғи лозим. Аскар эгнидаги либосда, озиқ-овқат таъминотида, қудратли техникалар замирида бободеҳқон меҳнати борлигини бир зум бўлсин, унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Тўйлар қилиб элни чорлаш миллатимизга хос. Шу кунларда ғалвир сувдан кўтариладиган палладир. Дала юмушларини поёнига етказган, мўл ҳосил етиштирган деҳқон кўнгли эзгу орзуларга тўла. Тўйлар эса ана шу эзгу орзулари рўёбидир. Миллатдошларимизнинг бу зафари четдан кузатувчилар учун эҳтимол тушунарсиз туюлар. Аммо бу улкан хирмон юрт қудратининг юксалишига, халқимизнинг янада тўкин ва фаровон яшашига замин яратаётганлигини биз яхши биламиз.

Республикамиз пахтакорларининг улкан зафари Юртбошимиз томонидан муродга етган кун, муродбахш кун сифатида эътироф этилди. Бундай кунлар юртимизда кўп бўлсин, қутлуғ хирмонларимиз қудратимизни оширсин, қудратимиздан дунёга достонлар айтсин!

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ЯНГИ АВЛОД ТРАКТОРЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА







**(Давоми. Боши 1-бетда).**

1942 йилда, яъни иккинчи жаҳон уруши даврида мазкур заводга асос солиниб, унда ўқ-дори ишлаб чиқилган. 1945 йилда эса у озиқ-овқат машинасозлиги заводига айлантирилган. Орадан беш йилча вақт ўтиб эса корхона пахтачилик машинасозлиги заводи деб номланган. 1969 йилдан эътиборан эса трактор заводига айлантирилган.

Мустақиллик йилларида юқорида таъкидланганидек, заводда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Буни Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжонда заводнинг савдо уйлари фаолият юритаётганида, яъни қишлоқ хўжалик техникаси воситаларини ишлаб чиқариш ва сотишда кенг ҳамкорликлар амалга ошираётганида ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш лозимки, 2001 йилда Хитой билан ҳамкорликда икки моделдаги кичик тракторлар ишлаб чиқарила бошланди. Шунингдек, корхонанинг ТТЗ-80, ТТЗ-100 русумли уч ғилдиракли пахтачилик ва тўрт ғилдиракли универсал чопиқ тракторлари замон талабларига, андозаларига мослиги билан ажралиб туради.

Яхши биламиз, қишлоқ хўжалигида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Соҳани техник жиҳатдан замонавийлаштиришни бугун давр талаб қилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва анъанага айланиб қолган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослашган халқаро кўргазма-савдоси ана шу устувор мақсадларимизга хизмат қилиб келяпти.

Тилга олинаётган Тошкент трактор заводи ўз маҳсулотлари билан ана шундай халқаро кўргазмалар ва савдо ярмаркаларида мунтазам иштирок этиб, эътирофга сазовор бўлаётганини таъкидлаш лозим.

– Корхонамизда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, уларнинг турлари тобора кўпаймоқда. Айни пайтда, маҳсулотларнинг сифати ҳам доим назоратда. Чунки маҳсулот сифати қанчалик юқори, нархи қанчалик арзон бўлса, харидори шунча кўпаяди. Маҳсулотларимиз ўзининг сифати ва арзонлиги билан буюртмачиларга маъқул бўлаётир, – дейди Тошкент трактор заводи акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳамид Хайрутдинов оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида.

Шунингдек, матбуот хабарларига кўра, айни пайтда мазкур корхонанинг муҳандис-конструкторлари янги авлод тракторларини яратиш борасида иш олиб боришаётган экан. Унинг техник кўрсаткичларини белгилашда замонавий тракторсозликнинг энг сўнгги ютуқлари ҳисобга олингани ҳам халқимиз даҳосини, салоҳиятда ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, янги тракторлар агрегатлари сонининг кўплиги ва тезкорлиги билан ажралиб тураркан. Шунингдек, бундайин русумдаги тракторларнинг осма тизимдаги юк кўтариш қуввати 3000 килограммгача етказилиб, жаҳон андозаларига мос қулай ва шинам кабина билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

Яна бир муҳим янгилик. Айни пайтда корхона мутахассислари томонидан яратилган яна бир трактор синовдан ўтказиляпти. Янги трактор бир йўла бир неча вазифани бажаради. Аниқроғи, унга экскаватор асбоб-ускуналари, кранли осма тизим, бульдозер қисмлари ва тиркама улаш мумкин. Бу эса истеъмолчилар талабини янада тўлароқ қондириш, маҳсулот нархини арзонлаштириш имконини беради.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, биргина жорий йилнинг ўзида, яъни ортда қолган даври мисолида оладиган бўлсак, трактор заводида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий қиймати 39 миллиард сўмдан ошган. Бу ўтган йиллардаги кўрсаткичдан сезиларли даражада кўп эканлигини мутахассислар эътироф этиляпти. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоиз. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида маҳсулотларнинг асосий қисми ички бозорда лизинг асосида сотилаётир. Туркманистон, Қозоғистон, Озарбайжон каби давлатларга қарийб тўрт миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилингани ҳам корхонанинг истиқболидан далолат.

«Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларимиз ҳақида гапирганда, биз уларга аввало иқтисодиётнинг ривожланиши, унинг ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютамизнинг барқарорлиги ва унинг харид қобилияти, экспорт ва олтин-валюта захирамизнинг ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, бутун иқтисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан келиб чиққан ҳолда баҳо берамиз», деган эди Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида.

Хўш, иқтисодиётимизнинг изчил ривожланишида қандайин омиллар муҳим ўрин тутмоқда? Таъкидлаш лозимки, бунинг асосий омилларидан бири корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатидир. Тилга олинаётган заводда ҳам бу йўналишда ишлар жадал суръатда кечмоқда. Аниқроғи, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиялар жорий этиш борасида мунтазам иш олиб борилмоқда. Заводнинг чет эл дастгоҳлари билан жиҳозлангани тайёрланаётган маҳсулотларнинг замон талабига жавоб беришини ва турларини кўпайтириш имконини бераётир.

Хуллас, илмий ва техникавий имкониятларимиз, салоҳиятимизнинг маҳсули ҳисобланадиган, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан мамлакатимиз шуҳратини тобора юксалтиришга улуш қўшаётган корхонанинг порлоқ истиқболига назар ташлаб ҳам танлаган йўлимиз тўғри эканлигига амин бўласан, киши.

**Шерзод ТОЛМАСОВ.**

Подписка-2008

# НАШ ВЫБОР – «ВАТАНПАРВАР»



В частях и учреждениях Министерства обороны началась коллективная и индивидуальная подписка на газеты и журналы на I полугодие 2008 года, в том числе и на газету «Ватанпарвар», Центральный печатный орган Министерства обороны.

Газета «Ватанпарвар» является единственным изданием, в полном объеме освещающим жизнедеятельность частей и подразделений Министерства обороны Республики Узбекистан. На страницах газеты «Ватанпарвар» публикуются материалы, рассказывающие не только о процессе боевой учебы военнослужащих различных видов и родов войск, но и о быте, продовольственном и денежном обеспечении, культурно-досуговой работе, льготах, предоставляемых различным категориям военнослужащих и членам их семей. Журналисты редакции и внештатный авторский актив много внимания уделяют раскрытию тем военно-патриотического воспитания подрастающего поколения будущих защитников Родины. Молодежная тематика является преогративным направлением в информационном обеспечении читательской аудитории нашей газеты. Потому единственное в республике полноцветное периодическое издание представляет интерес для самого широкого круга читателей.

В период проведения подписной кампании командирам всех степеней, начальникам учреждений, офицерам органов воспитательной работы необходимо провести на местах широкую разъяснительную работу среди военнослужащих, рабочих и служащих о значимости газеты «Ватанпарвар» в деле информирования, обучения и воспитания личного состава, формирования высоких нравственных и морально-боевых качеств молодежи нашей страны, патриотизма, организованности и дисциплинированности. Немаловажно будет рассмотреть и обсудить вопрос организации коллективной и индивидуальной подписки на совещаниях офицеров, военнослужащих по контракту, рабочих и служащих, собраниях личного состава срочной службы.

Командующим войсками военных округов, заместителям командующих по воспитательной работе, начальникам УДО (ОДО) необходимо также организовать широкую пропаганду газеты «Ватанпарвар» среди родителей, родных призывников, граждан, проходящих альтернативную службу и призываемых на службу в мобилизационный призывной резерв.

Подписку на газету «Ватанпарвар» необходимо оформлять в ближайших почтовых отделениях не менее чем на 6 месяцев по безналичному расчету. Следует обязательно обращать внимание на то, что в каждом регионе подпиской занимаются в среднем от 2 до 5 компаний. Потому за основу следует выбрать ту, которая предлагает наиболее низкие цены за подписку и доставку.


В связи с разными расходами по доставке газеты подписчикам на местах цены на подписку на газету «Ватанпарвар» на 2008 год установлены в среднем по стране от 25956 сумов в г. Ташкенте до 37512 сумов в Андижанской области. Каждый распространитель определяет ее в зависимости от своих расходов.

Подписную кампанию необходимо провести в рамках установленных сроков и завершить ее к 20 декабря т.г.

**ГЛАВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.**

Долзарб мавзу

# ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА



Қиш эшик қоқаётган бир паллада ҳар бир хўжалигу ташкилотларда қишга тайёргарлик жараёни жиддий тус олиши табиий ҳол. Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам мавсумга ҳозирлик жуда эрта бошланган дейишга ҳақлимиз. Бу борада Мудофаа вазирлиги Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси ва қисмлари зиммасига улкан вазифалар юклатилгани аниқ.

Холис фикр юритадиган бўлсак, ушбу бошқарма фаолияти кенг қамровли бўлиб, вазирлик тизимидаги ҳар бир бино, коммунал иншоотлар, муҳандислик тармоқларининг ҳолати, янги қурилишлар, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш каби бир қатор масъулиятли вазифалар айнан улар орқали ҳал этилади. Қиш мавсумига тайёргарлик ҳам мана шу жараённинг бир қисмидир. Шунинг учун биз Фарғона уй-жойдан фойдаланиш қисмида бўлганимизда нафақат қиш мавсумига ҳозирлик, балки қисм томонидан йил давомида амалга оширилган кенг қамровли ишлар кўлами билан ҳам қизиқдик. Чунки ҳарбий қисм ва иншоотларда қилинган ҳар бир таъмирлаш жараёни қиш мавсумида катта аҳамият касб этади. Шундай қилиб, суҳбатдошимиз Фарғона уй-жойдан фойдаланиш қисми бош муҳандиси офицер Моҳиржон Исроилов.

– Қисмимиз ходимлари йил давомида қизғин иш билан банд бўлишади, десам, хато қилмайман. Нега деганда вазифамиз билан боғлиқ талаблар, ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп, – дейди бош муҳандис суҳбат чоғида. – Бажарилган ишлар борасида қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳарбий қисм хизматчиларини санитар меъёрларига тўғри келадиган ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 3950 м. полиэтилен сув қувурлари ётқизилиб, шаҳар сув тармоқларига уланди. Бу вазифа Мудофаа вазирининг буйруғига асосан белгиланган муддатда бажарилди. Ер ости сувлари бино ва иншоотларга зиён етказмаслиги учун канализация қувурлари ўтказилиб, ер ости тозалаш тармоғига уланди. Шарқий ҳарбий округнинг барча ҳарбий қисм ва муассасаларига янги турдаги электр ҳисоблагичлар ўрнатилди. Айни дамда эса, янги турдаги электр газ ҳисоблагичлар ўрнатиш борасида иш олиб борилаяпти. Шунингдек, ҳарбий қисмларда муҳандислик тармоқлари ҳам алмаштирилди.Бир қатор ҳарбий қисмлардаги ер ости сув қудуқлари тозаланиб, сув насослари янгиланди. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ишлари самарасига эса узоқ тўхталиш мумкин.

Қиш мавсумига тайёргарлик борасида шу кунга қадар бажарилган ишларга изоҳ бериб ўтадиган бўлсак, иккита сув иситиш қозонларининг хавфсизлик автоматикаси таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Шубҳасизки, қиш мавсумида иситиш қозонларининг ўрни жуда катта. Шунинг учун биз асосий эътиборни уларнинг тайёргарлик ҳолатига қаратамиз. Ҳозиргача ишчи-хизматчиларимиз томонидан турли русумдаги иситиш қозонларининг барчаси тўлиқ таъмирланиб, махсус текширувдан сўнг фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга иссиқлик пунктларидан олтитаси, сув насос станцияларидан иккитаси, канализация насос станцияларидан биттаси таъмирланди. Албатта, бажарилган ҳар битта иш хусусида алоҳида тўхталиш қийин. Чунки иш фаолиятимиз доимий равишда таъмирлаш, созлаш ишларидан иборат. Мақсадимиз ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшиш.

Хизмат сафари билан қайси бир ҳарбий жамоада, ҳарбий шаҳарчаларда бўлмайлик, айнан уй-жойдан фойдаланиш қисмлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келамиз. Айтмоқчимизки, ушбу соҳага бўлган эҳтиёж ва талаб доимо юқори бўлиб келган. Нега деганда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаъзоларига яратилган шароит тўкислиги кўп томондан мана шу соҳа фаолиятига боғлиқ. Яъни ҳарбий жамоалардаги бино ва иншоотлар, турар жой гўшаларининг талабга жавоб бериши, сув ва иссиқлик таъминоти, канализация қувурларининг созлик ҳолати каби бир қатор йўналишлар мавжудки, булар албатта посбонларнинг хизмат жараёни ва яшаш шароитига ўз таъсирини кўрсатади. Бу борада уй-жойдан фойдаланиш қисмларининг етакчи ва хизматчилари ўз вазифаларининг моҳир устаси, ҳаракатчан ва фидойи бўлмоқлари лозим.

Қуролли Кучларимизда амалга оширилиб келинаётган ислоҳотлар жараёни ушбу соҳада ҳам янгиланишлар яратиши табиий ҳол. Ва албатта, уларнинг зиммасидаги масъулиятли вазифага эътибор билан ёндашишларига замин яратади.

Биз мақоламизда тилга олиб ўтган қишки мавсум тайёргарлиги ҳам мана шу бурчга бўлган эътиборнинг бир кўринишидир. Ўйлаймизки, қиш мавсумида уларнинг фидойи хизмати ўз эътирофини топади.

**Зарина НИШОНОВА.**

Ҳарбий техника янгиликлари

# СИНОВДАН ЎТМОҚДА

АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли илмий-тадқиқотлар институти мутахассислари PHASR деб номланган махсус лазер қуролининг намуна нусхасини яратдилар. Мазкур қуролдан фойдаланиш натижаси ўлим билан тугамайди. Лазер қуроли ёрдамида фақат бир қанча муддатга душманни ҳаракатланиш имконидан маҳрум қилиб, кўзларини қамаштириб қўйиш мумкин. Бунда жабрланувчи нурланиш манбаини сезмай қолади ва, табиийки, хавф қайси жойдан келаётганини аниқлай олмайди. Мазкур қуролни яратган мутахассислар фикрига кўра, у биринчи навбатда полиция бўлинмаларини таъминлаш учун мўлжалланган, бироқ, шу билан биргаликда шаҳар шароитларида жанговар ҳаракатлар олиб бораётган ёки террорчиларга қарши олиб бориладиган операциялар жараёнида ҳарбий хизматчилар томонидан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ғарб матбуоти хабарларида келтирилишича, мазкур қуролнинг дастлабки икки намунаси Техас ва Виржиния штатларидаги ҳарбий базаларда синовдан ўтказилмоқда.

# ТЕЖАМКОРЛИК САРИ

COLLABORX ва MULTIMAX компаниялари мутахассислари MaXFLyer деб шартли номланган гибрид учувчисиз учиш аппарати яратиш борасида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини давом эттиришмоқда. Ҳаво разведкаси олиб боришни таъминловчи техник мосламаларни жойлаштиришга мўлжалланган, радиотўлқинлар учун шаффоф бўлган қобиқли енгил дирижабллардан фойдаланиш аввало уларнинг тежамкорлиги ва узоқ муддат давомида патруллик қила олиши билан боғлиқ. Мазкур аппарат устида иш олиб бораётган мутахассислар фикрича, у керакли ҳудудда бир неча ҳафта давомида 30 км баландликда қўйилган вазифаларни бажариш учун учиб юриши мумкин.

Диаметри 80 м атрофида бўлган эллипс шаклидаги аппарат қобиғининг ичини гелий, водород ёки мазкур газлар аралашмаси билан тўлдириш режалаштирилмоқда. Унга фойдали юк сифатида турли разведка асбоб-ускуналарини (видео, ИК-камералар, радиолокация станцияси ва ҳ. к.) ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Муҳандис-конструкторлар фикрича, MaXFLyer тизимини тезкор олиб бориш ва керакли ҳудудда ишга тушириш учун битта СН-47 «Чинук» транспорт-десант вертолёти етарли бўлади. Кучланиш қурилмаси, бошқариш тизими ва БРЭО таркиби ҳақидаги маълумотлар ҳозирча эълон қилинмаган.


# ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАЙЁР


Канадада мазкур мамлакат ҳарбий денгиз кучлари учун мўлжалланган универсал таъминот транспорти (Joint Support Ships – JSS) лойиҳаси ишлаб чиқилди.


Ушбу кема денгизлардаги кемалар ва денгиз бўйи йўналишларидаги қўшинларни барча зарур нарсалар билан ўз вақтида таъминлаш, шунингдек, десант кучларини кўчириш учун мўлжалланган. Унинг тўлиқ сув сиғими 28000 т, узунлиги 200 м, эни 32 м, сувга ботиб туриш даражаси 8 м бўлади. Ундаги энергетика қурилмаси максимал сузиш тезлиги 21,5 узел ва сузиш узоқлиги 15 узел тезликда 11000 мил бўлишини таъминлайди. Таъминот транспорти ўз бортига 8000 т кема ва 840 т авиация ёқилғисини, 300 т ўқ-дори, 400 т ичимлик суви олиши мумкин бўлади. Юк палубасида турли юклар, шу жумладан, автомобилларни ва 120 тагача 20 футли стандарт контейнерларни жойлаштириш кўзда тутилган. Кема ангари 4 та вертолётга мўлжалланган ва яна 4 таси зарурат туғилганда юк палубасида жойлашиши мумкин бўлади.

Денгиздаги бошқа кемаларнинг захираларини тўлдириш учун бортлар бўйлаб суюқ ва қаттиқ юкларни узатувчи иккитадан станция жойлашган. Юкларни силжитиш учун контейнерлар тизими, 15 ва 30 тоннали кранлар, қуйруқ (50 т) ва борт (30 т) рампалари мавжуд. Бундан ташқари, юклар ва шахсий таркибни соҳилга етказиш учун кема бортида 2 та десант катери ва понтонлар жойлаштирилади. Кема қуроллари таркибига кичик калибрли автоматик қурилма ҳамда ракета ва торпедалардан ҳимояланиш воситаларини киритиш кўзда тутилган. Кемада, шунингдек, госпитал (60 ўрин), поход штаби ва десант кучлари (210 киши) учун хоналар ажратилган.

**(«Зарубежное военное обозрение» журнали асосида тайёрланган).**





## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Предложено посредничество

Король Саудовской Аравии Абдалла предложил конфликтующим сторонам в Сомали посредничество в урегулировании конфликта. Для этого король пригласил их провести переговоры в Эр-Рияде. В руководстве Сомали недавно возникло острое противоборство между президентом Абдуллахи Юсуфом Ахмедом и главой правительства Али Мохамедом Геди. В основе политического противоборства лежит соперничество сомалийских кланов.



### Спецоперация в Дагестане

В Дагестане продолжается спецоперация по нейтрализации группы боевиков. В результате их нападения один милиционер был убит, еще один ранен. В лесу возле селения Адиль-Отар на окраине села были блокированы двое террористов. Один из них уже убит, сообщил Интерфаксу представитель МВД республики.



### Стыковка на МКС

Американский шаттл «Discovery», успешно стартовавший с космодрома на мысе Канаверал (штат Флорида), пристыковался 25 октября к Международной космической станции. Напомним, процессом стыковки лично управляла командир экипажа «Discovery» 46-летняя Памела Мелрой. Она – опытный астронавт, дважды побывавшая на орбите в качестве второго пилота «челнока». Предполагается, что экспедиция нынешнего экипажа продлится 14 дней.




### Суданские повстанцы – похитители

В суданской области Дарфур повстанцы совершили нападение на нефтяное месторождение Дафра и похитили двух иностранных специалистов. В заложники взяты гражданин Канады и гражданин Ирака, передает Би-би-си. Повстанцы напали на месторождение, управляемое китайским консорциумом «Defra».



### «Airbus» A380 – первый рейс

Самый большой пассажирский самолет в мире «Airbus» A380 совершил первый коммерческий рейс – из Сингапура в Сидней, сообщает Би-би-си. Авиакомпания «Singapore Airlines» получила это двухпалубное воздушное судно чуть более недели назад. Билеты на рейс продавались на интернет-аукционе eBay. Общая сумма выручки за билеты, сообщает ИТАР – ТАСС, составила более 1,25 млн. долларов.



### Землетрясение на Суматре

Подземные толчки силой 7,1 балла сотрясли индонезийский остров Суматра. Как сообщает Геологическое управление США, эпицентр землетрясения находился в океане на глубине 18 миль, в 85 милях западнее прибрежного города Бенгкулу. Сообщений о жертвах не поступало.



### Создается искусственное зрение

Ученые приблизились к тому, чтобы решить проблему слепоты. Британские биологи, неврологи и медики работают над проектом искусственного выращивания глазных яблок в лабораторных условиях. Специалисты говорят, что если их исследования все же удастся успешно завершить, то глаза, в буквальном смысле выращенные в лабораторных условиях, могут в корне изменить жизнь миллионов людей, сообщает CuberSecurity.ru со ссылкой на журнал «Science».



### Продолжатся поиски античной библиотеки

Археологи решили возобновить раскопки в древнем городе Геркуланум с целью найти шедевры греческих и латинских античных авторов, погребенных под слоем пепла после извержения вулкана Везувий в 79 году нашей эры. В результате этого извержения был полностью разрушен богатый римский город Геркуланум, а также соседние Помпеи.

(www.NEWSru.com).

IV ВСЕМИРНЫЕ ВОЕННЫЕ ИГРЫ

# УЗБЕКИСТАН – В ДЕСЯТКЕ СИЛЬНЕЙШИХ!



**На великолепной мажорной ноте завершили свое участие в IV Всемирных военных играх армейские спортсмены Узбекистана. Наши соотечественники в последний день состязаний завоевали пять золотых и две бронзовые медали, которые позволили сборной Узбекистана подняться на 7-е место в мировой «табели о рангах».**



Бокс

## «ЗОЛОТОЙ» УРОЖАЙ

Решающий вклад в успех делегации внесли боксеры, занявшие в командном зачете 1-е место, оставив позади сильные сборные России и Китая. Абдугаффор Умаров (57 кг), рядовой по контракту Баходир Мамажонов (60 кг), Равшан Худойназаров (69 кг) и Эльёрбек Гуломов (91 кг) стали чемпионами Всемирных игр.

Однако путь к вершине турнира складывался для мастеров кожаной перчатки нашей страны нелегко. В предыдущем репортаже уже сообщалось о том, что в первом туре уступили своим соперникам рядовой по контракту Фаррух Мадаминов (81 кг) и Зокир Артиков (64 кг), проиграв боксерам из Кении и России. Также в первом круге уступил россиянину Сергею Плетосу наш супертяжеловес Сардор Абдуллаев, хотя первые три раунда он лидировал по ходу встречи. В четвертьфинале, после труднейшего поединка против Франклина Джона из США, закончил выступление Рахмонбек Тошматов (51 кг). Довольно спорным выглядел счет 12:9 в пользу индийца Нарджита Сингха после четвертьфинала с нашим Улугбеком Холмуратовым (54 кг), ведь перед этим Улугбек явно выиграл у вьетнамца. Однако в равных боях против хозяев ринга ни одному боксеру другой страны не удавалось одержать победу. Впоследствии Сингх стал единственным чемпионом из боксеров сборной Индии. В полуфинале буквально одно очко решило исход боя в пользу корейца Гу Сеунг Хвана, оставив нашего Шахриёра Исакова (48 кг) с бронзовой медалью. Также только в концовке боя добился перевеса в полуфинале над нашим боксером Шарофом Хусановым (75 кг) белорус Михаил Веселов. Оба бронзовых призера перед этим одерживали блестящие победы: Шахриёр досрочно победил Деймона Ленголо из Лесото и алжирца Ибрагима Сарауи, а Шароф выиграл турка Гюнеша Хамзу и туниса Анора Джоуни.

Тернистым был путь к финалу и у наших чемпионов. Но они доказали, что на голову превосходят своих соперников, не дав шансов судьям остановить их движение к пьедесталу. Абдугаффор Умаров нокаутировал Тсеноли Катисо из Лесото, затем переиграл по очкам кенийца Давида Кесину, на 13 очков опередил в полуфинале туниса Шили Али, да и в финале со счетом 17:6 взял верх над россиянином Андреем Стрелковым. Баходир Мамажонов выиграл сначала украинца Владимира Матвейчука (21:8), потом индийца Тхи Тхои Сингха (16:10), итальянца Мелиса Лука (досрочно), немца Сандро Шаера (29:12). У Равшана Худойназарова не было проблем в бою против Микелабаи (Замбия), но у россиянина Дмитрия Иванова он выиграл только два очка, зато в полуфинале и финале был на голову выше индийца Багу Аражданда (24:9) и в финале – азербайджанца Тофика Ахмадова (26:12). Тяжеловес Эльёрбек Гуломов в труднейшем бою одолел китайца Яо Вея (16:10), затем обыграл россиянина Мусалджи Магомедова, а в финале досрочно победил Джоя Гузмана (США).

Как подчеркнул в коротком интервью после финала президент боксерского турнира CISM комендант Джеймс Хант из Ирландии, именно последняя победа позволила сборной Узбекистана стать победительницей в командном зачете. Капитану нашей боксерской сборной Хикматулле Касымову был вручен Кубок за победу команды.

Дзюдо

## УЗБЕКСКИЕ ПАЛВАНЫ ПОКОРЯЮТ МИР

Пятую золотую медаль подарил нашей стране дзюдоист Уткир Курбанов (100 кг), в блестящем стиле пройдя сквозь сито жесткого отбора. Воспитанный в детстве на традициях национальной борьбы кураш, уроженец Сурхандарьи и на индийском татами уверенно утвердился в ранге сильнейшего.

Днем раньше первую медаль для наших дзюдоистов – серебряную – завоевал тяжеловес Рамзиддин Саидов (90 кг), лишь в финале уступив олимпийскому чемпиону Илие Илиадису из Греции. В минувшем году именно он внес весомый вклад в завоевание нашей командой серебряной награды в командном первенстве на чемпионате мира среди военнослужащих, прошедшем в Хорватии. Однако в Индии, по вине организаторов соревнований, сборные Узбекистана, Азербайджана и Сербии не были допущены к участию в самом зрелищном командном турнире – «стенка на стенку». Этим командам не довели время и место проведения жеребьевки, а при последующем голосовании среди участников некоторые из них, в частности Германия, проголосовали «против». В итоге в командном первенстве сборная Германии в финале выиграла у сборной России, а наши дзюдоисты ограничились участием в личном первенстве.

Третью медаль завоевал Ришот Собиров (60 кг), лишь в четвертьфинале уступил будущему чемпиону из Нидерландов Гуилламо Эльмонту наш Сухроб Дустов (81 кг), перед этим одержав две уверенные победы. С побед начали свои схватки и Шамсиддин Саидов (73 кг) с Уткиром Салямовым, но позже выбыли из борьбы. К сожалению, в первом же туре потерпел поражение от китайца Аламуса Сергей Лим (66 кг).

Глава делегации Нидерландов генерал-майор Шоуенберг очень высоко оценил уровень подготовки узбекских дзюдоистов, подчеркнув при этом, что игры способствуют и укреплению дружбы между военными спортсменами. В справедливости этих слов вскоре довелось убедиться, когда в комнату к нашим дзюдоистам после турнира подошел один борец из Ирландии, пожелав обменяться кимоно с Рамзиддином Саидовым. Мастерский почерк борьбы Рамзиддина понравился и немецким борцам.

Вольная борьба

## И «БРОНЗА» НА ВЕС ЗОЛОТА

Превосходно выступили и наши мастера вольной борьбы, на пятерых завоевав три бронзовые медали. Хотя потенциал учеников тренера Владимира Орлова был еще выше, но так сложились обстоятельства...

Начнем с того, что один из лидеров наших борцов – Атхам Ачилов (55 кг) – поехал на соревнования простуженным. Контрасты между влажным горячим воздухом Хайдарабада и холодным воздухом в кондиционерах автобусов только усилили этот эффект. Сначала он выиграл у турка Демира Рамазана, затем победил немца Марселя Эвальда, но потом простуда все же дала о себе знать. В итоге наш спортсмен неожиданно для себя уступил корейцу Янгу Джи Хуну, у которого до того не раз выигрывал, удовлетворившись бронзовой медалью через утешительные схватки.

Младший сержант Дамир Захартдинов (60 кг), выйдя на ковер, уверенно поборол соперника из США. Однако во время схватки против сильного борца из Азербайджана он, выиграв первый период, во втором не удержал преимущества. После нулевой ничьей жребий лег в пользу соперника, а в третьем периоде накал схватки стал настолько высок, что наш борец травмировал ребро.

В горячке поединка Дамир не обратил внимания на боль, но в утешительных схватках сломанная кость стала буквально выпирать из груди. Тренер посоветовал Дамиру снятьcя с соревнований, но друзья из сборной России предложили туго затянуть грудную клетку и попытаться: мол проиграть никогда не поздно. Под аплодисменты зала наш борец вырвал эту схватку за «бронзу», еще раз на деле подтвердив высокие волевые качества и патриотизм наших борцов.

Хаёт Сайфуллаев, имевший собственный вес 62 кг, боролся в весе до 66 кг, в первой схватке победив Абдул Кадыра из Катара. Но потом он уступил белорусу Павлу Хрибайло и выбыл из соревнований. В первом туре выбыл также и Фуркат Ширинов (74 кг), проиграв корейцу Джину Киму.

А третью бронзовую медаль завоевал для Узбекистана Абдулл Аммаев (84 кг), победив сначала грека Павлидиса, потом иранца Неджайана, и только в полуфинале уступил поляку Радославу Хорбику, ставшему серебряным призером Игр.

Кстати, в поединках борцов вольного и греко-римского стилей принимали участие немало олимпийских чемпионов, чемпионов мира и Европы, Азии, что говорит о высоком уровне состязаний.

Легкая атлетика

## БЫТЬ ПЕРВЫМИ ВСЕГДА ТРУДНО

Очень драматично сложились состязания и для наших представителей «королевы спорта», ведь они открывали состязания. В первый же день не вышли в финалы спринтеры младшие сержанты Людмила Дмитриади и Любовь Перепелова. Очевидно, Люба так и не восстановилась после травмы, а подруга не настроилась. Неожиданно не попала в финал еще одна из наших надежд на медали – Замира Амирова. И тогда на дистанции 800 метров также неожиданно сумела великолепно пробежать финал Анна Сидорова. Причем первый круг пробежала четвертой, но на финишной стометровке она так здорово исполнила спурт, что почти догнала чемпионку Игр Бриготу из Словении, оставив позади себя Жидкову из Беларуси. Есть первая медаль!

«Серебряный» задел Ане дался нелегко, после финиша у нее не оставалось сил даже снять свой стартовый номер, ставший для нее счастливым. Подругу по команде прекрасно поддержала рядовой по контракту Анастасия Журавлева, буквально до последней попытки занимая 2-е место после олимпийской чемпионки Деветци из Греции. Однако при последней попытке россиянка Анна Пятая сумела на 2 см прыгнуть дальше, «подвинув» Настю на третью ступень пьедестала почета.

Четвертую сумму набрал наш десятиборец Рифат Артыков, сильно отставший после первых пяти видов, но позже потихоньку наверставший свое. В эстафете среди женщин 4х100 м наш квартет мог рассчитывать на медали, но девчонки немного недоработали при передаче эстафетной палочки. Хотя, по словам тренера наших легкоатлетов сержанта Анвара Кучмурадова, победительницы эстафеты из Италии в ходе забега грубо нарушили правила, передав палочку за пределами отведенной для этого 20-метровой зоны. Арбитр на этапе вовремя сигнализировала об этом поднятием флажка, но главный арбитр из Германии оставила фол без внимания, хотя, по правилам, команда снимается. А так призерами стали сборные Италии, России и Германии.

Наш спринтер Олег Журавлев финишировал восьмым в финале забега на 100 метров, а на 200 метров стал пятым, хотя мог рассчитывать, как минимум, на «бронзу». По словам самого спринтера, на вираже он шел третьим и уже готов был побороться с первыми двумя атлетами, как свело судорогой икроножные мышцы. Конечно, очень трудно за день бежать по три забега – отборочный, полуфинал и финал, а на другой – бежать также на второй дистанции. Возможно, имело смысл ограничиться одной дистанцией.

Большего ждали и от младшего сержанта Сергея Войнова. На прикидке Сергей метал копье за 70-метровую отметку, но к началу зачетных бросков он потревожил травму колена, стремясь не сделать заступ. В итоге он завершил участие на 9-м месте, не выйдя в финал. Также девятым стал и Олег Норматов на дистанции 110 метров с барьерами. У женщин Анастасия Прошкина заняла 5-е место на дистанции 100 метров с барьерами. Самая молодая из наших атлетов – Александра Котлярова, которая отметила недавно 19-летие, – сумела попасть в шестерку лучших спортсменок в прыжках в длину. Если учесть, что победила здесь олимпийская чемпионка из Греции, «серебро» у мировой финалистки из России, а «бронза» у чемпионки Азии нашей Анастасии Журавлевой, то этот результат выглядит внушительно.

В завершение хотелось бы еще раз сделать акцент на том, что «туристов» в команде Узбекистана не было. Каждый боролся за медали до конца, искренне желая прославить нашу Родину. Но уровень IV Всемирных военных игр был настолько высоким, что 7-е итоговое место нашей сборной стало несомненным успехом. Как искренне посетовал в разговоре главный эксперт Национальной ассоциации по спорту министерства обороны Болгарии Николай Крулев, его стране не под силу содержать две боксерские сборные, ведь первые национальные команды выехали в Чикаго на чемпионат мира. А наши боксеры не просто приехали в Индию, но сумели вторым составом взять 1-е место. Это говорит об огромном потенциале узбекского бокса, спорта Узбекистана в целом. Верится, что через четыре года в Рио-де-Жанейро Государственный гимн независимого Узбекистана будет звучать большее количество раз, а общее 7-е место для нас – далеко не предел.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Ташкент – Хайдарабад – Ташкент.**

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

27 – 28 октябрь кунлари Мўғулистонда миллий қадриятимиз – кураш бўйича VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Унда Бразилия, Франция, Греция, Польша, Украина, Буюк Британия, Туркия, ЖАР, Эрон, Афғонистон, Корея каби дунёнинг 50 га яқин давлатларидан келган полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқадилар. Чемпионат доирасида КХАнинг навбатдаги конгресси ҳам ўтказилади. Тадбирда бир қатор янги давлатлар кураш оиласига расман қабул қилинади.

Кеча Фурқат Маматов (60 кг.), Олим Равшанов (66 кг.), Бобомурод Рустамов (73 кг.), Равшан Маҳмудов (81 кг.), Шерали Жўраев (90 кг.), Икром Нуруллаев (100 кг.), Нурулла Абдуллаев (+100 кг.), Давлат Чориев (мутлақ вазн), Муқаддас Кубаева (48 кг), Динара Данаева (52 кг.), Индира Ихлосова (57 кг.), Малоҳат Аллаберганова (63 кг.) ва Машҳура Мавлонова (+63 кг.)лардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси Мўғулистонга жўнаб кетди.

●

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда истеъдодли боксчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Зиёддин Тойғонбоев мураббийлик қилаётган терма жамоамиз аъзоларидан Бобур Айтбоев ва Музаффар Абдуллаев ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, халқаро турнир ғолиби бўлди.

Мусобақада иштирок этган яна икки нафар вакилимиз – Жасурбек Латипов ҳамда Нодир Қосимов учинчи ўринни эгаллашди.

●

1 – 4 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида универсал жанг бўйича VII Жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Мусобақа 62, 65, 70, 75, 80, 85, 90, 95 ва +95 кг вазн тоифаларида ташкил этилади. Жаҳон чемпионатига Индонезия, Россия, Жанубий Корея, Хитой, Покистон, Тожикистон, Қозоғистон, Монголия, Эрон, БАА, АҚШ, Франция, Литва каби бир қанча мамлакатлардан спортчилар келиши кутилмоқда.

●

Россиянинг Тольятти шаҳрида бокс бўйича етинчи маротаба ўтказилган анъанавий халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Украина ва Қозоғистондан келган 20 жамоа вакиллари ғолиблик учун рингга кўтарилди.

Унда юртимиз шарафини 19 ёшгача бўлган боксчилардан иборат бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муносиб ҳимоя қилди. Мусобақада жами 11 медални қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

●

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида енгил атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Анъанавий тарзда ўтказилган мусобақада 15 ёшгача бўлган енгил атлетикачилар иштирок этишди.

Вакилларимиз мазкур мусобақада 13 та олтин, 18 та кумуш ва 13 та бронза медалларини қўлга киритишди ва умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлишди.

●

Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигаси жамоалари 24-тур учрашувларини ўтказишди. Қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой бўлган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» - «Қизилқум» - 5:2, «Қурувчи» - «Самарқанд-Д» - 2:1, «Вобкент» - «Металлург» - 0:1, «Нефтчи» - «Трактор» - 4:1, «Андижон» - «Машъал» - 0:1, «Шўртан» - «Локомотив» - 1:1, «Тўпаланг» - «Навбаҳор» - 2:0, «Пахтакор» - «Бухоро» - 5:1.

## ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

Мулоҳаза

# МУОМАЛА – СИЙРАТ КЎЗГУСИ

**Инсондаги мавжуд одоб-ахлоқ унинг атрофдагилар билан қилган муомаласидан билинади. Дарҳақиқат, ҳар бир айтилган сўздан шахснинг қанчалик маънавиятли ва одоб-ахлоқ эгаси эканлигини, қисқаси, унинг «кимлигини» англаш қийин эмас. Яъни муомала қалб кўзгуси сифатида сизнинг қанчалик инсоний фазилатлар эгаси эканлигингизни белгилаб беради. Шу сабабдан ҳам муомала маданиятига азал - азалдан жиддий эътибор берилган**

Гарчи бу ҳақда жуда кўп гапирилган бўлса-да, бироқ ушбу фазилат айрим инсонлар, айниқса, энди шаклланиб келаётган ёшларимиз орасида тўлалигича ўз аксини топмагани боис ҳали-ҳануз долзарблигини афсуски, йўқотмаяпти.

Бугун айрим тенгдошларимизнинг суҳбатига назар солиб, муомала маданиятининг қанчалар пастлигини, ҳатто, бир қадар ачинарли аҳволда эканлигини яққол кўрасиз. Келинг, яхшиси муомала маданияти ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

Одатда, бизга ҳали гўдаклик чоғларимизданоқ катталар кимга ва қаерда қандай муомалада бўлиш ҳақида ҳар доим панд-насиҳат қилиб келишади. Бундан кўзланган асосий мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни муомала маданиятига ўргатишдир. Ҳатто, машҳур алломалар, шоирлар ва фозил кишилар ҳам муомала маданияти тўғрисида деярли ҳар бир асарларида таъкидлаб ўтишгани тарихдан маълум. Жумладан Навоий, Бобур, Беруний ва бошқа буюк аждодларимиз асарларини ёки оддий халқ оғзаки ижоди намуналарини кузатар экансиз, онага нисбатан чуқур ҳурмат ифодаси сифатида волидаи муҳтарама, отага қиблагоҳим, акага оға, укага эса ини каби сўзлар қўлланганини кўп учратасиз. Асар қаҳрамонларининг муомала жараёнида ушбу сўзлардан фойдаланиб мулоқот қилишларини мутолаа қилиш баробарида беихтиёр вужудингизни ёқимли бир илиқлик қамраб олгандай бўлади. Мана шу нарсанинг ўзиёқ аждодларимизнинг муомала маданиятига қанчалик жиддий эътиборда бўлганликларидан далолат беради.

Бугунчи?! Афсуски, бугунги ёшларимизнинг ўзаро суҳбатидан бундай муомалани учратиш амри маҳол. Аксинча, аллақандай жаргон, меъдага тегувчи қўпол сўзлар билан мурожаат қилишлари оддий ҳолга айланмоқда. Яна уларнинг муомаласида шундай сўзлар борки, уларни ҳатто, қоғозга туширишга уяласан, киши. Бу одат эса ўзини замонавий санайдиган баъзи ёшларимизда муомала маданиятининг ғоят пастлигидан далолат беради, холос. Аммо ўзини доно билган, аслида эса маданияти, дунёқараши жудаям саёз бўлганлар учун бундай сўзларни ишлатиб суҳбатлашиш, баралла гапириб атрофдагилар нафратига учраш оддий ҳолга айланиб бораётгани оғриқли.

– Ҳой қария, билет олдизми? – автобусда чиптачилик қилиб юрган боланинг ушбу сўзлари барчани бир нуқтага қаратди. Нигоҳларнинг баъзиларида таажжуб, баъзиларида нафрат, баъзиларида эса чиптачига нисбатан ачиниш ҳисси борлигини англаш қийин эмас эди. Агар чиптачи «қария» сўзи ўрнига ота ёки отахон деб мурожаат қилганида-чи?! Албатта, нафратли қарашлар ўрнини меҳрли нигоҳлар эгаллаган бўлар эди.


Гарчи бу тарзда атрофдагиларга муомалада бўлиш баъзи ёшлар учун замонавийлашиш ёки кимгадир тақлид қилиш бўлиб кўринса-да, аслида сизни тинглаётган инсонга нисбатан ҳурматсизлик саналади.

Бундан ташқари муомала маданиятининг шаклланганлиги нафақат атрофингиздагилар учун, балки ўзингиз учун ҳам фойдали эканлигини унутмаслик даркор. Ахир дўст орттираман десанг – ширин суҳбат қил, душман орттираман десанг – чақиртикан бўл, деб бекорга айтишмайди-ку.

**Фирдавс САИДОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

Тавсиянома – муҳим имтиёз

# ЯНА ЗАФАРГА ИНТИЛИБ



**Сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, она Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш ҳар бир юрт ўғлонининг муқаддас бурчидир. Ана шундай шарафли вазифага муносиб топилиш ва миллий армиямиз посбони деган юксак номга эга бўлиш ҳар бир эр йигитнинг кўксида чексиз ғурур-ифтихор уйғотади.**

Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сабаб, армияга муносабат тубдан ўзгарди. Президентимиз айтганидек, ҳарбий хизмат юртимизда борган сари обрў-эътиборли, ҳавас қилса арзигулик соҳага айланиб бормоқда. Посбонларимиз учун белгиланган имтиёзу имкониятлар эса шарафли соҳанинг нуфузи ва эътибори янада ошишига олиб келмоқда. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни адо этиш баробарида катта ҳаёт остонасида турган ёшлар ижтимоий-сиёсий, жанговар, жисмоний ва ҳаётий билимларни пухта ўзлаштираётганликлари, яхши хизмат қилганлар ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномага сазовор бўлиб институтга ўқишга кираётганда энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл олишга муяссар бўлаётгани, бир сўз билан айтганда, ўз келажакларига мустаҳкам тамал тоши қўяётганликлари тенгдошларимизда шарафли соҳага яна ҳам кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда.

Имтиёзлар ичида айниқса, ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсиянома алоҳида ўрин тутади. Чунки бугун унга эга бўлган кўпчилик ёшларимиз талаба бўлиш бахтига эришмоқда. Ўзбекистон миллий университетининг фалсафа факультети талабаси Қудрат Аҳмедов ҳам ана шундай омадли ва етук шунқорлардан.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Қудрат хизматнинг илк кунлариданоқ ўзининг намунали хулқи, тиришқоқлиги, топшириқларни ўз вақтида ва сифатли тарзда уддалаши билан командир ва бошлиқларнинг эътиборига тушганди. Шу тариқа у қайноқ жанговар ҳаётда чиниқди, билим ва малакаси ҳар томонлама ўсди. Ўзига ишончи ортди, мустақил фикрлаш қобилияти юксалди. Аъло хулқи ва ибратли фазилатлари боис бир неча марта мақтовларга сазовор бўлди. Командирлар ҳамиша уни бошқаларга намуна қилиб кўрсатишарди.

Шу тариқа йигитлик бурчини сидқидилдан ўтаган Қудрат хизмати сўнгида белгиланган синовлардан мувафаққият билан ўтиб, олий ўқув юртларига кириш учун бериладиган тавсияномага эга бўлди.

– Армиядан қайтганимдан сўнг Ўзбекистон миллий университетининг фалсафа факультетига имтиҳон топширдим. Талаба бўлишимда ҳарбий хизматда олган тавсияномам муҳим роль ўйнади. Шу билан бир қаторда, тавсияномам ўқиш жараёнида ҳам менга катта масъулият юкламоқда. Шу сабабдан бемалол айта оламанки, мазкур имтиёз нафақат ҳарбий хизматга бўлган қизиқишни, балки ёшлар орасида билим олишга бўлган интилувчанликни ҳам оширмоқда – дейди Қудрат.

Кеча аскар, бугун эса талаба ҳисобланган Қудрат келажакда танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлиб, юртимиз довруғини дунёга таратишда ўз ҳиссасини қўшишни кўзлайди.

**Жамшид САМИЕВ.**

# С РАБОТОЙ ПРОБЛЕМ НЕ БУДЕТ

В Ферганской области уделяется серьезное внимание вопросу трудоустройства солдат, уволенных в запас из рядов Вооруженных Сил.

В Риштанском районе с начала года срочную военную службу прошел 131 парень. Двадцать из них на основе Рекомендации командования воинской части поступили в различные высшие учебные заведения.

Районным центром содействия занятости к настоящему времени работой обеспечены свыше 80 молодых людей.

Житель кишлака Кургонча Адхамжон Исламов после возвращения из армии устроился по специальности на работу в школу №12. Сегодня Адхамжон, благодаря своему трудолюбию и чувству ответственности, завоевывает уважение в коллективе.

– Парни, которые отслужили в армии, отличаются дисциплинированностью и трудолюбием, – сказал директор районного Центра содействия занятости Мухторжон Махкамов, – поэтому они не испытывают трудностей с трудоустройством.

**М.СУЛЕЙМАНОВ, корр. УзА.**

2007 год – Год социальной защиты

# СТИПЕНДИИ ДЛЯ ОДАРЕННЫХ СТУДЕНТОВ

В столице состоялось награждение победителей программы «Стипендии для одаренных студентов», учрежденной Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

Участники мероприятия – преподаватели высших учебных заведений, ответственные работники сферы образования, студенческая молодежь – сначала посетили площадь Мустакиллик и возложили цветы к подножию монумента Независимости и гуманизма, являющегося символом нашей свободы, светлого будущего и благородных устремлений.

Первый заместитель министра высшего и среднего специального образования А. Парпиев особо отметил, что в нашей стране одним из приоритетных направлений политики руководителя государства Ислама Каримова является предоставление молодежи возможности получать глубокие знания, воспитание здорового и гармонично развитого поколения. Этим целям служат реформы, последовательно проводимые в сфере образования на основе принятых по инициативе руководителя государства Национальной программы по подготовке кадров, Закона «Об образовании» и других документов.

В целях поддержки, стимулирования студентов, направления их к новым изысканиям Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан проводится целый ряд образовательных проектов. В рамках Государственной программы «Год социальной защиты» Министерством уделяется особое внимание материальной и моральной поддержке малообеспеченных, нуждающихся в помощи студентов.

В конкурсе программы «Стипендии для одаренных студентов» приняли активное участие более трехсот молодых людей из вузов Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента. При определении победителей внимание уделялось таким качествам студентов, как интерес к выбранной профессии, целеустремленность, самоотверженность, социальное положение. Победителями признаны шестьдесят шесть студентов.

– Я очень рада, что стала победительницей программы, – сказала студентка факультета изобразительного искусства и музыкального образования Бухарского государственного университета Дилнавоз Зоирова. – Такое внимание призывает нас быть еще более активными, оправдывать оказанное доверие, использовать полученные в вузе знания для процветания Родины.

– В основе проводимой в стране работы заложена забота о будущем молодежи, ее перспективах, – сказал студент филологического факультета Андижанского государственного университета Эркин Камбаров. – Наш долг – быть достойными сыновьями независимости, Родины, народа, ценить заботу и внимание.

Победителям программы «Стипендии для одаренных студентов» были вручены сертификаты.

Мероприятие завершилось большой концертной программой с участием мастеров искусств и творческой молодежи.

**Назокат УСМАНОВА, корр. УзА.**




Феруза Раҳмонқулова Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 3-курс талабаси. У мактаб давридан бошлаб вилоят миқёсида бўлиб ўтадиган турли кўрик-танлов ва фан олимпиадаларида фаол қатнашиб келган. Шу билан бирга Сурхондарё вилоят телевидениесида ёшлар учун мўлжалланган кўрсатувларни олиб борган. Ҳозир ҳам ана шу фаоллигини сусайтирмаган ҳолда университет жамоат ишларида ва вилоят, республика матбуоти саҳифаларида ўзининг миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғлиқ мақолалари билан қатнашиб келади. Бўш вақтларида китоб ўқишни ва ўзбек миллий мақомларини ижро этишни яхши кўради. Ферузанинг орзуси ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида матбуот соҳасида хизмат қилиш.

# БОЛАЛАР УЧУН

Тошкентда бўлиб ўтган «ICTExpo-2007» ахборот технологиялари миллий кўргазмасида «Ахборот технологиялари – болаларга» тадбири ҳам ўтказилди. Бунинг натижасида кўргазмада иштирок этган компаниялар таълим жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон IT-ассоциацияси даъватига биноан пойтахтимиздаги қатор муассасаларга техник ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциациясида болалар муассасаларига совғаларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги 21, 22-болалар меҳрибонлик уйлари, 2-мактаб-интернат, 31, 69, 231-мактаблар, «SOS–Ўзбекистон болалар маҳаллалари»га компьютерлар, принтерлар, сканерлар, кўплаб ишларни бажаришга мўлжалланган мосламалар топширилди. Ушбу хайрли тадбирда Agata Impex, Balk Technologies, Beeline, Intelligent Solutions, I–teco Tashkent, Sharifa–T, USD каби компаниялар иштирок этди.

**(ЎзА).**

# ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Қизларга нисбатан биринчи бўлиб «назокат», «дилбарлик» сўзлари ишлатилади. Айнан шу сўзларда қизу аёлларга хос хулқ, ахлоқ, одоб акс этади. Қиз боланинг юриш-туриш, гап-сўзи назокатли, дилбар бўлсин. Қизларга ортиқча ҳаракат, қўпол қўл силташлар ярашмайди. Назокат, дилбарлик деганда мулойимлик, нозик хатти-ҳаракат, юмшоқлик тушунилади. Қаттиқ гапириш, қаттиқ кулиш, қўлларни силтаб, ҳаммани ўзига қаратиб туриш назокатдан йироқдир. Дарҳақиқат, тили ширин, чеҳраси гулгун қизу аёллар ўз оиласининг бахту саодати, ота-онасининг фахригина бўлиб қолмай, ўз элининг кўрки ҳамдир.

Бешикдан қабргача илм изла

# БИР СИҚИМ ВАТАН ТУПРОҒИ

Ҳар нарсага қизиқувчанлик, билим олишга интилувчанлик инсон табиатига хос жиҳат. У англашга, ўрганишга, тушунишга, мазмун-моҳиятига етишга ҳаракат қилади. Шоирлардан бири «Ҳар нарсанинг моҳиятига етмоқ истайман», деган экан. Инсонга хос айнан ана шу хусусият жамият тараққиётининг асосидир. Замонавий илм-фан эса инсоннинг кўп асрлик билим орттиришга интилиш фаолияти натижасидир. Бу жараёнга кўплаб аждодларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшганликлари бугунги кунда дунё аҳлига маълум ҳақиқат.

Масалан, Толиб ибн Зокир ат-Шоший (798-879 й.) билим олишга шунчалик интилувчан бўлганки, Бағдод шаҳрида «Донишмандлик уйи» борлигидан хабар топиб, Тошкентдан аббосийлар халифалиги пойтахтига пиёда йўл олган. Эсон-омон етиб келган ёш йигит бу ерда математика, фалакиётшунослик ва бошқа фанларни катта қизиқиш билан ўрганди. У Дамашқда обсерватория қурилиши ишларида фаол иштирок этиб, Тошкентда ҳам шундай иншоот қуриш ҳақида орзу қилади.

Аммо тақдир тақозоси билан Толиб ибн Зокир ҳаётининг сўнгги кунларигача ўша юртларда қолиб кетади. Ўз Ватанини, туғилиб ўсган гўшасини доимо эслаб, бирон киши она ер тупроғидан бир сиқимгина олиб келишини орзу қилиб, армон билан ўтади.

Тарих зарварақларидан муносиб ўрин эгаллаган яна бир аллома Абу Бакр ат-Шошийдир (903-976 й.). У зиёли, ўқимишли кишилар оиласида, ислом маданияти минтақада кўпчилик аҳоли томонидан тан олинган, эътироф этилган, исломнинг инсонпарварлик ғоялари маҳаллий халқ анъаналари ва урф-одатлари билан уйғунлашиб кетган даврларда дунёга келган. Ат-Шоший – ҳуқуқшунослик ва мантиқ илми бўйича қатор асарлар муаллифи. Унинг ҳақгўйлик, адолат, давлат хизматчилари ва умуман, барча фуқароларнинг беғаразлиги, холислиги каби тушунчаларга асосланган «Қозилар ахлоқи», «Мунозара қоидалари», «Шева гўзаллиги» каби фалсафий асарлари мусулмон дунёсида катта эътиборга сазовор бўлган. Бу асарларда кишиларнинг одоб-ахлоқи масалаларига кенг ўрин берилган.

Юқори ҳурматга эга дин арбоби бўлган ат-Шоший ҳунарманд-косиб сифатида меҳнат қилиб, кун кечирган. Манбалардан маълум бўлишича, ат-Шоший кўплаб ҳадислар билимдони, тилшунос, шоир бўлган.

Шарофуддин Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илакий (982-1068 й.) Абу Али ибн Синонинг энг яқин издошлари қаторига киради. Бухоро ва Хоразмда илм олиб юрган кезларида у ўз устозидан кўп нарсаларни ўрганди. Унинг «Касалликлар сабаблари ва белгилари ҳақидаги китоби», «Илакий муолажалари», «Илакийнинг умумий тиббий масалалар китоби» каби асарлари Марказий Осиёдан узоқдаги мамлакатларда ҳам эътиборга сазовор бўлган ва улардан кенг фойдаланилган. Масалан, XIX асрда яшаган ҳинд табиби Муҳаммад Аъзамхон ўзининг беш жилдли «Аъзам малҳами» номли тиббиёт энциклопедиясида ибн Сино ва Илакий асарларига кўп мурожаат қилганлигини таъкидлаган.

Бундай мисолларни ўша даврлардаги ва кейинги вақтлардаги йилномалар ҳамда бошқа манбалардан кўплаб топиш мумкин. 2000–2006 йилда чиқарилган Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашрларидан ўлкамизда ва ўзга юртларда фаолият юритган кўплаб фан ва маданият арбоблари бўлган юртдошларимиз ҳақида турли маълумотлар олишимиз мумкин. Ушбу маълумотлар жонажон Ватанимиз тарихини чуқурроқ ўрганишимизда, англашимизда бизга катта ёрдам беради.

**М.САЙДИВАЛИЕВ**

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН**
Вы сможете выгодно представить ваши деловые качества. Способность мечтать и воплощать свои мечты в жизнь поможет справиться с любыми препятствиями. Вам потребуется точность, методичность и дисциплина.

**ТЕЛЕЦ**
Эта неделя будет протекать без особых осложнений. Подумайте о расширении своих возможностей – обучение новой специальности даст шанс устроиться на более высокооплачиваемую работу. Проблемы лучше решать сразу.

**БЛИЗНЕЦЫ**
Не стоит излишне себя перегружать общением. В домашних делах берите инициативу на себя. Вам будут удаваться такие непростые дела, как поиски жилья, ремонт собственной квартиры.

**РАК**
Вам необходимо остановиться и задуматься над тем, что же вы делаете. В профессиональных делах вероятны резкие изменения. Эта неделя может привести к возобновлению некоторых партнерских отношений.

**ЛЕВ**
Больше внимания уделяйте профессиональным обязанностям. Не стоит торопиться с заключением новых договоров. Вы можете оказаться перед выбором нового этапа в своей карьере. Не доводите себя до переутомления.

**ДЕВА**
Время способствует решению трудовых проблем, вы сможете справиться или почти справиться со всеми проблемами. Если вы задумали поменять работу, то осуществляйте свои замыслы. Полагайтесь на свою интуицию.

**ВЕСЫ**
Вы легки на подъем, решительны, энергичны? Эти качества являются залогом успеха. Используйте проверенные методы для достижения целей. Благополучно уладятся бумажные дела. Планы должны быть конкретными.

**СКОРПИОН**
Для успешного продвижения вперед необходимо проявить активность и внутренне сосредоточиться. Успех в делах будет проявляться медленно, но основательно. Вокруг вас могут кипеть настоящие страсти: будьте благоразумнее.

**СТРЕЛЕЦ**
Будьте мудрее при решении проблем дома и на работе. Осмотрительность тоже не повредит. Постарайтесь реализовать свои идеи. Уделите достаточно времени своему духовному развитию. Не переусердствуйте с оригинальностью.

**КОЗЕРОГ**
Настал хороший момент для реализации дела, которое давно у вас не получалось. Сделайте решительный шаг вперед – и вы почувствуете уверенность в собственных силах. Вы можете обрести надежных союзников в важном деле.


**ВОДОЛЕЙ**
Сильно расширится ваш круг общения. Большое значение может приобрести учеба и овладение всевозможными навыками. Будьте внимательнее и не принимайте важных решений. Вам следует быть рядом с тем, кого вы любите.

**РЫБЫ**
Появятся новые деловые партнеры и покровители. Удача будет сопутствовать вам в делах. Вы справитесь со сложными задачами. Вполне реальны проблемы с пожилыми родителями, а также визит кого-то из родственников.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

АФЗАЛ РАФИҚОВ

# ОВОЗИДА МИНГ БИР ОҲАНГ МУЖАССАМ



Бугунги ўзбек киносининг дубляжида кўпчиликка таниш ва ўз ўрнида ёқимли овоз соҳиби истеъдодли актёр, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовнинг муносиб ҳиссаси бор. У томонидан яратилган ва яратилаётган ҳар бир қаҳрамон характери томошабинлар қалбидан чуқур жой олади. Лотин Америкаси киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Морена Клара» сериалини олинг. 137 сериядан иборат бўлган мазкур фильмда юз нафарга яқин турли хилдаги образларни кўришингиз мумкин. Лекин ушбу сериалга икки нафар актёр овоз берган, деса кўпчилик шубҳаланиши табиий. Аслида ҳам шундай. Сериалдаги барча аёлларга Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Исмоилова овоз берган бўлса, Афзал Рафиқов барча эркак қаҳрамонларга овоз берган. Лекин сериални томоша қилиб турли қаҳрамонларнинг ўзига хос бир-бирига ўхшамаган овозларини тинглар эканмиз, актёрларимизнинг маҳоратига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Яна бир мисол. Шотландия озодлиги ҳаракати ҳақидаги «Шерюрак» фильмини олинг. Ундаги бош қаҳрамон Мел Гибсон талқин қилган асосий образдан ташқари юз нафардан ортиқ аёл ва эркак актёрлар гуруҳига биргина киши овоз бергани балки сизга қизиқ туюлар. Ҳа, истеъдодли актёр Афзал Рафиқов ушбу фильмга шу қадар профессионаллик билан овоз берганки, ҳатто сиз фарқини англолмайсиз ҳам. Ўзбек дубляж мактабида режиссёр София Имомқулова билан бир қаторда таниқли актёрлар – Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамроев, Асад Алимуҳаммедов, Обид Юнусов, Ҳожиакбар Нурматов, Омон Абдураззоқов ҳамда Ёқуб Аҳмедов каби санъат дарғаларидан овоз бериш сирларини ўрганган Афзал Рафиқовнинг бугунги кунда кўплаб фильмлардаги профессионал иштирокини кўришимиз мумкин. У фаолияти давомида мингта яқин бадиий фильм ҳамда йигирмадан ортиқ телесериаллардаги турли қаҳрамонларга овоз берганлиги ҳам унинг ижоди серқирра эканлигини кўрсатади.

**– Афзал ака, санъатга меҳр қўйишингизда оилангиздаги муҳитнинг ҳам таъсири бўлганми?**

– Албатта менинг санъат соҳасида фаолият юритишимда асосий замин оиладан бошланган. Ҳозир болалик хотираларимни ёдга оладиган бўлсам, ўша кезлари холаларим ва тоғаларим қачонки уйга келишса, дутор чертиб, миллий қўшиқлардан куйлашарди. Бундай пайтда дадам ҳам ғижжак чалиб уларга жўр бўларди. Уйимизда қўшиқ хиргойи қилган инсонларнинг бирортаси ҳам профессионал санъаткорлар бўлишмасада, санъатга ошуфталик уларни бир жойга жам қиларди. Ёшлигимдан мана шундай инсонлар қуршовида улғайганлигим боис, мени ҳам ички бир туйғу санъат сари етакларди. Шу сабабдан бўлса керак, ҳатто еттинчи синфга қадар мусиқага ихтисослашган мактабда таҳсил олдим. Лекин келажакда актёр сифатида фаолият юритишни сира тасаввур ҳам қилмаганман. Мактабни тугатгач, бир куни газетада Театр ва рассомчилик (ҳозирги Санъат) тутига актёрликка қизиққан ёшларни таклиф қилишаётганлиги ҳақидаги эълонни ўқиб ўзимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Аввалига ота-онам қарши бўлишган. Ниятим қатъийлигини билишгач, кейин ўзимга қўйиб беришди. Икки йил омадсизликдан кейин учинчи йили талабалик бахтига муяссар бўлдим. Шунда ҳам сиртқи бўлимга. Энди мен актёрлик маҳоратини қандай қилиб ўрганаман, дея дадамга мурожаат қилганимда, у киши мени Ҳамза номидаги академик драма (Ўзбек миллий) театрга олиб борди. Шундай қилиб, саҳна ишчиси бўлиб театрдаги илк фаолиятимни бошладим.

**– Кинода роль ижро этишга қизиқмаганмисиз?**

– Кино санъатининг ўзига хос талаблари бор. Чунки унда актёрнинг юз тузилиши биринчи ўринда туради. Ўзбек киноси бўлгандан кейин кадрдаги чеҳралар ҳам ўзбекона бўлиши керак. Менинг ташқи кўринишим эса ўзбекка эмас, кўпроқ европаликка ўхшайди. Лекин кадр ортидаги фаолиятим менга кўпроқ муваффақият келтирди.

**– Дубляждаги фаолиятингиз тасодиф эмас эканда?**

– Йўқ. 1968 йили «Ўзбекфильм» киностудиясида бир йил киномеханик бўлиб ишлаганман. Ўшанда бир куни дубляжда ёш йигитнинг овози керак бўлиб қолган. Шунда режиссёр «сен ўзбекчани биласан-а? Кел, икки жумла сўз айтгин!» дея овоз ёзиш хонасига олиб кирган. Қайси фильм эканлиги аниқ эсимда йўқ. Ўша ерда «Хўб бўлади, жаноб капитан» деган жумлани айтиб, эпизоддаги қаҳрамонга овоз берганман. Институтни тугатгач эса ушбу студияга актёр сифатида қайтиб келганман. Шунда ҳам беш йил давомида оммавий саҳналар учун овоз бериб, тажриба орттирганман. Бош қаҳрамонларга эса дастлаб 1980 йилдан бошлаб овоз бера бошлаганман.

**– Ўзбек дубляжининг бугунига қандай баҳо берасиз?**

– Биласизми, овоз бериш санъати актёрдан ниҳоятда катта меҳнатни талаб қилади. Актёрнинг фильмдаги қаҳрамонига овози тушишидан ташқари унинг дарди ва ички кечинмаларини ҳис қила олиши лозим. Бугун экранда кўраётган фильмларингизни диққат билан томоша қилсангиз, овознинг синхрон ёзилмаганлигини осонгина пайқаб олишингиз мумкин. Бу эса овоз бериш студиясининг камчилиги. Чунки профессионал дубляжда фильм қаҳрамонининг лабларининг ҳаракати билан овози мос тушиши лозим. Тўғри, кичкина телевизион аппаратурада бу ҳолатни маромига келтириш ниҳоятда мушкул. Профессионал ишлаш учун эса катта экран керак. Бугун телевидениеда қилинаётган ишлар кадр ортидан синхрон таржима. Унинг мақсади эса фильмни кўраётганда томошабинга халал бермаслик, деб таъкидласак тўғрироқ бўлади. Дубляжда эса аксинча, у ерда ролни сиз қайта яратасиз. Чунки қаҳрамоннинг оригинал овози бутунлай олиб ташланади. Фильм қаҳрамони билан яккама-якка қолган актёр унинг тўла ҳолатига кириши керак. Чунки уни кўраётган томошабин сизга тўла ишониши лозим. Аввалги яратилган фильмларнинг оригинали билан ўзбекчага таржима қилинган вариантини кузатсангиз, дубляжнинг сифатли қилингани яққол кўзга ташланади. Кўп ҳолларда эса оригиналдан ҳам яхшироқ чиққан. Ҳатто буни кўрган хорижлик актёрлар ўзига шу қадар мос овоз ёзилганини кўриб ҳайратланган пайтлари ҳам бўлган. Чунки ўша пайтда ҳақиқий профессионал актёрлар дубляжга жалб қилинган. Абдулла Қаҳҳор, Туроб Тўлаев сингари маҳоратли таржимонлар, дубляж режиссёрлари ҳамда истеъдодли актёрлар – мана шу учлик ўзбек дубляж мактабининг яратилишига сабаб бўлган.

Айни пайтда Равиль Ботировнинг «Жаннат қайдадир» номли картинасида бош қаҳрамон сифатида суратга тушаётган актёр рус академик драма театрида янги спектаклда роль ижро этиш билан бирга яна телевидениедаги овоз ёзиш студиясида ҳам фаолият юритиб келаётир. Ўзбек санъатини юксалтириш йўлида тинимсиз изланаётган халқимиз ардоғидаги артист Афзал Рафиқовнинг ижоди янада ривож топишини тилаб қоламиз.

**Комилжон ҲАСАНОВ.**

16


## Қўшиқларда Ватан мадҳи

Ҳар қандай яхши шеър инсон руҳиятини кўтариб, юракка ажиб бир илиқлик олиб киради. Айниқса, у она Ватан – киндик қонимиз томган юртни мадҳ этса, қалбимиздаги ана шу заминга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтиради. Шоир Муҳиддин Омоннинг мазкур шеърида ҳам шу муқаддас туйғу тараннум этилади.

## ЎЗБЕКИСТОН

Чаманимсан, ифорингга тўйиб бўлмас,
Дийдорингни қиёматга қўйиб бўлмас,
Мингта жаннат боғидан ҳам сен муқаддас,
Мангу сўлмас баҳоримсан, Ўзбекистон,
Бахти кулган диёримсан, Ўзбекистон!

Сен мусаффо ҳам мунаввар осмонимсан,
Боболардан мерос шонли достонимсан.
Онамдек меҳрибон, озурда жонимсан,
Бағри қайноқ, юзи офтоб Ўзбекистон,
Иймони пок, олтиндек соф Ўзбекистон!



Дилдан жўшиб куйлагайман иқболингни,
Байроғингни, юлдузларинг, Ҳилолингни,
Тангрим улуғ қилсин мудом камолингни,
Шарқ маънъали, шаъни комрон Ўзбекистон,
Қадри буюк, қадим Турон – Ўзбекистон!

Гулом КАРИМ

# НАРШАХ ҚАЛЪАСИ

## (тарихий романдан парча)

## ГИРДАКНИНГ ЖАСОРАТИ

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

Саҳро осмонининг бир чеккасида тўлин ой тун салқинидан жунжиккандек оқ ўтов тикиб олган. Ундабунда қаққайган саксовуллар титроқ ой шуъласида қорайиб кўринади. Чўл шамоли қумтепаларни ялаб увиллайди.

Тиш-тирноғигача қуролланган юзлаб отлиқлар кучли довулдек чўл бағрини ёриб, елиб боришмоқда. Улар на ютаман деб ҳувиллаб турган чўлни, на юзкўзларига қум зарраларини келтириб ураётган тун шамолини писанд қилишади. Шувоқ, янтоқ, қуврайларнинг қуруқ поялари от туёқлари остида чирсиллаб синади. Қаршиларидан қоядай улкан барханлар чиқканда, чавандозлар отларни аяб, тикка ошмай, айланиб ўтишарди. Улар тонг ёришганда қумлик ичига чиқиб олишган. Йўлдаги қишлоқларни четлаб ўтишди. Кундузи ёв пайқамаслиги учун фақат барханлар оралаб юришди. Бухоро-Варахша йўлини, айниқса, эҳтиёткорлик билан кесиб ўтишди. Чунки бу йўлнинг ҳар жой-ҳар жойида қоровулхоналар бўлиб, бундан ташқари чопар ва йўловчиларга йўлиқиб қолиш ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шу боис Гирдак айланишга эринмасдан, ўз бўлукини йўлнинг Бухорхудот соқчилари турган қисмидан олиб ўтди. Ҳамиша сергак отлиқ қоровуллар уларни пайқашди. Лекин йўлларини тўсиш ё қувишга ҳеч бир ҳаракат қилмадилар. Гирдак соқчиларнинг баланд тепаликлар ва қоровулхона минорасига чиқиб, ўзларини гўё томоша қилаётгандай кузатиб қолганларини кўрса-да, кўнглига ҳеч қандай шубҳа ораламади. Бу қоровуллар хабарни Бухорога эмас, Варахшага етказишади. Варахша томонидан эса исёнчилар ўзларига бирон хавф-хатар таҳдид этмаслигини билардилар. Пешин пайти чўл ичкарисида тўхтаб, қалин ўсган саксовуллар тагида дам олишди. Қоронғи тушгач, яна йўлга тушишди. Бўлук олдида чўлни яхши биладиган ва олдин шу атрофда чўпонлик қилган отлиқлар борарди. Гирдак ўзи ҳам йўлдан адашмаслик учун дам-бадам осмонга қараб, Темир қозуқ юлдузи[1] доим ўнг ягрини ортида бўлишига эътибор берарди.

Тун бўйи чўл оралаб йўл босишди. Ора-сира тўхтаб, чарчаган отларга дам беришарди. Машриқ уфқи оқариб, атроф ёриша бошлаганда ёнбош томонда Пайканд харобалари кўринди. Гирдак тўхташни буюрди. Сувлиқлари кўпикланган отлар ҳансирар, сағриси ва парқинида маржондек тер доналари ялтирар, тумшуғи ва бурун парракларидан иссиқ ҳовур кўтариларди. Тунда Пайканд остонасидаги қишлоқлардан бирига қўнган карвондан ўзиб кетишди. Тонг отгач, карвон ҳам тунлокдан кўзғалиб, Пайканд сари йўл олгандир. Бийик тепаликда, оппоқ қуёш нурларига чўмилиб, ястаниб ётган қалъа вайроналарига назар ташлар экан, Гирдакнинг кўнглини маҳзун ўй-хаёллар чулғади:

– Қани бу шаҳарнинг кечмиш улуғворлиги ва сершовқин, жўшқин ҳаёти? Ахир бир замонлар тонг пайтида унинг муаззам дарвозалари олдида узоқ ўлкалардан келган ўнлаб чўнг ва дароз карвонлар тизилиб турмаганми? Магар шаҳарнинг ичи-ташидаги работ ва карвонсаройлар бу кўҳна савдо марказини зиёрат қилишга келган савдогар ва сайёҳлар билан гавжум бўлмаганми? Ёки моҳир усталар қурган қувурлар орқали Зарафшон суви баландга кўтарилиб, ҳар томонга тизилиб кетган ариқлардан атроф далаларга таралмаганми? Ўрим-йиғим даврида олтиндай товланган буғдойзорларда ўроқчи йигитларнинг шўх ва шодон қўшиқлари, лолаюз қизларнинг ёқимли ва жарангдор кулгуси янграмаганми?

Қани улар, қаерга ғойиб бўлишди? Қандай ёвуз куч шундай шодиёна ҳаёт гулшанини буткул сўлдириди. Гуллаб-яшнаган саховатли замин қандай мудҳиш офат таъсирида ташландиқ ҳолга келиб, қум остида қолиб кетди.

Пайканд фотиҳлар ҳужумига қадар Самарқанд ва Бухоро билан рақобатлашадиган йирик савдо шаҳри эди. Унинг тожирлари Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Сурия, Хазар, Булғор мамлакатларига бориб савдосотиқ қиларди. Қутайба узоқ қаршиликдан сўнг шаҳарни забт этди. Талаб олинган саноқсиз бойликлардан саркардаларнинг сандиқларию аскарларнинг хуржунлари тўлиб тошди. Қутайба Пайкандни ортда қолдириб, Бухоро устига юрганда, шаҳарда исён кўтарилди. Исёнчилар ноибни ўлдиришди. Қутайба ярим йўлдан қайтишга мажбур бўлди. Фотиҳ Мовароуннаҳр дарвозаси бўлган бу муаззам шаҳар ҳаёт экан, ўлка ичкарисига киришга жиддий тўсиқ эканини англади. У шаҳарни ер юзидан йўқотишга қарор қилди. Дастлаб дарё сувини юқорига чиқарадиган иншоотларни буздириб, Пайканднинг ҳаёт томирларини қирқди. Сўнгра ҳоким қасри ва қалъа деворидан бошлаб, савдогарлар ва ҳунармандлар маҳаллаларидаги пахса деворли уйларгача вайрон этилди. Омон қолган аҳоли қулликка ҳайдаб кетилди. Бўйсунмас шаҳардан шундай қасос олинди.

Эндиликдаэса шаҳарнинг бир бурчагида бир сиқим аҳоли ғарибона ҳаёт кечирарди. Гирдак асли шу атрофлик ўн йигитни ажратди.

– Сизлар киши билмас Пайкандга киринглар. Харобалар орасидан пинҳона карвонни кузатинг. Соқчилар қай миқдорда ва қай тарзда келаётганига зеҳн солинглар. Аларнинг катта қисми Пайканд ёнидан ортга қайтмоғи лозим: шунга айниқса, диққат қилинглар. Биз Қоракўл ёнида пойлаб турамиз.

Отлиқлар йўлда давом этишди. Қуёш нури уларга чап қўл тарафдан тушар, ўнг томонда узун соялари липиллаб, тепаликларга сургалганча эргашиб борарди. Пайканддан Жайҳун соҳилидаги Форобга борадиган йўл бўйлаб кўҳна работлар харобалари тизилиб кетган. Асли савдогар, сайёҳ ва йўловчилар қўналғаси бўлмиш бу масканлар эндиликда бойқушлар ошёнига айланган. Гирдак йўлни кузатишга қулай баъзи работларга ҳам икки-учтадан пойлоқчилар юборди. Бўлук тушга яқин Қоракўл бўйига етиб келди. Қуёш юксалиб, соялар кичрайган, от туёқлари тагига келиб қолган эди.

Улкан кўл сатҳи майин жимирлайди. Қоракўлга бошқа майдароқ кўллар туташган, гоҳ қорамтир, гоҳ кўкиш ва зангори тусга кириб товланаётган кўл мовий осмон сингари тубсиз туюлади. Ўрнини булутларга бўшатишга шошмаётган қуёш кўлни қуршаб олган олтин тусли қамишзорларни заррин нурларига ғарқ қилган, гўё еру кўк нур ришталари билан чирмаб ташлангандек. Қамишларнинг момиқ попилдириқлари енгил шабадада ҳилпиллаб, ингичка ва чўзиқ таналари тебраниб, ҳазин нола қилади. Суворийлар беихтиёр ажиб манзарага маҳлиё бўлиб қолишди. Фақат дилтортар ва ёқимли куйгина одамни бу қадар сеҳрламоғи мумкин. Ғоз, ўрдак, қашқалдоқ сингари сув қушлари отлиқлар яқинлашганда қағиллаб, гала-гала бўлиб осмонга кўтарилишади. Қиш яқинлигидан улар тўда-тўда бўлиб, жануб томон учиб кетмоқда эди. Қоракўл уларнинг сафар пайтида дам ростлайдиган катта қўналғаларидан бири. Семиз парранда-ларнинг кўлда ғуж-ғуж бўлиб сузиши, пастлаб парвоз қилишини кўрган йигитларнинг кўзи ўйнар, қўйиб берса, улар ўқ-ёй билан овга киришиб кетар эдилар. Лекин Гирдак, ҳозир шикор мавриди эмас, деб рухсат бермади. Хуржунларидаги жўнгина егуликларни олиб, тамадди қилишди, сув ичишди, отларни совутиб суғоришди ва ем тўрваларини бўйнига илиб қўйишди.



Тиш-тирноғигача қуролланган ва жанговар тажрибаси устун ёв билан очиқ майдонда жанг қилиш мушкул лигини Гирдак англарди. Бироқ кўл атрофи пистирма учун қулай. Улар отланиб кўлни ярим чақирим ортда қолдиришди. Гирдак бир қисм қилич, найза ва чўқморлар билан қуролланган йигитларни йўлнинг нариги тарафидаги тўп-тўп қамишзор орасига пистирмага қўйди. Улар душманнинг олд қисмини монесиз ўтказиб, асосий куч жамланган орқадаги тўпига ҳамла қилишлари керак эди. Жинғил аралаш қамиш ва қўғалар айниқса қалин ўсган жойларда, йўлнинг ҳар икки томонига ёйандозлар қўйилди. Улар ўқ-ёй билан соқчиларни нишонга олишлари, улар сафини пароканда қилгач, карвонга ёпирилиб ҳужум қилиши керак. Гирдак ўзи етмиш чоғли отлиқ билан олдинроқдаги, кўлга яқин улкан бархан панасига беркинди. У отдан тушиб, тепалик ёнбошидаги шохлари тарвақайлаган саксовул панасида оти жиловидан ушлаб турарди. Гирдакнинг бутун вужуди кўз ва қулоққа айланиб, нигоҳи кафтдагидек кўриниб турган йўлга қадалган. Пастроқда жойлашган йигитлар ундан кўз узмай, сардорнинг ҳар бир ишорасига шай бўлиб туришарди.

Қумлоқ йўл кимсасиз бўлиб, дайди шамол чўл гиёҳларининг қуруқ гул ва шохларини чирпирак қилиб учирар, йўл бўйлаб анча жойгача думалатиб борарди. Йўлда чанг кўтарилди. Пайкандда қолдирилган отлиқлар бедовларини елдириб келишди. Улар карвон Пайканд ёнида бир муддат қўниб, яна қўзғалганини, катта қўшин орқага қайтганини айтишди. Гирдакнинг ғубор инган юзида табассум жилва қилди.

– Ўзингга шукр, тангрим,– дея енгил тин олди у. – Бари Бухорхудот айтганидек кечаётир. Бекорга келмаганимиз рост бўлсин.

Бирин-кетин работларда қолдирилган пойлоқчилар етиб келди. Маълумотлар бир-бирини тўлдириб, араб қўшинининг ҳолати ойдинлашди. Қўшин карвон бўйлаб чўзилган: йирик тўплар олдинда ва орқада, қолгани бандилар карвонининг ён томонларида келмоқда. Гирдак отларнинг тумшуғини латта билан танғиб боғлашни буюрди: токим, душман отлари яқинлашгач, ҳамжинсларини сезиб, кишнаб, пистирма фош бўлиб қолмасин. Тўқнашув яқинлигини сезиб, ҳаяжондан сардорнинг юраги дук-дук урди. Деҳқон хонадонида туғилган Гирдак замона зайли билан саркарда даражасига кўтарилди. Олишувдан олишувга, жангдан жангга интилади. Лекин хунрезлик ва қирпичоқ сўғишларга ҳамон кўника олмаяпти. Ҳар тўқнашув олдидан аъзои бадани жунбушга келиб, юраги шубҳа, ҳаяжон, умид оғушида баайни қафасдаги қушдек питирлайди.

**(Давоми бор).**

Ўзбек киноси

# ИККИ ҚИЁФАДА БИР ОДАМ

"Наво медияфильм" студиясининг маҳсулоти бўлган "Ниқоб" фильмининг премьераси яқинда республика киночилар уйида бўлиб ўтди. Тўғрисини тан олиш керак, ушбу картина реклама қилингандан кейин кўпчилик киноишқибозларининг қизиқишига сабаб бўлгани айни ҳақиқатдир. «Ниқоб» картинаси эксцентрик комедия жанрида суратга олинган бўлиб, унда ёш санъаткорлар Жамила Ганиева, Шароф Муқимовлар билан бирга ўзбек киносининг тажрибали актёрлари Клара Жалилова, Мурод Ражабов ҳамда Мелс Афзаловларни ўзига хос янги қиёфаларда кўриш мумкин. Миллий кино саноатимизда янгилик сифатида эътироф этилаётган бу фильмда хилма-хил воқеалар ривожи ҳам ҳар қандай томошабиннинг диққат-эътиборини ўзига тортиши табиий. Айниқса, Ҳасан-Ҳусан қиёфасини гавдалантирган ёш эстрада хонандаси Шароф Муқимов ижодий иши кино мутахассислари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

– Бу фильмга таклиф қилишганда аввалига бироз чўчидим, - дейди Шароф Муқимов. – Чунки битта картинада икки хил қаҳрамон образини яратиш керак эди. Қолаверса, улар икки хил характердаги одамлар. Бириси анча жиддий, мулоҳозакор бўлса, иккинчиси умуман унинг акси. Бурҳон Шаропов билан "Жоним сени ёхуд эгизаклар" картинасида бирга ишлаганим боис ушбу фильмда ҳам суратга тушишга рози бўлдим. Тўғри, киноларда икки одам қиёфасини яратган бир актёрлар маҳоратини кўриб, ҳавас қилгандим. Лекин бу тазлаги ижро анча мураккаб экан. Масалан ҳозир вазмин киши ролини ижро этган бўлсам, бироздан кейин умуман бошқа одам қиёфасини яратиш керак. Бунинг учун эса актёрдан ниҳоятда катта маҳорат талаб қилинади. Мен ҳали киносаноатида у қадар тажрибага эга ҳам эмасман. Фильм режиссёрининг ёрдами билан ўз қаҳрамонларимнинг ички дунёсини қайси маънодадир очиб беришга ҳаракат қилдим.

Режиссёр Бурҳон Шароповнинг мазкур картинасида аввалги фильмларидан фарқли ўлароқ, оилавий муносабатлар, инсоний қадриятлар ва ниҳоят, муҳаббат мавзусига катта аҳамият берилади.

– Бугун суратга олинаётган фильмларимизда ижтимоий мавзуга катта урғу берилаётгани боис, комедия жанридаги картиналарга бироз эҳтиёж сезилмоқда, - дейди фильм режиссёри. – Шу боисдан кино мухлисларига кулги улашиш мақсадида "Ниқоб" фильмини суратга олишга ҳаракат қилдим. Лекин шу пайтда "бош қаҳрамон образига қайси актёрни танласам экан" дея, олдимда катта муаммо турарди. Шунда бир куни олдимга Шароф кириб келди. Аввалига жиддий қиёфада ўз муаммоларини ўртоқлашган суҳбатдошим бироз вақт ўтгач, ҳазил-мутойиба билан хонани тарк этди. Шунда мен излаган актёр айнан шу эканлигини англаб етдим. Профессионал актёр бўлмагани учун бошида анча қийналди. Кўп ўтмай ижодий жамоага киришиб кетган Шароф ўз вазифасини мен кутгандан ҳам кўра мукаммалроқ бажарди. Фильмни кўргач, унинг маҳоратига ўзингиз ҳам баҳо беришингиз мумкин.

Айни пайтда катта экранларда томошабинлар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу картина оддий ҳаётда учрайдиган қизиқарли воқеаларга бойлиги билан ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**Карина ҚУРБОНОВА.**

Выставки

# «МОДА И ТЕКСТИЛЬ – 2007»

**Так называется открывшаяся в Узэкспоцентре четвертая Центральноазиатская международная выставка. Она организована Международной выставочной компанией «ITE Uzbekistan» и компанией «I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd» (Великобритания) совместно с Министерством экономики, Министерством внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан, Государственным комитетом по демонополизации, поддержке конкуренции и предпринимательства, Торгово-промышленной палатой, Государственной акционерной компанией «Узбекенгилсаноат» и хокимиятом города Ташкента.**

На открытии выставки отмечалось, что под руководством Президента Ислама Каримова в текстильной промышленности страны проводятся широкомасштабные и высокоэффективные реформы. Созданная в республике благоприятная инвестиционная среда служит важным фактором дальнейшего расширения торгово-экономических отношений с зарубежными государствами, привлечения в отрасль передовых технологий, интеграции ее в мировую экономику.

В нашей стране действует ряд текстильных предприятий, оснащенных современными оборудованием и технологиями. Производимая ими продукция пользуется высоким спросом не только на внутреннем, но и на внешнем рынке. Изделия из узбекских национальных и современных тканей отличаются высоким качеством, они изготовлены из натурального сырья, удобны и соответствуют требованиям времени.

В традиционной выставке, которая проводится с 2004 года, в этот раз свою продукцию и услуги предлагают около тридцати фирм и компаний почти из двадцати стран, в том числе из Узбекистана, России, Германии, Италии, Франции, Объединенных Арабских Эмиратов, Малайзии, Беларуси, Польши и Турции.

Выставка имеет важное значение в широком представлении продукции, производимой отечественными и зарубежными текстильными предприятиями, в обмене опытом, заключении торговых договоров и соглашений о сотрудничестве, расширении многосторонних связей.

**Ирода УМАРОВА,**
**корр. УзА.**

**Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳамматович ҲОШИМОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.**

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

**Газета жума куни чиқади.**

**Телефонлар:**
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

**Таҳририят манзили:**
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

**«Ватанпарвар»** газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Владимир Кузнецов** ва **Роберт Ислакаев** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
**«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.**
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

**Нашр кўрсаткичи** 114. **Буюртма** № G-4218. **Адади** 23800.